



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ

# АХБОРОТНОМАСИ

№3 (39) 2019

*Et docere et discere servitute legis*

«FLIPPED CLASS» ТЕХНОЛОГИЯСИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

INTERNATIONAL LEGAL CONTROL OF  
NARCOTICS AND PSYCHOTROPIC  
SUBSTANCES

ПРОВЕРКА СООБЩЕНИЙ  
О ПРЕСТУПЛЕНИЯХ СВЯЗАННЫХ  
С УБИЙСТВОМ

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИК  
ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛИШНИНГ  
ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASI  
AKADEMIYASI





## МУАССИС

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

#### Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

#### Масъул котиб:

Ғофиржон Алимов

#### Таҳрир ҳайъати:

Дилшод Рахимов

Ботир Қудратходжаев

Умар Халилов

Халим Болтаев

Рустам Гафуров

Худойқул Азизов

Аброр Отажонов

Мирақбар Раҳмонқулов

Музаффар Мамасидиқов

Мансурхон Камолов

Бахтиёр Пўлатов

Фаҳри Раҳимов

Сурайё Раҳмонова

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинди, 2018 йил 13 июнда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январ ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганида «Ўзбекистон Республикаси Академияси Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олман.

#### Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

web-site: [www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)

e-mail: [proacademy@prokuratura.uz](mailto:proacademy@prokuratura.uz)

#### Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобоҷонов

• Буюртма №\_\_ Адади: 1000

• Журнал "Аргументы и факты

Узбекистан" МЧЖ ҚҚ босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри,

Элбек кўчаси, 8-уй.

## МУНДАРИЖА

**Е.Коленко,  
А.Ибраймов**

"FLIPPED CLASS" технологиясидан фойдаланиш афзалликлари  
Масофавий ўқитишнинг афзалликлари, уни ривожлантириш истиқболлари

1

**Б.Пулатов**

6

**М.Мамасидиқов,  
О.Исмоилов**

Одил судлов жараёнида жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари: амалдаги ҳолати ва истиқболлари

10

**Г.Маликова,  
Г.Нурмуҳаммедова**

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг детерминантлари  
Халқаро парламент ташкилотлари ҳуқуқий субъектчилигининг умумий методологик жиҳатлари

16

**Ф.Эшматова**

20

**Б.Ражабов**

Исбот қилишнинг умумий шarti сифатида далилларни тўплаш

26

**F.Safaev**

National implementation of the u.n. convention against corruption: dogmatic assessment of the penal codes of Uzbekistan and Germany

29

**Ш.Асадов**

Давлатни тушуниш концепцияларида «Суверенитет» категорияси: муносабат ва таҳлил

32

**Ф.Рамазанова**

Политико-правовое регулирование системы противодействия экстремизму и терроризму: сравнительный опыт стран СНГ

36

**М.Чутбаев**

Процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг қонунийлиги ва асослиги

39

**А.Хидоятуллаев**

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакл сифатида аккредитивга оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари

44

**У.Саидов**

Проверка сообщений о преступлениях, связанных с убийством

49

**Б.Тухтаев**

Вопросы совершенствования института предъявления для опознания в уголовно-процессуальном законодательстве Республики Узбекистан

54

**J.Musaev**

International legal control of narcotics and psychotropic substances

59

**У.Давлетов**

Судебно-правовая реформа в туркестане: шариатские суды (суд кози)

64

**Л.Исоқов**

Эркин ҳаракатланиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари: МДХ мамлакатлари мисолида

68

**А.Ачилов**

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи айрим ашё ва материалларни олиб ўтиш жиноятларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш

74

**А.Юлдашов**

Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтирилиши бугунги куннинг долзарб масаласидир

79

**Ф.Мируктамова**

Зарубежный опыт имплементации международных стандартов правосудия в отношении несовершеннолетних

83

**Э.Хомидов**

Давлат олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари даромадларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари

89

**Э.Сабилов**

Судлар фаолиятида тааллуқлилик институти: уни такомиллаштиришнинг айрим масалалари

93

**И.Шукуров**

Наркотрафик как угроза национальной безопасности Республики Узбекистан

98

**Ш.Бозаров**

Правовая природа договора лизинга

102

Коленко Евгений Вячеславович,  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси Академияси бошлиғи

Ибраймов Асқар Есбосинович,  
Бош прокуратура Академиясининг бўлим прокурори

## «FLIPPED CLASS» ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФЙДАЛАНИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

- ◆ Мазкур мақолада “Flipped Class” технологиясининг келиб чиқиши ва ривожланиш босқичлари, ўқитиш воситалари, моделлари, баҳолаш методикаси ҳамда уни амалиётда қўллаш самарадорлиғи ёритилган.
- ◆ В данной статье освещены этапы происхождения и развития технологии “Flipped Class”, средства и модели обучения, методика оценки и эффективность ее практического применения.
- ◆ This article highlights the stages of the origin and development of technology. “Flipped Class”, teaching aids and models, methods of learning and the effectiveness of its practical application.

**Таянч сўзлар:** “Flipped Class” технологияси, билим бериш ёндашуви, технология инструментлари, технология самарадорлиғи.

**Ключевые слова:** технология “Flipped Class”, подход передачи знаний, инструменты технологии, эффективность технологии.

**Key words:** technology “Flipped Class”, knowledge transfer approach, technology tools, technology efficiency.

XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” долзарб вазифа сифатида белгиланди<sup>1</sup>. Бу таълим тизимида педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, масофавий ўқитиш ҳамда муаммоли-вазиятли услублар каби замонавий таълим технологияларини кенг жорий этиш имкониятларини кенгайтирди.

Маълумки, замонавий таълим технологияларини жорий этиш маълум бир муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Жумладан, ҳозирги кунда таълим тизимида мавжуд бўлган дидактик тизимлар, кўпчилик ҳолатда дарс жараёнида маъруза қилиш, намойиш этиш — эшитиш ва ёзиб олиш каби ўқитиш парадигмасига асосланган. Ушбу дидактик тизимда асосий вазифани ўқитувчи бажаради, тингловчи эса кўпроқ пасив билим олувчи ҳисобланади. Бундай маъруза шаклида ўқитишда тингловчилар кўпинча ўқитувчи

томонидан дарс жараёнида биринчи марта айтилган маълумотларини тушунишга ҳаракат қилади ва улар бу маълумотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида чуқурроқ ўйлашга улгурмайди ва тезкорлик билан ўқитувчининг сўзларини ёзиб олиш билан банд бўлади. Халқаро мутахассислардан бири К.А.Мулдров фикрича, ўқитувчи маъруза шаклидаги дарсда ўқитишнинг дифференциал ёндашувини тўлиқ амалга ошира олмаслиги, ҳар бир тингловчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга ололмаслиги, ўқув материалларни ўзлаштиришининг тегишли суръатини таъминлай олмаслиги мумкин<sup>2</sup>. Бу ҳолат ҳозирги кунда бутун дунёда муаммо сифатида қаралмоқда ва мазкур муаммони бартараф этиш учун таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишини ташкил этишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Юқорида таъкидланган муаммоларнинг ечимини топиш ва илгари сурилган ғояларни амалга оширишга йўналтирилган замонавий ўқитиш шаклларида бири — **аралаш ўқитиш (Blended learning)** ҳисобланади.

**Аралаш ўқитиш** — замонавий таълим технологияси бўлиб, унинг асоси “синф-дарс тизими” билан электрон таълимнинг бирлашуви концепциясидан иборат. Бу электрон таълим, ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий ўқув воситалари тақдим қиладиган янги дидактик имкониятларга асосланади. Аралаш ўқитишнинг кенг тарқалган усулларида бири — бу **“Flipped Class”** педагогик технологияси асосида ўқитиш ҳисобланади.

“Flipped Class” инглизча сўз бўлиб<sup>3</sup>, русчада — “Перевернутый класс”<sup>4</sup>, ўзбекчада “Тескари дарс, синф”, “Ўрин алмаштирилган дарс, синф”, “Илгарилама дарс, синф”, “Олдиндан тайёрланиш дарси, синфи” маъноларига тўғри келади. Буларнинг орасидан ушбу педагогик технологиянинг ҳақиқий мазмун-моҳиятига энг яқин бўлган ном сифатида ўзбек тилида “Олдиндан тайёрланиш дарси, синфи” номини танлаш мумкин.

“Flipped Class” технологиясида ўқув жараёнининг асосий қисмлари бўлган дарс билан уйга вазифанинг ўрни алмаштирилиб, аввал уйга вазифани бажариш жараёнида видео, аудио ва бошқа интерфаол материаллар ўрганилади ва бўлажак дарсга тайёргарлик кўрилади, кейин дарсда мавзу мазмунини амалда қўллаш масалалари кўрилади.

Тингловчи дарсгача бўлган вақтда исталган жой ва вақтда ўзига қулай ҳолда ўрнашиб ўтириб, ўқитувчи томонидан тақдим этилган видео, аудио ва бошқа интерфаол материалларни ўрганади. Барча фактлар ва номлар ихчам видеога бир неча минутга жойланган бўлади. Бунга аудиторияда мавзунини тушунтиришга кетадиган вақтдан камроқ вақт кетади. Чунки дарсда бўладиган турли ташкилий ишларга вақт сарфланмайди. Дарсдан олдин мустақил ўзлаштириш дарсдаги мавзунини янгидан тушунтиришга кетадиган вақтни тежайди ва ушбу бўлаб қолган вақтдан мавзуга тегишли муаммоларни ҳал қилишга, билликлар ва кўникмаларни амалда қўллашга ва ўқувчилар билан янги ўқув маҳсулотлар яратишга йўналтирилади<sup>5</sup>. Ушбу масалада соҳа мутахассисларидан бири бўлган М.Симонованинг фикрича, ушбу технология “дарсдан ташқарида мустақил ишлаш, дарсда вақтни тежашга ва тўғридан-тўғри дарсда ўқув материал мазмунини тушунишни чуқурлаштиришга ёрдам беради”<sup>6</sup>.

“Flipped Class” атамаси нисбатан яқинда қўлланила бошланганига қарамай, унинг баъзи тамойиллари узоқ вақтдан бери ўқитувчилар томонидан қўлланилиб келинган. Жумладан, “Flipped Class” технологиясидан фойдаланиш бўйича дастлабки тажрибаларни **XX асрнинг 90-йиллари** бошида АҚШнинг Гарвард универси-

тети профессори Эрик Мазур ўтказган<sup>7</sup>. У таълим олувчиларга янги тушунчалар ва атамалар билан танишиш орқали дарсга тайёрланган ҳолда келишлари учун маъруза материаллари ва мақолалар берган. Дарс бошида эса Эрик Мазур кичик сўров ўтказган, унинг натижалари эса таълим олувчиларнинг ўқув материалларни қанчалик ўзлаштирганлиги бўйича ўқитувчига сигнал бўлган, шу асосида дарс жараёнида қайси масалаларга алоҳида эътибор бериш кераклигини билиб олган ва кейин ўқув материалларни чуқур ўрганиш ва муаммоларни ҳал қилиш кичик гуруҳларда амалга оширилган. Бу усулни қўллаш асосида ўтказилган назорат ишлари натижалари аънанавий ўқув услубига нисбатан юқори натижа қайд этган<sup>8</sup>. Таълимнинг ушбу шакли АҚШда 2004 йилдан бошлаб ривожлантирилган (Woodland Park High School, Colorado).

**“Flipped Class” номи билан биринчи бўлиб**, 2007 йилда АҚШда икки нафар ўқитувчи — Жонатан Бергман ва Аарон Сэмс томонидан амалиётда қўлланила бошланган<sup>9</sup>. Улар ўз ўқувчиларига босма материаллар эмас, балки уйда янги ўқув материалларини ўрганиш учун ишлатилиши мумкин бўлган видео дарсларни тарқатишган. Бергман ва Сэмс ишлаган мактаб қишлоқда бўлганлиги сабабли, ўқувчилар дарсларни кўпроқ қолдириб юборадиган бўлишган. Дарс қолдирган ўқувчиларнинг вақтини тежаш ва улар билан қўшимча дарслар ўтказмаслик учун дарсларни видеога ёзиб олиш ғояси пайдо бўлган. Ўқувчилар дарс материалларини мустақил ўрганиш учун улар таклиф қилган ёндашувни катта қизиқиш билан қабул қилишган<sup>10</sup>.

Шунингдек, 2011 йилда тадқиқотчи Энди Шэлл АҚШда Мичиган штатидаги “Clintondale High School” мактабида мазкур масала бўйича кенг тадқиқот ўтказган. Бунда 45 дақиқалик маърузанинг ҳаммасини конспектлашдан кўра давомийлиги 3-6 дақиқадан ортмайдиган видеороликлардан фойдаланиш яхши натижа бериши маълум бўлган<sup>11</sup>.

“Flipped Class” педагогик технологияси замонавий компьютер технологиялари ва масофадан ўқитиш ҳамда Интернет тармоғи имкониятлари асосида янада ривожланган. Бундай формат дунёдаги ўқувчилар ва ўқитувчилар учун маъқул бўлган ва улар ўз видеомаърузаларини ёзиб, ўқувчилари ўрганишлари учун локал ва глобал тармоқларга жойлаштира бошлаган.

Буюк Британиянинг Очик университети мутахассислари бу соҳа дунёдаги таълим тизимининг ривожланишини тубдан ўзгартириши мумкин деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, халқаро экспертлар ҳамжамияти яқин келажакда (5-7 йил) таълим жа-

раёни ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатадиган асосий тенденцияларни аниқлади<sup>12</sup> (The NMC Horizon Report: 2014 Higher Education Edition, New Media Consortium, "Educause"). Булар ўқув жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларда электрон рақамли қурилмалардан фойдаланиш ва ҳар қандай мобил қурилмадан фойдаланган ҳолда турли ресурслар билан ишлаш (Bring Your Own Device) ҳамда "Flipped Class" технологияси, турли хил ўйинлар ва геймификация шаклида ўқитиш (Game, Gamification) каби технологиялар ҳисобланиши таъкидланди.

Ҳозирги кунда "Flipped Class" технологиясини муваффақиятли қўллаш амалиёти Пеннсилвания штати Университетида (АҚШ) 1500 дан ортиқ талабалар иштирокида олиб борилмоқда.

"Flipped Class" технологиясини амалда қўллашда қуйидаги замонавий **таълим воситаларидан** фойдаланилади<sup>13</sup>.

**Подкаст (Podcast)** — бу овозли файл (аудио маъруза) ҳисобланади. Тингловчилар подкастни ўзларининг стационар ёки мобил қурилмалари асосида ёки маърузаларни онлайн режимда тинглашлари мумкин.

**Водкаст (Vodcast — бу "video-on-demand",** яъни сўров бўйича видео маъносини билдиради) ҳам подкастга ўхшаш бўлиб, фарқи фақат видеофайлларга эгалигидан иборат.

**Пре-водкастинг (Pre-Vodcasting)** — бу таълимий метод бўлиб, унда педагог томонидан ўқувчилар келгуси ўрганиладиган машғулотгача аввалдан мавзу тўғрисида тасаввур олишлари учун ўз маърузаси билан бирга водкаст яратилади.

"Flipped Class"нинг асосий воситаси бу тингловчи дарсдан ташқари вақтда мустақил равишда ўрганиладиган видео, аудио ва бошқа интерфаол материаллар ҳисобланади. Видео маърузалар кўпинча **асосий компонент** сифатида кўрилади.

Мавжуд айрим манбаларда "Flipped Class"нинг ягона модели ҳали мавжуд эмаслиги, бу технология таълим олувчиларнинг олдиндан ёзилган маърузаларни ўқиши, кўриши ва тинглашига асосланганлиги, кейинчалик бевосита тингловчилар ўртасида муҳокама қилиниши асосида амалга оширилиши таъкидланган<sup>14</sup> бўлса, айрим манбаларда ушбу технология асосида ўқитишнинг бир нечта **моделлари** келтирилган<sup>15</sup>.

Жумладан, "Flipped Class"нинг **классик модели** таълим олувчини бўлажак дарснинг назарий материаллар билан олдиндан таништиришни ўз ичига олади. Бунда ўқув материаллар матн, дарсликларнинг параграфи, слайдлар, видео ва аудио материаллар шаклида берилади. Аудиторияда эса ўқитувчи аввалдан ўрганилган мате-

риални муҳокама қилиш, мураккаб фикрларни тушунтириш, муаммоли саволларга жавоб бериш ва интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда дарс ўтишдан иборат бўлади.

"Flipped Class"нинг **илғор модели**. Бунда таълим жараёни икки босқичда — аудитория ва аудиториядан ташқарида амалга оширилади ва вазифалар даражаси босқичма-босқич мураккаблашиши ва фаолиятнинг кенгайиши назарда тутилади. Дарсгача бўлган вақтда тингловчилар мавзу бўйича маълумотларни мустақил излайди, мақолалар ўқийди, видеоларлар томоша қилади ва кичик гуруҳларда ёки давра суҳбатиде муҳокама қилиш учун тезислар, саволлар тайёрлайди ҳамда амалга оширилган ишларининг натижалари қўшимча равишда электрон платформага жойлаштирилади. Бунинг натижасида ўқитувчи ва бошқа тингловчиларга улар билан олдиндан танишишлари ва дарсга яхшироқ тайёргарлик кўришлари имконияти яратилади. Аудиторияда эса тақдим этилган тезислар, ўқиган материаллар мазмунини муҳокама қилиш, билдирилган фикрлар асосида умумий концептуал ғояни шакллантириш ва ғояларни амалда қўллаш ишлари кичик гуруҳларда амалга оширилади ҳамда ҳар бир гуруҳнинг иши асосли таҳлил қилинади.

"Flipped Class"нинг **тизимли ва аралаш модели**. Бу юқорида таъкидланган икки моделнинг комбинацияси ҳисобланади. Бунда амалдаги анаънавий ёдлаш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез қилиш, баҳолаш компетенцияларнинг кетма-кетлиги ўзгарган ҳолда, дастлаб назария ёки моделнинг амалий қўлланилиши, шундан сўнг унинг назарий асосланиши ўрганилади. Бунда тингловчилар мустақил ишлаш жараёнида бирон бир вазифа ёки муаммоли вазиат бўйича маълумотларни қидириш ва таҳлил қилиш, ечимларни таклиф қилишга ҳаракат қилади. Тингловчилар топилган маълумотларни ўқитувчининг раҳбарлигида таҳлил қилади ва унда таклиф қилинган ҳар бир ечимнинг афзалликлари ва камчиликларини таққослайди. Шундан сўнг, мустақил ишлаш босқичи яна давом этади ва тингловчилар муаммонинг назарий асосларини ва уни ҳал қилиш бўйича тажрибаларни ўрганади. Якунида тингловчилар мавзу бўйича ўрганилган барча материалларни умумлаштиради ва бирлаштиради ҳамда амалиётда қўлланилишини таҳлил қилади.

"Flipped Class" педагогик технологиясини амалда қўллашнинг қуйидаги **иккита** зарурий шарти мавжуд. **Биринчиси**, таълим олувчиларда шахсий компьютер бўлиши ва унинг Интернетга уланганлиги, **иккинчиси**, аудиториядан ташқари-

да материалларни ўрганиш, топшириқларни бажариш жараёнида ўқитувчи билан “икки томонлама алоқа”ни таъминлашдан иборат<sup>16</sup>.

Халқаро мутахассислар Х.Маршалл, Дж. Гранэй, К.Мулдров, О.Брыксина, Е.Вульфович, Е.Зверева, О.Квашнина, С.Литвинова, Н.Литонина, А.Логонова ва бошқалар ўқитиш технологиясининг қуйидаги афзалликлари ва камчиликларини қайд этишган.

Афзалликлари	Камчиликлари
Тингловчи ўқув материалларни мустақил равишда хотиржам ўқиши, кўриши, тинглаши, исталганча такрорлаши мумкин.	Тингловчида мустақил ўқиш вақтида савол пайдо бўлса, уни бевосита ўқитувчига бера олмайди.
Дарсда бўлмаган тингловчилар ўқув материалларни мустақил ўқиш, кўриш, тинглаши асосида ўзлаштиришлари мумкин.	Ўрганиш учун тайёр электрон материал бўлмаслиги ёки этишмаслиги мумкин.
Тингловчилар ўзлари учун қулай бўлган вақтда, исталган жойда ва ҳар қандай воситадан (смартфон, планшет, ноутбук) фойдаланган ҳолда ўқиши мумкин.	Тингловчилар компьютер ёки бошқа воситалардан эркин фойдаланиши учун ҳар доим ҳам имкони бўлмаслиги мумкин.
Дарсда ўқитишнинг фаол усулларини қўллаш учун имкониятлар кўпроқ.	Дарсдан аввал ўқув материаллари билан танишмаган, ўқув фильмларини кўрмаган тингловчилар учун дарс зерикарли бўлади.
Ўқитувчининг диққати тингловчининг муайян ишига қаратилган бўлади (якка таълим).	Ўқитувчи дарс учун ўқув материал, топшириқлар тайёрлашга кўп вақт ва катта харажат сарфлаши мумкин.
Дарсдаги вақт аввал ўрганилган материални чуқурроқ тушуниш ва изохлашни ўз ичига олган вазифаларга сарфланади.	Тингловчиларнинг янги ўқитиш модели талабларига кўникашлари учун кўпроқ вақт керак бўлиши мумкин.
Ўқитувчи ҳар бир тингловчи билан алоҳида мулоқот ўрнатиши унинг билим даражасига вазифаларни мослаштиришга ёрдам беради.	Ўқитувчи томонидан машғулотлар тўғри ташкил этилмаса, дарс анъанавий машғулотга айланиб қолиши мумкин.

Мазкур қиёсий жадвалдан келиб чиқиб, яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро мутахассисларнинг бири тингловчиларнинг дарсдан аввал ўқув материалларни ўзлаштириши ва келгуси дарсга тайёр ҳолатда келишига кафолат йўқлигини **асосий камчилик** сифатида эътироф этади. Бу эса барча тингловчилар дарс жараёнида иштирок этиш ҳолатига салбий таъсир қилиши, натижада **“Flipped Class” муваффақиятсиз ташкил этилишига олиб келиши таъкидланган**<sup>17</sup>.

“Flipped Class” технологияси асосида ўқитишни баҳолаш анъанавий ўқитишдан фарқ қилади. Саббаби, бунда дарсга қадар мавзунини ўзлаштириши ва уни дарс жараёнида амалда қўллашни баҳолаш зарур бўлади. Бунда тингловчиларга қўйилган вазифаларни бажаришда кенг қам-

ровли баҳолаш усулларида фойдаланиш мумкин. Масалан, маълумот ўқитувчи томонидан берилмасдан, тингловчилар ўзлари қидириб топиши керак бўлса, маълумот қидиришдаги маҳорати ёки маълумот ҳақида гуруҳга хабар бериш, мунозарани ташкил этиш вазифаси қўйилган бўлса, унда гуруҳ ичидаги алоқа сифати, ҳар бирининг жамоавий билимга қўшган ҳиссаси, ўзаро ўрганиш самарадорлиги ва бошқа жиҳатлари баҳолашни лозим.

Шунингдек, тингловчилар мавзуга оид видео, аудио ва бошқа интерфаол материалларни ўрганиш жараёнида ўзлаштиришни текшириш учун вақти-вақти билан онлайн сўровлар ёки тест синовлари ўтказиши мумкин. Бу тингловчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришда ноаниқ фикрларни аниқлаш ва маърузаларни қайта кўриш имкониятини беради.

“Flipped Class” педагогик технологиясини амалда қўллаш бўйича асосий босқичларини қуйидагича белгилаш мумкин:

— “Flipped Class” ушбу технологияни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлган модуллар ва мавзуларни аниқлаш;

— ўқув материалларни жойлаштириш учун ресурсни ҳамда таълим олувчилар билан диалогни таъминлаш воситасини танлаш;

— мавзу бўйича видео, аудио ёзувлар, тақдимотлар ёки бошқа интерфаол материалларни тайёрлаш ёки тегишли манбалардан танлаб олиш;

— материаллар билан ишлаш бўйича йўриқнома тайёрлаш, мавзу бўйича топшириқни шакллантириш ва бу материалларни танлаб олинган ресурсга жойлаштириш;

— тингловчиларнинг ўқув материаллардан фойдаланишини таъминлаш, уларнинг саволларига ўз вақтида жавоб қайтариш;

— тингловчиларнинг ўзлаштиришлари учун берилган топшириқни бажаришларини таҳлил қилиш, аудиториядаги машғулотлар учун табақалаштирилган топшириқларни тайёрлаш;

— тингловчиларнинг мавзу бўйича назарий билимларига таянган ҳолда фаол амалий машғулот ўтказиш, машғулотнинг самарадорлигини таҳлил қилиш;

— ҳар бир ўқув видео ёки электрон таълим ресурслари аниқ ўқув мақсадига эга бўлишини таъминлаш;

— топшириқларни бажаришнинг охириги муддатларини (сана ва соатни) аниқ белгилаш;

— ишлаб чиқилган материалнинг долзарблиги камайиб боришига мувофиқ равишда тегишли ахборотларни мунтазам янгиланган бориш зарур.

“Flipped Class” асосида ўқитиш шахсга йўналтирилган таълим, муаммога асосланган таълим, компетенцияга асосланган ёндашув ва тизимли фаолият ёндашуви каби турли ёндашувлар асосида ташкил этилади. Бунда ўқитувчининг роли ҳам ўзгарган ҳолда тингловчилар фаолиятини ташкил этувчи, маслаҳатчи, ташкилотчи, тьютор, менежер, модератор каби вазифаларни бажаради.

Шунингдек, “Flipped Class” технологиясини ўқув жараёнига киритиш ўқитувчилар ишини мураккаблаштиради, янги ўқитиш усулларини қўллашни, тингловчиларнинг ўзига хос хусусиятларини

ўрганишни, янги материаллар тайёрлашни, видеороликлар ишлаб чиқишни талаб қилади, аммо бу ўз навбатида тингловчиларни ўқитиш сифатини ошириш орқали ўз самарасини беради.

Шундай қилиб, ушбу ёндашувда билим олиш парадигмаси ўзгаради. Агар анъанавий педагогикада билимлар тайёр, мантиқий, тузилган шаклда берилса, “Flipped Class” усулида ўқувчидан уни топиш, тушуниш, қайта ишлашда фаол иштирок этишни талаб қилади. Бу ўрганилаётган мавзуга қизиқишни уйғотишга, ўқувчини мустақил фикрлашга ундашга, мавзу бўйича билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилади.



<sup>1</sup> Inncheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

<sup>2</sup> Muldrow K.A. New approach to language instruction: flipping the classroom // The Language Educator. November, 2013. P. 28-31

<sup>3</sup> Dumont A., Berthiaume D. La pedagogie inversee. Enseigner autrement dans le superieur avec la classe inversee. - De Boeck Superieur s.a., 2016. - P. 235.

<sup>4</sup> Литвинова С.Г. Технология «Перевернутое обучение» в облачно ориентированной учебной среде как компонент развития медиаобразования в средней школе // МедиаСфера и медиаобразование. — 2015 Ст. 233 - 242

<sup>5</sup> Логинова А.В. Особенности использования и принципы функционирования педагогической модели «перевернутый класс» // Молодой ученый. 2015. № 9. С. 1114-1119.

<sup>6</sup> Симонова М.В. «Перевернутый класс» на занятиях по испанскому языку в вузе // Актуальные аспекты фундаментальных и прикладных исследований: сборник научных трудов. Орёл, 2016. С. 48–55.

<sup>7</sup> Пин Ли. Анализ обоснованности использования смешанной технологии обучения «Перевернутый класс» в кооперативной модели образования в российских и китайских вузах // Развитие российско-китайских отношений: новая международная реальность : материалы II Междунар. науч.-практ. конф., посвящ. 70-летию Победы во Второй мировой войне. Иркутск, 2016. С. 110–115.

<sup>8</sup> Mazur E. Peer instruction: A User's Manual // Prentice-Hall, Upper Saddle River, NJ, 1997

<sup>9</sup> Bergmann J., Sams A. Flip your classroom: reach every student in every class every day // Washington, DC: International Society for Technology in Education, 2012.

<sup>10</sup> Bergmann J, Sams A. Flip your classroom: reach every student in every class every day // Washington, DC: International Society for Technology in Education, 2012.

<sup>11</sup> Федотова О. Д., Николаева Е. А. Альтернативная образовательная технология Flipped learning как реализация идеи радикального пересмотра организационных основ процесса обучения // Мир науки. 2017. Т. 5, № 1. С. 52–58.

<sup>12</sup> Johnson L., Adams Becker S., Estrada V., Freeman A., Отчет NMC Horizon: высшее образование - 2014 / / Остин, Техас: New Media Consortium, 2015

<sup>13</sup> Методические рекомендации по реализации современной технологии «Перевернутый класс» в дополнительном образовании. Сост. М.А. Тихова — СПб.: ГБУ ДО ДДЮТ «На Ленской», 2017.

<sup>14</sup> Дергачева О. А. Перспективы применения технологии «Перевернутый класс» // Актуальные проблемы филологии и методики преподавания иностранных языков : сб. науч. тр. по материалам очной ХВ Междунар. студ. науч.-практ. конф. М., 2017. С. 98– 100.

<sup>15</sup> Dumont A., Berthiaume D. La pedagogie inversee. Enseigner autrement dans le superieur avec la classe inversee. — De Boeck Superieur s.a., 2016. — P. 235.

<sup>16</sup> Методические рекомендации по реализации современной технологии «Перевернутый класс» в дополнительном образовании. Сост. М.А.Тихова — СПб.: ГБУ ДО ДДЮТ «На Ленской», 2017 г

<sup>17</sup>Симонова М.В. «Перевернутый класс» на занятиях по испанскому языку в вузе // Актуальные аспекты фундаментальных и прикладных исследований: сборник научных трудов. Орёл, 2016. С. 48–55.

Пўлатов Бахтиёр Халилович,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академияси профессори, юридик фанлар доктори

## МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

◆ Мақолада замонавий масофавий таълим тизимининг афзалликлари, самарадорлиги, очиклиги, эркинлиги, ўқув жараёнини ҳужжатлаштириш масалалари, уни ташкил қилишдаги қийинчиликлар ва масофавий ўқитишни ривожлантириш истиқболлари ёритилган.

◆ В статье освещено преимущество, эффективность, открытость, прозрачность, вопросы оформления учебного процесса, трудности организации и перспективы развития системы дистанционного обучения.

◆ The article deals with the primacy, efficiency, openness, transparency, the design of the educational process, the difficulties of organization and the prospects for the development of a distance learning system.

**Калит сўзлар:** Интернет, технологиялар, масофавий ўқитиш, ўқитиш шакллари, афзалликлар, ўқув жараёни, ташкил қилишдаги қийинчиликлар, ривожлантириш истиқболлари.

**Ключевые слова:** Интернет, технологии, дистанционное обучение, форма обучения, преимущество, учебный процесс, организационные трудности, перспективы развития.

**Keywords:** Internet, technology, remote obeni, form of envelopment, benefit, educational process, organizational difficulties, development perspectives.

Замонавий таълимни компьютер ва Интернет-сиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ахборот алмашиш ривожланаётган ҳозирги жамиятда мутахассисдан бутун ҳаёти давомида мунтазам ўқиши, малакасини ошириб бориши талаб қилинади. Чунки, бугунги кунда инсоннинг олган бошланғич билими жамиятда юз бераётган ўзгаришлар талабига жавоб бермай қолди. Шунинг учун, билим олиш, билим беришнинг янги шакллари ва ўқитишнинг янги технологияларини излаб топиш заруриятга айланиб бормоқда.

Интернет технологияларидан ва масофавий ўқитишдан фойдаланиш мутахассисларни узлик-сиз ўқишлари ва уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, иккинчи мутахассисликка эга бўлишлари учун янги имкониятларни очиб беради, ўқиш ва билим олишни яна ҳам имкониятли қилади.

Шу вақтнинг ўзида бутун ҳаёт давомида асосий таълимни олиш ёки малакани ошириш зарурияти масофавий ўқитиш шаклига эҳтиёжни оширади ва унинг потенциални ривожлантиради. Интернет технологияларнинг ривожланиши ва оммавий тарқалиши билан масофавий ўқитишда янги имкониятлар пайдо бўлди. Шу боис, жаҳонда жуда кўп масофавий ўқитиш курслари ва бутун бошли масофавий ўқитиш университетлари вужудга келди. Буюкбритания Очқ Университетининг бюджети — 400 млн. Фунт стерлингни ташкил қилади. Туркиянинг Масофавий Университетида бутун мамлакатда рўйхатга олинган тала-

баларнинг ярмидан кўпи таълим олади. Индира Ганди Очқ Миллий Университети талабаларининг сони 1 млн.дан ошиқ. АҚШда мавжуд бўлган ҳамма олий ўқув юртларининг 81% да ҳеч бўлмаганда битта масофавий ўқитиш курслари фаолият юритади. АҚШнинг 67% олий ўқув юртлари ўз ривожланишининг стратегик муҳим йўналиши деб масофавий ўқитишни ҳисоблайдилар.

Масофавий ўқитишнинг афзалликлари. Замонавий дастурий ва технологик воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ўқитиш тизими электрон таълимни яна ҳам самарали қилади. Янги технологиялар визуал ахборотни яна ҳам ёрқин ва ифодали қилишга, тингловчининг ўқитиш тизими билан фаол алоқасини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил қилишга ёрдам беради. Интернет тармоқларининг ривожланиши, интернетга киришнинг тезкорлиги, мультимедиа технологиялари, овоз, видеодан фойдаланиш масофавий ўқитиш курсларини тўлақонли ва қизиқарли қилади.

Масофавий ва аудитория ўқитишларининг самарадорлигини таққослаш юзасидан масофавий ўқитишни тақлиф қилувчи ва бундай ўқитиш шакли бўлган АҚШ институтлари ўқитувчилари ўртасида ўтказилган сўров кўрсатишича, 57% ўқитувчиларнинг фикрича, масофавий ўқитиш натижалари анъанавий ўқитиш натижаларига нисбатан кам эмаслигини, ҳаттоки айрим ҳолатларда юқори эканлигини қайд қилганлар. Сўровда қатнашган 33% ўқитувчилар яқин келажакда масофавий

ўқитиш натижалари аудитория машғулотларидан ошиб кетади деб ҳисоблайдилар.

Ўқитишнинг очиклиги ва тушуниш учун осон, энгил, ўқув жойи, ўз уйи ёки иш манзилидан ташқари чиқмасдан ўқиш имконияти замонавий мутахассисга махсус хизмат сафарига, меҳнат таътилига чиқмасдан, асосий фаолиятидан ажралмаган ҳолда бутун умри давомида ўқиш имкониятини беради. Бундай ҳолатларда ўқиш учун вақт асосан кечки ва дам олиш кунлари ажратилиши мумкин.

Амалий жиҳатдан компьютер ва Интернет мавжуд бўлган ер шарининг ҳар қандай нуқтасида ўқиш мумкин. Бундай ҳолат, ўқув жараёнини анъанавий ўқишга нисбатан ташкилий жиҳатдан ҳар томонлама осонроқ ва имкониятлироқ қилади. Сиз яшаётган шаҳарда сиз учун керак бўлган курслар бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда, масофавий ўқишни бошлаш учун сизни қизиқтирувчи курсларни Интернетдан топиш, сайтда рўйхатдан ўтиш ва банк орқали ўқиш нарҳини тўлаш етарли. Ўқувчи учун ҳам, ўқишни ташкиллаштирувчилар учун ҳам ўқув жараёнини ташкил қилишнинг энгиллиги, ўқишни бошлаш учун формал чегараларнинг йўқлиги яққол кўзга ташланади.

Бунда талабгор инсон ўзи учун маъқул бўлган вақтда, ҳаттоки бошқа давлатда ҳам ўқиши мумкин, бунда виза, йўл кира, транспорт, ётоқхона ҳаражатлари талаб қилинмайди. Қоидага кўра, масофавий ўқиш биринчи навбатда йўл кира, бошқа шаҳарда яшаш ҳаражатлари, курсларни ташкил қилиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатларнинг қисқартирилиши (машғулотлар ўтказиш учун бинони ижарага олиш, хизмат қилувчи ходимнинг камлиги, ўқитувчиларга сарф-ҳаражатнинг қисқариши ва бошқалар) ҳисобига анъанавий ўқишларга нисбатан анча арзон ўқиш ҳисобланади.

Сифатли таълимнинг эркинлиги, имкониятларнинг кенглиги, ўқиш курсларини танлаш учун янги имкониятларни вужудга келтирмоқда. Турли давлатларнинг ҳар хил университетларидан бир қанча курсларни жуда осон танлаш мумкин. Бир вақтнинг ўзида, курсларни бир-бири билан таққослаган ҳолда ҳар хил жойларда ўқиш мумкин. Вақт келиб интернет тармоғида ҳар хил мутахассисликлар бўйича энг яхши курслар пайдо бўлади. Бу эса, яна ҳам юқори самарали технологиялар мавжуд бўлган энг яхши ўқув муассасаларида, яна ҳам юқори малакали ўқитувчиларда ўқиш имкониятларига олиб келади.

Ҳоҳлаган вақтида, ҳоҳлаган жойда ўқиш тингловчиларга нафақат ўзларининг аввалги ҳолатида қолиш ва аввалги ҳаёт ритминини сақлаб қолиш билан бирга ўзларининг шахсий ўқиш режаларини тузишга имкон беради. Инсон масофавий

ўқишни айрим сабабларга кўра (ёши, жамиятдаги ўрни, мансаб лавозими, уятчанлиги ва ҳ.к.) аноним тарзда ҳам амалга ошириши мумкин. Одамлар ҳамма вақт ҳам анъанавий юқори таълимни олиш имкониятига эга эмаслар. Бундай ўқиш жараёнига одам ёши ҳам таъсир қилмайди, гуруҳларнинг ҳар хиллигининг ҳам аҳамияти йўқ. Катта корхона, муассаса, ташкилот раҳбарининг ишдан ажралган ҳолда ўқиши жуда қийин, айрим ҳолларда имкони йўқ деса ҳам бўлади. Бундай ҳолларда унинг учун энг яхши имконият — масофавий ўқиш, яъни асосий фаолият ва ўқишни биргаликда амалга ошириш имкониятлари юзага келади. Шунингдек, имконияти чекланган одамлар ва ногиронлар ҳам ўқишлари мумкин.

Ўқув муассасаси масофавий ўқитиш шаклидан фойдаланганда катта ҳажмдаги хорижий тингловчиларни ўқишга жалб қилади, университетлар бошқа шаҳар ва давлатлардан масофавий тингловчиларни жалб қилиш ҳисобига тингловчиларнинг сонини кўпайтириш имкониятига эга бўладилар. Тажриба кўрсатишича, масофавий ўқишга жалб қилинган тингловчилар ўқиш жараёнида яна ҳам мустақил, тезкор ва масъулиятли бўлиб шаклланадилар. Бундай сифатларсиз тингловчи бундай ўқув шаклини ўзлаштира олмайди. Агар бундай сифат бошланғич этапларда бўлмаса, улар ўқиш жараёнида босқичма-босқич ривожлантирилади ва ўқиш якунида замон талабига жавоб берувчи ҳақиқий мутахассислар етишиб чиқади.

Ўқув жараёнини ҳужжатлаштириш — ўқувчида ўқув муассасаси, ўқитувчилар томонидан берилган ўқув материаллари, топшириқлар, кўрсатмалар ва бошқа ўқув материаллари, уларнинг бажарилиши юзасидан тўпланган ўқув ҳужжатлари, ўқув курслари, электрон ёзишмалар қолиши мумкин ва у кейинчалик заруриятга қараб бу ҳужжатларга мурожаат қилиши мумкин.

Масофавий ўқитиш катта ҳажмдаги тингловчиларга, гуруҳларга билим олиш имкониятини беради, ўқишга қизиқишни, унинг натижадорлигини оширади, қачон ўқиш зарур бўлса ўша вақтда ўқишга имкон беради ва ўқишга ҳар хил ёшдаги одамлар гуруҳи жалб қилиниши мумкин. Бундай ўқитиш шакли ўқиш жараёнини яна ҳам шахсийлаштиради ва ижодийлаштиради, ўқувчининг ижодий ўзлигини намойиш қилиш учун янги имкониятларни очади.

Масофавий ўқитишни жорий қилиниши имтиҳон топширишда ўқувчининг руҳий ҳолатини мўтадил сақлаган ҳолда унинг безовталанишини камайтиради. Сир эмас, ўқитувчининг ўзини тутиши ва саловати айрим тингловчиларга ўзларининг билимларини тўлиқ намойиш қилишга имкон беради. Бундай ўқитиш шаклида гуруҳларнинг таъсири ёки тингловчининг бошқа фанлар бўйича

ўзлаштириши билан боғлиқ бўлган психологик таъсир олиб ташланади. Аънанавий ўқитиш жараёнида мавжуд бўлган психологик таъсир, безовталанишни олиб ташлаш учун релаксацион танаффусларни ва бошқа махсус усулларни қўлланилиши масофавий ўқитишда яхши натижаларни беради.

Масофавий ўқитиш ва замонавий Интернет технологияларини қўлланилиши ҳар хил виртуал жамиятларни энгил шаклланишига (мисол учун, ўқитувчилар жамияти), ўқитувчиларнинг бир-бирлари билан мулоқотга кириши, муаммоларни муҳокама қилишлари, умумий вазифаларни ҳал қилишлари, тажриба, ахборотлар билан алмашишлари ва бошқа масалалар юзасидан ҳамкорликни амалга оширишларига имкон беради.

Масофавий ўқитишнинг ривожланиши янги инструментлар ва ўқитиш усулларида фойдаланишни, ўқитишнинг янги моделларини, модулларини яратишни талаб қилади. Ўқитишда қидирув тизимларидан фойдаланиш янги имкониятларни очиб беради. Замонавий қидирув тизимлари ўзларида миллиардлаб ҳужжатларни жамлайди, бу эса, жуда катта ахборот базасини ташкил қилади, ўқувчиларнинг вазифаси улардан ўқиш жараёнида самарали фойдаланишдан иборат.

Жумладан, Google, жаҳоннинг етакчи қидирув тизими, ўқув адабиётларни қидириш учун қидирув тизимини хабар қилди. Google Scholar деб ном олган тизим янги қидирув платформасидан иборат бўлиб, фойдаланувчиларга ҳар хил ўқув мақолаларда, тезисларда, китобларда, ҳисоботларда ва ҳужжатларда ўқув жараёнига тааллуқли нашрларини қидиришни амалга оширишга имкон беради. Scholar платформаси ўқувчи ва ўқитувчиларга ўқув адабиётларни, нашрларни ва кутубхоналарни қидириш учун жуда қулай ва аҳамиятли тизим ҳисобланади. Google қоғозли китобларни кўчириб олиш бўйича Google Print деб номланган лойиҳани очган. Бу лойиҳанинг библиотека фондининг асосини Мичиган, Гарвард, Стэнфорд, Оксфорд, Нью-Йорк университетлари китоб хазиналарининг сканер қилинган нусхалари ташкил қилади.

Масофавий ўқитишнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам мавжуд. У ҳам бўлса ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасидаги бевосита мулоқотнинг йўқлиги. Олдинда билимни юқори даражада билувчи ва тушунтирувчи инсоннинг йўқлиги ўқитиш жараёни учун жиддий камчилик ҳисобланади. Бундай ҳолатда ўқувчилар гуруҳида ижодий атмосфера ни тузиш қийин. Шахсий компьютер ва Интернет тизимига кириш имкониятининг, мунтазам равишда ахборот манбаларига киришнинг зарурлиги сезилади. Энг яхши техник воситалар билан жиҳозланган бўлиши ва масофавий ўқитиш воситала-

ри техник жиҳатдан ишлатишга тайёр бўлиши зарур. Афсуски, ҳамма ҳам ўқишни истовчилар бундай имкониятга, бундай воситаларга эга эмаслар.

Интернет ўқишнинг (масофавий ўқитишнинг) энг асосий муаммоларидан яна бири, билимни текширишда фойдаланувчининг шахсиятини аниқлаш муаммоси бўлиб қолмоқда. Ҳозирга қадар бу борада, хориж тажрибасида ҳам, бирор-бир оптимал техник қарор илгари сурилмаган, кўпчилик масофавий дастурлар олдинги каби аънанавий экзаменацион сессияларни таклиф қилдилар. Интернет алоқа симларининг нариги бошида ҳақиқатда ким турганлигини айтиш қийин. Қатор ҳолатларда бу муаммо ҳисобланади ва ўқитувчи-тренер(тьютор)лардан махсус чоралар, усуллар, кўникмаларни қўллашни талаб қилади. Айрим ҳолатларда бу муаммони ҳал қилиш мақсадида ўқувчи тарафига видеокамера ўрнатилади.

Бундай ҳолатларда қатор шахсий-психологик шароитларнинг зарурлигига эҳтиёж сезилади. Масофавий ўқитиш учун ўқувчи томонидан қаттиқ шахсий-интизом талаб қилинади, унинг натижаси эса ўқувчининг мустақиллиги ва шахсий онги билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Қоидага кўра, ўқувчилар бу ўқиш шаклида амалий машғулотларга эҳтиёжни сезадилар. Ўқувчилар устидан мунтазам назоратнинг йўқлиги ҳам ўқишнинг самардорлигига салбий таъсир қилади.

Вақтинчалик қийинчиликлар. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигининг етарли даражада эмаслиги, масофавий ўқитиш тажрибасининг йўқлиги, кўпчилик ўқитувчилар ва тингловчилар бундай ўқитиш усулига тайёр эмаслиги, аънанавий классик таълимга эътиборни кучайтиради. Ахборот-коммуникацион инфротизимни қўллашга имкониятларнинг етарли эмаслиги, масофавий ўқитиш ўқув дастурлари, ўқув қўлланмаларини тайёрлашга қодир бўлган малакали мутахассисларнинг бугунги кунда етарли эмаслиги сабабли бундай ўқитиш шаклини самарали таъминланишига қаратилган ўқув дастурлар ва курслар етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Масофавий ўқитишни тайёрлаш ва ўтказишга оид методик материаллар жуда кам.

Бундай ҳужжатларни тайёрлаш, сифатли мультимедиа курсларини тузиш учун юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж сезилади. Замонавий масофавий ўқитишда интерфаолликда ҳам камчиликлар сезилмоқда. Ҳозирги кунда ўқув курсларининг мазмуний асосини текст материаллари шаклидаги лекциялар ва оддий графиклар (расмлар, фотолавлар), билимни назорат қилиш шакли сифатида тест топшириқлари, имтиҳонлар олиш ташкил қилмоқда.

Масофавий ўқитишни ривожлантириш истиқболлари. Интернет технологияларнинг ривожланиши Ўзбекистон таълим тизимида масофавий ўқитишнинг ривожланишига ва унинг усулларини такомиллаштирилишига олиб келади. Ўқитишнинг масофавий шакли таълимнинг оммавий тарқалишига, ўқув курсларини анъанавий таълимга нисбатан имкониятли қилишга шароит яратади.

Бизнинг мамлакатимизда телекоммуникация ва интернет тармоғи ривожланиши ва кун сайин кенгайиб бориши масофавий ўқитиш тизимини кенг тарқалишига олиб келади. Масофавий ўқитиш тизимини ривожланиши максимал интерфаолликни таъминланишини назарда тутди. Қачонки, ўқитувчининг ўқувчи билан реал мулоқотга киришига эришилганда бундай ўқитиш шаклида ўқитиш тўлақонли бўлади ва самарадорлик юқори бўлади. Мана шундай натижага эришилишига интилишимиз керак.

Бунинг учун ҳар хил типдаги электрон коммуникациялардан фойдаланиш зарур бўлади.

Масофавий ўқитиш курсларини такомиллаштиришда эътибор берилиши лозим бўлган масалалар: мультимедиани ривожлантириш, яъни видео ва слайд фильмларни овозлаштириш, анимация ва графикаларни такомиллаштириш; интерфаолликни кенгайтириш, бойитиш; аудио ва видео материаллардан фойдаланиш; назорат ва тест топшириқлари турларини кенгайтириш; енгил ўзлаштиришга йўналтирилган мультимедиа туридаги ўқув материаллари ҳажмини кенгайтириш; тингловчилар ўзаро мулоқотини кенгайтириш; курсларни етказишнинг жамланган усулларидан фойдаланиш, Интернет, Интернет дастурлари ва бошқаларни ривожлантиришдан иборат. Бу таълим шаклини ривожлантириш бугунги куннинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.



1. Вайндорф-Сысоева М.Е. Методика дистанционного обучения: учебное пособие для вузов/ Москва: Издательство Юрайт, 2018
2. Абдуллаев С. Г. Оценка эффективности системы дистанционного обучения // Телекоммуникации и информатизация образования. – 2007. - N 3.
3. Аверченко Л. К. Дистанционная педагогика в обучении взрослых // Философия образования. - 2011. - № 6 (39).
4. Авраамов Ю. С. Практика формирования информационно-образовательной среды на основе дистанционных технологий // Телекоммуникации и информатизация образования. – 2004. - N 2.
5. Балашова Ю. В. Особенности личностного развития студентов при дневном и дистанционном обучении // Среднее профессиональное образование. - 2009. - N 6.
6. Боброва И. И. Методика использования электронных учебно-методических комплексов как способ перехода к дистанционному обучению // Информатика и образование. - 2009. - N 11. - С. 124-125.
7. Бочков В. Е. Учебно-методический комплекс как основа и элемент обеспечения качества дистанционного образования // Качество. Инновации. Образование. – 2004. - N 1.
8. Васильев В. Дистанционное обучение: деятельностный подход // Дистанционное и виртуальное обучение. – 2004. - N 2.

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович,  
Бош прокуратура Академиясининг марказ бошлиғи,  
юридик фанлар доктори, профессор

Исмоилов Олимжон Хамитович,  
Фуқаролик ишлари бўйича  
Тошкент вилояти судининг раиси

## ОДИЛ СУДЛОВ ЖАРАЁНИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ: АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

✦ Мақолада одил судлов жараёнида жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари, ҳозирги ҳолати ва хорижий давлат қонунчилик тажрибаси ва миллий амалиёт таҳлили асосида ушбу механизмларни такомиллаштириш истиқболлари баён этилган.

✦ В статье изложены вопросы осуществления общественного контроля в процессе справедливого судопроизводства, его нынешнее состояние и перспективы совершенствования данных механизмов на основе анализа опыта зарубежных стран и национальной практики.

✦ The article outlines the mechanisms of implementing the public control of the fair trial process, the current state and prospects of improving these mechanisms based on the analysis of foreign state legislative practice and national experience.

**Калит сўзлар:** одил судлов, коллегиялик, жамоатчилик назорати, халқ маслаҳатчилари, ҳуқуқий онг, хорижий тажриба, суд маслаҳатчилари.

**Ключевые слова:** правосудие, коллегияльность, общественный контроль, народные заседатели, правосознание, зарубежный опыт, суд присяжных.

**Key words:** fair trial, collegiality, public control, public advisors, legal awareness, foreign practice, jury trial.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида жамоатчилик назорати ва уни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, "... халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида" ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳраб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз", деб таъкидлаган эдилар.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, Конституциямизнинг 32-моддасида белгиланган Ўзбекистон фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликлари, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жа-

моатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилишини назарда тутувчи норма<sup>2</sup> мамлакатимизда давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қонунчилик асосларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Одил судлов жараёнида жамоатчилик вакилларининг иштироки — бу давлат ҳокимиятининг муҳим таркибий қисми бўлмиш суд ҳокимияти фаолияти устидан халқ ҳокимиятчилигининг муҳим шакллари билан бири ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида ҳам халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунинг учун ҳам одил судловни амалга оширишда фуқароларнинг — халқ вакилларининг жалб этилиши демократик давлатнинг муҳим бел-

гиси сифатида эътироф этиб келинган. Бинобарин, суд ишларини юритишда жамоатчилик вакилларининг иштироки суд томонидан адолатли ва қонуний қарорлар қабул қилинишига имкон яратади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган “халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган асосий принцип талабларига тўла мос келади, одил судловни амалга оширувчи судларни аҳолига яқинлаштиради, қабул қилаётган қарорларининг ҳаққонийлиги бўйича юзага келадиган шубҳаларнинг олдини олади. Судьяларнинг четдан бўладиган турли таъсирлардан ҳимоя қилади, иш бўйича ишончли, объектив, ҳаққоний ва қонуний қарорлар қабул қилинишига хизмат қилади.

Суд процессидаги тараф ёки судланувчиларнинг ишини кўришда судья билан бир қаторда ўз юртдоши — халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши фуқароларимизда ишнинг холис ва ҳаққоний кўриб чиқилишига ишонч уйғотади. Бошқача айтганда, аҳолининг одил судловни амалга оширувчи суд ҳақидаги тасаввури ушбу жараёнда жамоатчилик вакиллари — халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши орқали ҳам шаклланади. Ундан ташқари, одил судлов жараёнларига халқ маслаҳатчиларининг жалб этилиши аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Суд ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштирок этиши одил судловни амалга оширишнинг таркибий принципларидан бири бўлмиш — коллегиялик, яъни ишларни ҳайъатда кўрилиши принципларини таъминлайди.

Одатда, одил судловни амалга ошириш жараёнларида халқ вакилларининг иштироки қонунчилик билан белгиланади. Мамлакатимиз қонунчилиги тахлили шуни кўрсатадики, “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши, 36-моддасида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши, 40-моддада эса, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда ҳудудий ҳарбий судлар таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши назарда тутилган.<sup>3</sup>

Мазкур Қонуннинг 62-моддасида халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, унга кўра, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунид

да ўттиз ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги, ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгилалиши, халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилиши, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно эканлиги, шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолиниши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 13-моддасида иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси кириши, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши, улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эга эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган.<sup>4</sup>

Мамлакатимизда судлар тўғрисидаги ҳамда процессуал қонунчиликнинг ривожланиш босқичлари шуни кўрсатадики, суд ишларини юритишда жамоатчилик вакилларининг иштирокига етарлича эътибор бермай келинди. Хусусан, мамлакатимизда фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни судларда халқ маслаҳатчилари иштирокида кўриш ва ҳал этишга доир нормалардан воз кечилди.

Кейинги босқичда қабул қилинган янги Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларда ҳам ишларни халқ маслаҳатчилари иштирокида кўриш ва ҳал этишга доир нормалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунига кўра, халқ маслаҳатчилари фақат жиноят ишларининг кўрилишида иштирок этади. Бироқ мамлакатимизда жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш тенденцияси жиноят процессида яқка судья томонидан кўриладиган ишлар доираси кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Масалан, ЖПКнинг 13-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи — тўртинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар судья томонидан яқка тартибда кўрилиши белгиланди.<sup>5</sup> Унга кўра, 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб оғир жиноятлар биринчи инстанция судида судья томонидан яқка тартибда кўрилади.

Халқ маслаҳатчилари фақат ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга жалб этилади.<sup>6</sup>

Ваҳоланки, ҳозирги кунда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси судларда халқ маслаҳатчиларининг иштирокига доир махсус қонунлар қабул қилинганлигини, судларда жамоатчилик вакиллари иштирокининг замонавий усул ва шаклларида фойдаланиб келинаётганлигини кўрсатади. Масалан, Россия Федерациясида 2000 йил 2 январда “Россия Федерацияси умумий юрисдикция федерал судларида халқ маслаҳатчилари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Мазкур Қонун 12 моддадан иборат бўлиб, унда фуқароларнинг одил судловни амалга ошириш жараёнидаги иштирокининг кафолатлари, халқ маслаҳатчиси рўйхатини шакллантириш тартиби, халқ маслаҳатчиларига қўйилган талаблар, халқ маслаҳатчисига номзодларни танлаш, муайян иш бўйича халқ маслаҳатчисини вазифасидан озод қилиш, халқ маслаҳатчисини ўз вазифасига жалб қилиш муддатлари, халқ маслаҳатчиси ваколатини тўхташиш ва муддатидан аввал тугатиш, уларнинг моддий таъминоти, улар мустақиллиги ва дахлсизлигининг кафолатлари билан боғлиқ нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.<sup>7</sup>

Қозоғистон Республикасида эса 2006 йил 16 январда “Қасамёд қилган маслаҳатчилар” тўғрисидаги қонун қабул қилинган.<sup>8</sup> Мазкур Қонунда қасамёд қилган маслаҳатчиларнинг мақоми, улар номзодини рўйхатга олиш, қўшимча номзодларни шакллантириш тартиби, қасамёд қилган маслаҳатчиларга қўйилган талаблар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қасамёд қилган маслаҳатчиларни рўйхатга киритмаганлик, ноқонуний киритганлик ёки номзодлар рўйхатидан чиқариш бўйича маҳаллий ижро органлари қарорлари устидан шикоят бериш тартиби, қасамёд қилган маслаҳатчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва уларнинг иш кўриш билан боғлиқ ҳаракатларини чеклаш масалалари, уларнинг қасамёди, фуқароларнинг қасамёд қилган маслаҳатчи мажбуриятини бажариш тартиби ва муддати, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, улар мустақиллигининг кафолатлари ва қасамёд қилган маслаҳатчиларнинг ўз мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилган шахсларнинг жавобгарлиги билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, халқ маслаҳатчиси каби қасамёд қилган маслаҳатчилар ҳам одил судловни амалга оширишда жамоатчилик вакили сифатида иштирок этади, маслаҳат хонада раислик қилувчи судья қатори ўз овозига эга бўлади.

Шу билан бир қаторда манбаларда қасамёд қилган суд (суд присяжных) атамаси ҳам қўллани-

лади. Айрим хорижий давлатларда (масалан, АҚШ, Германия, Россия) қасамёд қилган судлар фаолият кўрсатади ва улар ўзига хос хусусиятлари билан қасамёд қилган маслаҳатчилар (халқ маслаҳатчилари)дан фарқланади. Хусусан, улар маслаҳатхонада профессионал судьянинг иштирокисиз судда жиноят иши кўрилган шахснинг айбдорлиги масаласи бўйича қарор қабул қилдилар. Ҳайъат аъзолари бу ҳақда қарор қабул қилганларидан сўнг профессионал судья судланувчи учун жазо миқдорини аниқлайди.

Одил судловни амалга ошириш жараёнларида халқ вакиллариининг иштирок этиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг тарихи узок ўтмишларга бориб тақалади ва ҳозирги кунда ҳам унинг айрим тарихий элементлари хорижий давлатларнинг амалдаги қонунчилигида ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда аксарият хорижий давлатларда (масалан, Канада, Франция, Греция, Италия, Янги Зеландия, Россия, Германия, Англия, АҚШ ва бошқалар) суд процессида жамоатчилик назоратининг муҳим кўринишларидан бири сифатида суд маслаҳатчилари (суд присяжных)<sup>9</sup> кенг жорий этилган.

Хорижий давлатлар амалиётида кўп йиллар давомида фаолият кўрсатиб келаётган одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштирокининг ушбу модели одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг манфаатини ўзида намоён қилиб, аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини ошишига хизмат қилиб келади.

Суд маслаҳатчилари турли давлатларда турлича номланишини кўриш мумкин. Масалан, *lay judge* (халқ судьяси); *assessor* (халқ маслаҳатчиси), *schoffe* (шеффен), *cour d’assises* (ассиз).<sup>10</sup>

Турли давлатлар одил судловни амалга ошириш жараёнига жамоатчилик вакиллариини жалб этиш масалаларини тарихий, сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа омилларга қараб турлича ҳал қилиб келмоқдалар.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аҳолининг суд ҳокимияти органларига ишончи юқори бўлмаган давлатларда жиноят, маъмурий ва фуқаролик суд ишлари профессионал бўлмаган ва профессионал бўлган судьялар иштирокида ҳайъатда кўриб чиқилади.

Данияда жамоатчиликнинг одил судловни амалга оширишдаги иштироки суд процессида профессионал бўлмаган судьялар ёки суд маслаҳатчиларининг қатнашишида намоён бўлади. Биринчи инстанция судида ишларнинг кўрилишида учта халқ судьяси ва учта профессионал судья ёхуд тўққизта суд маслаҳатчиси ёки учта профессионал судья иштирок этади.

Францияда узок йиллар давомида одил судловни амалга оширишнинг ўзига хос моделидан фойдаланилади. Унга кўра, жиноят ишлари судда профессионал судьялар ва суд маслаҳатчиларидан иборат ҳайъат таркибида кўрилади. Суд маслаҳатчилари айрим тоифадаги, хусусан, 10 йил озодликдан маҳрум қилиш (жисмоний шахслар учун) ёки 75000 евро миқдорда жарима солиш (юримдик шахслар учун) тўғрисидаги жиноят ишларининг кўрилишида иштирок этади. 16-18 ёшли вояга етмаганлар томонидан содир этилган оғир жиноятлар учта малакали судья ва тўққизта суд маслаҳатчилари иштирокида кўрилади. Мабодо, судья суд маслаҳатчиларисиз, ўзи якка тартибда вояга етмаганларнинг жиноий ножўя ҳаракатларига доир ишларни кўрадиган бўлса, бу ҳолда судья судланувчига нисбатан фақат тарбиявий ва назорат чораларининггина қўллаш олади.<sup>11</sup>

Англияда суд маслаҳатчилари қотиллик жиноятларини, табиий бўлмаган ёки гумонли ўлим ёки ўлимнинг сабаби аниқланмаган ҳолатларни текширишда иштирок этади.<sup>12</sup>

Австрия, Дания ва Норвегия каби давлатларда энг оғир жиноят ишлари суд маслаҳатчилари томонидан, ўртача оғирликдаги жиноят ишлари аралаш ҳайъат томонидан, унча оғир бўлмаган жиноий хатти-ҳаракат учун жиноий жавобгарлик масалалари эса якка судья томонидан кўрилиши белгиланган.

Германияда эса фуқароларнинг профессионал бўлмаган судья сифатида одил судловни амалга оширишдаги иштироки кўрилатган низоли ишларнинг тоифасидан келиб чиқиб белгиланади.

Европанинг аксарият давлатларида халқ судьяси, суд маслаҳатчилари профессионал судья билан шахснинг айбдор ёки айбдор эмаслиги, шунингдек судланувчига жазо чорасини белгилаш билан боғлиқ масалани биргаликда ҳал этади. Буюк Британияда фуқаролик ишларининг кўрилишида суд маслаҳатчилари нафақат у ёки бу тарафлар учун фуқаролик-ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирувчи қарор қабул қилишади, балки шу билан бирга зарарни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ҳам қабул қилиш ваколатига эга. Бошқача айтганда, агар профессионал судья зарарни ундириш лозимлиги ҳақида тўхтамга келса, суд маслаҳатчилари зарарни қанча миқдорда ундириш лозимлигини белгилашлари мумкин.

Европа давлатларида жамоатчилик назоратининг муҳим кўриниши сифатида фуқароларнинг суд процессларида иштирок этишининг қонунчиликда мустаҳкамланиши одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг манфаатини намоён қилиб, пировардида

аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини оширишга олиб келмоқда. Бу эса ўз ўзидан фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳам одил судлов жараёнлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишларига замин яратади.

Аҳолининг одил судлов жараёнларидаги иштирокининг тури, шакли ва воситалари муайян давлатнинг сиёсий режими, сиёсий маданияти ва амалдаги сиёсий тизимига боғлиқ бўлади. Масалан, АҚШда айрим Европа давлатлари тажрибасидан фарқли равишда олти йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиладиган жиноят ишларининг судларда кўрилишида фуқароларга суд маслаҳатчилари иштирокида ишни кўриш ҳуқуқи берилди. Бироқ махсус суд томонидан ҳарбий хизматчилар иштирокида кўриладиган ҳарбий хизматчилар иши билан боғлиқ бўлган ишлар бундан мустасно. АҚШда ҳар бир штат судда иштирок этадиган суд маслаҳатчиларининг сонини мустақил белгилайди.<sup>13</sup> Японияда халқ судьялари оғир жиноят ишларининг муҳокамасида судья сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, халқ судьяларининг судлов ҳайъати таркиби олтита халқ судьяси ва учта профессионал судьядан иборат бўлади. Айбланувчи халқ судьясидан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Суд процессида суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши судьянинг ўз устида ишлашига, ўз билим ва малакасини мунтазам равишда ошириб боришига, ҳар қандай ишнинг суд муҳокамасига киритишдан аввал пухта тайёргарлик кўришига замин яратади.

Суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши судья томонидан ишларни процессуал қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда олиб боришга даъват қилади. Зеро, жамоатчиликнинг жиноят ишларини судларда кўришдаги фаоллиги ошгани сари судлар томонидан қонунийликка тўлиқ риоя қилишни таъминлаш борасидаги назорат ҳам кучайиб боради.

Бироқ айрим мутахассисларнинг фикрича, барча халқ маслаҳатчилари ҳам ишларни кўришда фаол қатнашмоқда, деб бўлмайди. Чунки сайлов ўтказишда қонун талабларига риоя қилинган ҳолда ёши ва судланмаганлиги каби мезонларга эътибор қаратилган бўлса-да, лекин уларнинг ишчанлик қобилияти, ишларда қатнашиш имконияти, ҳаёт тажрибаси инобатга олинмайди. Айрим халқ маслаҳатчилари ишларни кўришда умуман иштирок этишмагани ёки номигагина келиб кетганини кузатиш мумкин. Бунинг учун эса халқ маслаҳатчилари сайловини ошкоралик асосида ўтказиш, фақат муносиб кишиларни сайлаш жуда лозим. Сайловни ўтказишда тегишли малака ҳайъати аъзолари ташаббускор ва талабчан бўлиши, қолаверса, сайловни ўтказишда кенг

жамоатчилик вакиллари ҳам фаол иштирок этишлари, сайловларнинг шаффоф ҳамда ошкора ўтишини назорат қилишлари муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда, одил судловни амалга ошириш жараёнида жамоатчилик назоратидан кўзланган мақсад муайян суд иши юзасидан ижтимоий адолатли ва қонуний суд қарорларининг чиқарилишига эришишдан иборат. Шундай экан, фикримизча, мамлакатимизда нафақат жиноят, балки маъмурий, фуқаролик ишлари бўйича ҳам суд маслаҳатчилари институтини жорий этиш лозим. Манбаларда келтирилишича, халқ маслаҳатчилари даставвал фуқаролик ишлари бўйича судларда иштирок этиб, асосан ер низоларини кўришда иштирок этган экан.<sup>14</sup> Шунингдек, айрим тоифадаги фуқаролик ишларида, масалан мерос, никоҳдан ажратиш, даъволи тартибда кўриладиган алимент ундириш тўғрисидаги ишларда халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳам фикрлар илгари сурилмоқда.<sup>15</sup>

Шундай экан, “Ўзбекистон Республикасининг суд маслаҳатчилари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вақти келди. Қонун лойиҳасида халқ маслаҳатчилари фаолиятининг асосий принциплари, халқ маслаҳатчиларига нисбатан қўйилган талаблар, халқ маслаҳатчиларини шакллантириш тартиби, муайян иш бўйича халқ маслаҳатчисини ўз мажбуриятини бажаришдан озод қилиш асослари ва тартиби, халқ маслаҳатчиларини ўз мажбуриятларини бажаришга жалб қилиш муддати, халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, халқ маслаҳатчилари ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, улар хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, халқ маслаҳатчиларининг моддий таъминоти, халқ маслаҳатчилари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка доир нормалар назарда тутилиши керак.

Мазкур қонун лойиҳаси билан халқ маслаҳатчиларига нисбатан қўйилган талабларни белгилаш ва унга кўра, уларнинг ёш цензини ўттиз беш ёш қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, қуйидагилар халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин эмас:

1) содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

2) муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

3) ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун судья, адвокат, нотариус, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқни муҳофа-

за қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати қонунда белгиланган тартибда тугатилган шахс;

4) прокурор, терговчи, суриштирувчилар, давлат хизматчилари ва ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари;

5) наркологик ёки психоневрологик диспансерда ҳисобда турган шахслар.

Қонун лойиҳасида шунингдек, муайян иш бўйича халқ маслаҳатчисини ўз мажбуриятини бажаришдан озод қилиш масалалари ҳам ёритилиши лозим. Хусусан, судья халқ маслаҳатчисининг ёзма аризасига кўра муайян иш бўйича уни ўз мажбуриятини бажаришдан озод қилиши мумкин. Бу каби ҳолатларга агар у 70 ёшга тўлган бўлса; уч ёшгача битта ёки ундан кўп фарзанди бўлиб, бола парвариши учун таътилда бўлса; диний идора ходими бўлса ёки ўз диний қарашлари, диний таасублар замирида унинг диний эътиқоди одил судловни амалга ошириш жараёнларида иштирок этишга йўл қўймас; I, II ёки III-гuruh ногирони бўлса; эгаллаб турган мансаб лавозимидан қолдирилиши жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказадиган бўлса; Қуролли Кучлар таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса; суд иш юритувида олиб борилаётган тилни билмас; бошқа узрли сабаблар мавжуд бўлса.

Қонун лойиҳасида халқ маслаҳатчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир нормалар батафсил баён этилиши керак. Зеро, процесда халқ маслаҳатчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ баён этилиши иш юзасидан адолатли ва бениҳсон суд қарорларининг чиқарилишига замин яратади. Халқ маслаҳатчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши керак:

1) ўз ички ишончи асосида иш ҳолатларига мустақил баҳо бериш ва ҳайъат аъзолари томонидан келиб чиқадиган саволларга малакали жавоб бериш мақсадида судда кўрилаётган иш бўйича далилларни текширишда қатнашиш;

2) раислик қилувчи орқали процесс иштирокчиларига саволлар бериш;

3) ашёвий далилларни, ҳужжатларни кўздан кечиришда қатнашиш, суд терговининг барча ҳаракатларида иштирок этиш;

4) раислик қилувчига қонунчилик нормаларини тушунтириш, шунингдек суд мажлисида эълон қилинган ҳужжатларнинг мазмуни ва ишга дахлдор бўлган бошқа масалалар бўйича мурожаат қилиш;

5) суд мажлиси вақтида ёзма қайдларни амалга ошириш;

Халқ маслаҳатчисининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат бўлади:

1) ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя этиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, беғараз ва адолатли бўлиши;

2) суд мажлисидаги тартибга риоя қилиши ва раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунishi;

3) ўзига юклатилган вазифани бажариш мақсадида судга кўрсатилган вақтда ҳозир бўлиши, шунингдек суд мажлисида танаффус эълон қилинган тақдирда, иш кўриш бошлангунга қадар ўз жойида бўлиши;

4) судда ҳозир бўлиш имкони бўлмаганида, бу ҳақда раислик қилувчини олдиндан огоҳлантириши.

Халқ маслаҳатчиси қуйидагиларга ҳақли бўлмайди:

1) ишни кўриш вақтида суд мажлисидан чиқиб кетишга;

2) ишни кўриш вақтида раислик қилувчининг рухсатисиз суд таркибига кирмайдиган бегона шахслар билан мулоқотга киришишга;

3) ишни кўриш давомида суд мажлисидан ташқари маълумотларни тўплашга;

4) маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлисла-ри ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ош-кор қилишга.

Халқ маслаҳатчиси томонидан мажбуриятлар-га амал қилмаслик, шунингдек мазкур модда би-лан белгиланган чекловларга риоя қилмаслик Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка, шунингдек ишни кўришда ишти-рок этишдан четлатилишига сабаб бўлади.

“Ўзбекистон Республикасининг суд маслаҳат-чилари тўғрисида”ги қонуни лойиҳасида улар ва-колатларини тўхтатиш ва муддатидан олдин ту-гатиш, уларнинг моддий таъминоти, мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатлари билан боғлиқ нор-малар белгиланиши таклиф қилинади.



<sup>1</sup> <http://parliament.gov.uz/uz/events/chamber/19103/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент. “Ўзбекистон”. 2018. -13 бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни // <http://lex.uz/docs/68532>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Тошкент, “Адолат”, 2018.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ўРҚ-463-сонли қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон.

<sup>6</sup> 1 апрелдан бошлаб судья оғир жиноятларни яқка тартибда кўради <https://www.norma.uz/>

<sup>7</sup> Федеральный закон от 02.01.2000 N 37-ФЗ (с изм. от 14.11.2002) “О народных заседателях федеральных судов общей юрисдикции в Российской Федерации” // [www.consultant.ru](http://www.consultant.ru)

<sup>8</sup> Закон Республики Казахстан “О присяжных заседателях” // Астана, Акорда, 16 января 2006 года № 121-III ЗРК // WWW <http://online.zakon.kz>

<sup>9</sup> Юридик адабиётларда присяжный, инглизчада juror - қасамёд қилганлар тарзида баён этилади. **Қаранг:** Миразов Д.М. Англия ва АҚШда судга қадар иш юритуви органларининг фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга оширишнинг тажрибаси // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz). 2017. №6. - 50 б.

<sup>10</sup> **Қаранг:** Общественный контроль в судебной системе: проблемы и тенденции // [HTTPS://SIBAC.INFO/CONF/JURISPRUDENCE/IV/88769](https://SIBAC.INFO/CONF/JURISPRUDENCE/IV/88769)

<sup>11</sup> **Қаранг:** Франция // Правовые системы стран мира. -М.: Норма. 2000. -С. 526.

<sup>12</sup> **Қаранг:** Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2007. -25 б.

<sup>13</sup> **Қаранг:** Яровая М.В. Особенности англо-американской и континентальной моделей суда присяжных и проблемы его реставрации в России // Российская юстиция. 2006.- № 1.

<sup>14</sup> **Қаранг:** Полянский Н. Н. Уголовное право и уголовный суд Англии. -М., 1969.

<sup>15</sup> **Қаранг:** Дўсманов С. Халқ маслаҳатчиси ҳаққоний ишласа, адолат ўрнатилишида муҳим ўрин тутди / <http://www.uza.uz/oz/society/khal-masla-at-chisi-a-oniy-ishlasa-adolat-rnatilishida-mu-im>—19-04-2019

Маликова Гулчеҳра Рихсихўжаевна,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академиясининг кафедра доценти, ю.ф.д.

Нурмухаммедова Гўзал Баҳодировна,  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия  
Ҳарбий техник институти кафедра  
катта ўқитувчиси, мустақил изланувчи

## КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛИШИНING ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ

✦ Муаллифлар томонидан ёзилган ушбу мақолада юртимизда коррупцияга қарши курашиш сиёсати жадаллик билан кечаётган бир пайтда мазкур салбий иллатнинг пайдо бўлиши ва мавжуд бўлишидаги сабаб ва шарт-шароитларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Бу борада ўнга яқин хорижий ва миллий тадқиқотчиларнинг назарий қарашлари ўрганилган ва таҳлил этилган.

✦ В данной публикации авторами раскрываются вопросы борьбы против коррупции, а также условия возникновения этой негативной болезни. Авторами были изучены и проанализированы теоретические взгляды около десяти зарубежных и отечественных исследователей.

✦ This article, written by the authors, highlights the causes and conditions for the occurrence and presence of this negative "disease." The authors have studied and analyzed the theoretical views of about ten foreign and domestic researchers.

**Калит сўзлар:** коррупция, коррупция билан боғлиқ жиноятлар, коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитлари.

**Ключевые слова:** коррупция, коррупционные правонарушения, причины и условия коррупции.

**Keywords:** corruption, corruption offenses, causes and conditions of corruption.

Маълумки, жиноятчилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, ҳар доим унинг пайдо бўлиши учун шароит яратувчи нимадир бўлади. Криминолог олимлар жиноятчиликнинг пайдо бўлиши нафақат қатор сабабларга, балки қулай шароитларга ҳам боғлиқ деб ҳисоблашади. Жиноятчиликнинг вужудга келтирувчи бу сабаб ва шароитлар умумий "криминоген омил (детерминант)" тушунчаси билан бирлаштирилади. Жиноятчиликнинг детерминантлари бўлиб жиноятчиликни белгилувчи ва унинг пайдо бўлишида ёрдам берувчи сабаб ва шароитлар ҳисобланади[1].

Коррупцияга қарши курашишнинг энг тўғри ва самарали йўли бу — жамиятда коррупциянинг пайдо бўлишига имконият яратаётган шарт-шароит ва омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш ҳисобланади. Криминологик адабиётлар ва оммавий ахборот воситалари маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда коррупциянинг юзага келиши ва ривожланишида бир нечта асосий, ўзаро алоқада бўлган ва бир-бирига таъсир этувчи омиллар мавжуд.

Коррупция ижтимоий ҳаётда юз бераётган янгича ўзгаришларга мослашиш жараёнидаги қий-

инчиликларни кўрсатувчи белгидир. Дунёда давлатлар ижтимоий ҳаётида янгича ўзгаришлар юз берган вақтда, жамият бундай ўзгаришларга қийинчилик билан мослашиб, ҳукумат бу шароитда ўз самарадорлигини бирмунча йўқотиши натижасида коррупциянинг келиб чиқиши ва ривожланиши учун имконият туғдиради.

Олий Мажлис Сенатининг 19-ялпи мажлисида прокуратура органларининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилганда, ҳисобот даврида коррупцияга қарши курашиш соҳасида **1907 нафар** мансабдор шахс турли кўринишдаги мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилган. Жинояти фош қилинган мансабдорларнинг **48 нафарини** республика миқёсидаги вазирликлар ва идоралар, 191 нафарини вилоят ҳамда **1668 нафарини** туман (шаҳар) даражасидаги идоралар вакиллари ташкил этганлиги айтиб ўтилган[2].

Олинган статистик маълумотларга кўра, республика бўйича жами **2018** йилда жавобгарликка тортилган шахсларнинг **21,2%** иқтисодиёт соҳасидаги ҳамда ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартиби-

га қарши жиноятлар учун (шундан **10,1%** айнан **порахўрлик** жиноятлари ЖКнинг 210, 211, 212-моддалари) жиноий жавобгарликка тортилган.

«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан **2019 йил-да** ўтказилган коррупция мавзусига бағишланган сўровда[3] қатнашганларнинг **66,5%** Ўзбекистонда коррупция сингари салбий ҳолат тарқалган деб ҳисоблайди. Қарийб **17%** иштирокчилар коррупция ҳамма жой ва соҳаларни қамраб олган деган фикрдадир. **29%** сўралганлар эса, мансабдорларнинг ҳар иккинчисини коррупционер деб ҳисоблайди. Сўровда иштирок этганларнинг **26%** мамлакатда коррупцияга қарши ўтказилаётган курашда очиклик ва ошкоралик, уни оммавий ахборот воситаларида ёритиш ишлари етарли эмас ва бу ҳолат коррупциянинг асосий сабабларидан бири деб ҳисоблайди.

Коррупция илдизлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос психологиясига бориб тақаладиган ижтимоий ҳодисадир. Бу коррупцияга қарши, аввало, маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирларини кўриш заруриятини белгилаб беради. Коррупцияга йўл очадиган омиллар сирасига ҳокимият органлари тизимининг мураккаблиги, буйруқбозлик таомилларининг кўплиги, давлат ҳокимияти органлари аппаратининг фаолияти устидан ташқи ва ички назоратнинг йўқлиги каби ҳолатларни киритиш мумкин.

Таъқиқлар, руҳсат бериш тартиблари сонининг ҳаддан ташқари кўплиги, давлат ҳокимияти органлари фаолиятига жалб қилинган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизми ва ҳуқуқий асосларининг йўқлиги ҳам коррупцияга йўл очади. Зотан, тарихий тажриба ва ҳозирги амалиёт, шу жумладан, баъзи янги мустақил давлатлар амалиёти коррупция ва жиноятчилик хавфсизликка қанчалик таҳдид солишини аниқ тасаввур этиш имконини беради.

Жиноятчилик, шу жумладан, коррупция муаммосига доир махсус криминологик адабиётлар таҳлили коррупцияни ўзининг табиий маҳсули сифатида белгиловчи сабаблар ва шарт-шароитлар (омиллар)нинг айрим гуруҳларини қайд этиш имконини беради. Ижтимоий ҳаёт мазмуни ёки соҳаларига кўра бундай омиллар қаторига ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, тарбиявий, мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа сабаблар ва шарт-шароитлар киради[4]. Мазкур сабаб ва шарт-шароитларни В.Н.Кудрявцев ва В.Е.Эминов[5], М.С.Стрельников[1], Р.Р.Газимзянов[6]лар ҳам ўз тадқиқот ишларида илгари суриб, илмий асослантириб беришган.

Россиялик тадқиқотчи С.С.Сулакшин ва бошқаларнинг фикрича[7], МДХ давлатларида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг келиб чиқишига бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юз бер-

ган қуйидаги камчиликлар ва омиллар сабаб бўлган:

- давлат органлари мансабдор шахслари даромадининг декларация қилинмаганлиги — жиноий йўл билан топилган маблағларни бошқа шахс номидан банк ҳисобига қўйиб, юқори фоизлар асосида жамғармаларни кўпайтириб олишга имкон берди;

- давлат бюджетини тўлдириш ва бюджет маблағларини тақсимлаш жараёни устидан жамоатчилик назоратининг сустлиги — давлат хизматчилари томонидан мансаб ваколатларидан «порахўрлик» мақсадларида фойдаланилишига олиб келди;

- экспорт ёки импорт операцияларининг ба-жарилиши тўлиқ назоратга олинмаганлиги — ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширувчи давлат органларида коррупциянинг кучайишига олиб келди;

- хўжалик юритувчи субъектларга лицензия ва турли имтиёзлар беришдаги ваколатларни амалга ошириш жараёни — давлат бошқарув органлари мансабдор шахслари томонидан ушбу ваколатлардан коррупционер мақсадларда фойдаланилишига ва натижада айрим маҳсулотлар сифатини пасайишига олиб келди;

- тижорат банкларидаги мансабдор шахсларнинг «коррупционерлар» билан ҳамкорлик қилиши — давлат бошқарув органлари мансабдор шахслари томонидан имтиёзли кредитларни олиш вақтида мансаб мавқеидан фойдаланишиб, сунъий имкониятлари эга бўлишига шароит яратди;

- давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнининг етарли даражада назоратга олинмаганлиги — мансабдор шахслар томонидан давлат мулкни паст нархларда баҳолаб сотилишига, ишончли шахслар орқали давлат мулки объектларини ўзлаштирилишига олиб келади.

Л.Хиллман ва Э.Кац коррупция муаммоси бўйича олиб борган изланишлари давомида, юқори лавозимдаги мансабдор шахс қўл остида қанча кўп бўйсунувчи ходимлари бўлса, унинг ноқонуний даромади шунча кўп бўлишини, бу эса, ўз навбатида, мансабдор шахслар иерархиясини кучайишига олиб келишини таъкидлашган[8].

Ўзбекистонлик олим М.Собировнинг фикрича, агарда давлат бошқарув органларининг хусусий сектордаги ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга аралашуви ва уларнинг иштироки давом этиб келаверса, коррупциянинг мавжудлиги ҳам давом этаверади[9].

О.А.Кузнецова[10] олиб борган тадқиқот ишларини ҳулосасида қуйидагилар коррупциянинг сабаблари ва шароитлари сифатида кўрсатилган:

- давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги ташкилий-бошқарув тизимининг такомиллашмаганлиги;

— ходимларда мансаб ваколатидан келиб чиқиб таъмагирлик, ўз манфаатини кўзлаш каби психологик хусусиятнинг мавжудлиги.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, давлат хизматчиларининг аксарият қисми эртами-кечми коррупция билан боғлиқ қарорни қабул қилишни ёки рад этишни танлаш ҳолатига дуч келади.

Уларни ғайриқонуний қарор қабул қилишига қуйидаги ижтимоий-психологик омиллар туртки бўлиши мумкин:

- мансабдор шахснинг коррупцияга бўлган ички психологик мойиллиги;
- коррупцияга нисбатан кўнгилчанлик ва ҳатто уни рағбатлантирадиган муносабатни шакллантирувчи ахборот муҳити;
- сиёсий ва иқтисодий беқарорликни ҳис этиш, бу мансабдор шахсни таваккал қилишга ва ҳокимиятдаги ўз ўрнини иқтисодий капитал билан алмаштиришга ундайди;
- давлат хизматчиси бажарадиган меҳнат фаолиятига мос бўлмаган иш ҳақи, ижтимоий кафолатларнинг самарасиз тизими;
- хизмат вазифаси бўйича юқори поғонага кўтарилиш жараёнида юз берадиган адолатсизликлар;
- содир этилган ножўя хатти-ҳаракат учун жазо муқаррарлигининг таъминланмаслиги устидан назорат тизимининг сустлиги ва ҳ.к.

Психологларнинг фикрича[11], жамиятда коррупцияга ҳайрихоҳ психологик муҳитнинг мавжудлиги ушбу ҳодисанинг тарқалиши ва унинг даражаси ортишига имконият яратади. Маълумки, мансабдор шахслар ўз хизмат фаолияти давомида эртами-кечми коррупция билан боғлиқ қарорни қабул қилишни ёки рад этишни танлаш ҳолатига дуч келиб, ушбу танловни амалга ошириш уларнинг шахсидаги психологик хусусиятларга боғлиқ. Шунинг учун коррупцияни келтириб чиқарувчи психологик омилларни ўрганиш — унга қарши курашишда асосий эътиборни нималарга қаратиш лозимлигини аниқлашга ёрдам беради.

Олимларнинг фикрича[12], коррупцияни содир этувчи ва унга буюртма берувчи ўртасидаги икки томонлама хоҳиш ироданинг мавжудлиги — жамиятда коррупциянинг ривожланишига имконият яратувчи салбий ижтимоий-психологик омиллардан бири ҳисобланади. Коррупциянинг психологик омилларининг олди ўз вақтида олинмаса — ушбу иллат жамиятда илдиз отиб, ривожланиб кетади. Натижада коррупция билан айбланиш мансабдор шахслар ва фуқаролар учун кундалик ҳаётда рўй бераётган оддий ҳодиса сифатида қараш кайфияти пайдо бўлади.

Коррупция мавжуд бўлишининг яна бир алоҳида сабаблари сифатида миллий менталитетни ҳам айтиб ўтишимиз мумкин. Ушбу сабаб О.А.Кузнецованинг тадқиқотида ҳам асослантириб берил-

ган. Зеро, бежизга халқимизда неча асрлардан ўтиб, шу кунгача етиб келган ва ҳар даврда ўз исботини топган мақоллар шаклланмаган. Жумладан, *“Пора дўзах эшигини очар”, “Пора қанда бўлмаса, пароканда бўласан”, “Порахўр — бойимас, ўғри — койинмас”, “Порахўр беш қўлини оғзига тикар”, “Порахўр — ҳаромхўр”, “Порахўрнинг тавбасидан қўрқ, муғомбирнинг — йиғисидан”, “Порахўрнинг қўли тўртта, кўзи — бешта”* ва ҳоказо.

Шу ўринда тадқиқот давомида 2019 йилнинг январь ойида Олмазор тумани аҳолиси билан 9 та маҳаллалари ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва бошқа долзарб масалалар юзасидан сўровнома ўтказилган. Сўровнома жами **453 нафар** респондент ўртасида ўтказилган, уларнинг **55,2% ни аёллар, 44,4% ни эркеклар** ташкил этган.

Респондентлардан айнан ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуддаги жиноятчилик борасида сўралганда, яъни *“Бугунги кунда Сиз ўз ҳудудингизда ҳуқуқбузарликнинг қайси турларига кўпроқ дуч келяпсиз?”* деган саволга **12,1% аҳоли коррупция** дея жавоб берган. Шунингдек, *“Сизнингча, бугунги кунда энг кўп содир этилаётган жиноят тури қайси?”* деган саволга респондентларнинг **4,4% - коррупция** дея жавоб берган.

Коррупцияни юзага келтирувчи ва унинг мавжуд бўлишидаги сабаб ва шарт-шароитлар таҳлиллари умумлаштирилганда, қуйидаги хулосага келинди, хусусан,

— коррупция мавжудлигининг асосий сабаблари давлат ва жамоат ходимлари иш ҳақининг паст даражаси;

— давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликнинг номуносивлиги;

— давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилмаганлиги ёхуд сустлиги;

— миллий менталитет;

— оммавий ахборот воситаларида тарғиботининг сустлиги;

— бюрократик аппаратнинг асоссиз ўсиши;

— коррупцияга қарши курашда барқарорликнинг йўқлиги ва шу каби сабаблар билан биргалликда коррупциянинг кенг тарқалишига олиб келади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, коррупцияни вужудга келтирувчи ва унинг ривожланишига таъсир этувчи шарт-шароитлар ва омиллар ўзаро алоқадорликда ҳаракат қилиб, бир-бирининг мавжудлигини таъминлаб, жамият ҳаётининг турли соҳаларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, коррупциянинг Ўзбекистон миллий ҳавфсизлигига таҳдидлар тизимидаги ўрнини белгилаб бермоқда.

Муаллифлар томонидан мамлакатда коррупциянинг мавжуд бўлиш сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш натижасида мазкур иллатнинг олдини олиш бўйича қуйидаги ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилиши таклиф этилмоқда:

— ёшларда коррупцияга қарши мурасасиз руҳни тарбиялаш мақсадида ўрта ва олий ўқув юртлари ўқув жараёнига “Коррупцияга қарши хулқ-атвор стандартлари” курсини жорий этиш;

— “Коррупция ва энг яхши бошқарув” сайтини яратиш. Унда: олиб борилаётган илмий изланишлар; ННТларнинг бу борада олиб бораётган аниқ фаолиятлари, ишлари, тажриба алмашишини; давлат ташкилотларининг фаолиятлари; коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишни белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати; ўқув, методик, библиографик, справочник (коррупция бўйича); коррупцияга қарши курашувчи органларнинг “Ишонч телефонлари”; бўлиб ўтган аниқ фактлар, фабуласи, уларга кўрилган жазолар; худди шундай коррупцияга қарши диний уламолар шарҳлари; коррупцияга оид карикатуралар ўрин олиши лозим;

— фақатгина Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентига бўйсунадиган, барча ҳокимиятдан мустақил, фақатгина ОАВ ва жамоатчилик назорати остида бўлган, ҳар қандай коррупциявий ҳолатлар юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб бориш ваколатига эга, 5-10 йиллик Ҳаракат дастурига эга, шахсий бюджетига эга бўлган ягона орган **“Коррупцияга қарши кураш агентлиги”**ни ташкил этиш;

— коррупцияга оид жиноятларни судда кўриб чиқиш узоқ вақт талаб қилишини инobatга олган ҳолда ушбу турдаги жиноятларни судда кўриш учун алоҳида коррупцион жиноятлар бўйича судларни ташкил этиш (Малайзия тажрибаси);

— Халқаро “Transparency International” давлатларнинг коррупциялашганлик индексини кўрсатувчи нодавлат-нотижорат ташкилотининг **“Очиқлик ва шаффофлик” деб номланган** Ўзбекистонда муқобилини тузиш. Мақсад, мамлакатдаги барча соҳаларнинг коррупциялашганлик даражасини аниқлаш, аҳоли ўртасида сўровномалар олиб бориш ва ҳар чоракда оммага эълон қилиб бориш. Бу билан коррупцияга мойил ташкилотларнинг обрўсига путур етказилишига сабаб бўлади ва ташкилотлар уни олдини олишга ҳаракат қилади.



1. Стрельников М.С. Детерминанты преступности коррупционной направленности // Молодой ученый. — 2016. — №14. — С. 472-474. — URL <https://moluch.ru/archive/118/32831/> (дата обращения: 03.06.2019).
2. [https://daryo.uz/k/2019/05/04/bosh-prokuror-otabek-murodov-ozbekistonda-otgan-yili-2-mingga-yaqin-mansabdor-korrupsiya-tufayli-javobgarlikka-tortildi/?utm\\_source=Telegram\\_Bot](https://daryo.uz/k/2019/05/04/bosh-prokuror-otabek-murodov-ozbekistonda-otgan-yili-2-mingga-yaqin-mansabdor-korrupsiya-tufayli-javobgarlikka-tortildi/?utm_source=Telegram_Bot).
3. [https://daryo.uz/k/2019/06/15/korrupsiya-boyicha-sorovda-ishtirok-etganlarning-66-foizi-ozbekistonda-korrupsiya-tarqalgan-deb-hisoblaydi/?utm\\_source=Telegram\\_Bot](https://daryo.uz/k/2019/06/15/korrupsiya-boyicha-sorovda-ishtirok-etganlarning-66-foizi-ozbekistonda-korrupsiya-tarqalgan-deb-hisoblaydi/?utm_source=Telegram_Bot)
4. Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: Учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. — Алматы: КазАТК, 2008. — С. 182-187.
5. Кудрявцев В. Н., Эминов В. Е. Криминология: учебник — 5 –е издание — М., 2013. — С. 53.
6. Газимзянов Р.Р. Коррупционная преступность в республике Татарстан на рубеже веков (криминологическое исследование). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Нижний Новгород — 2005, 32 стр.
7. Сулакшин С.С., Багдасарян В.Э., Вилисов М.В., Зачесова Ю.А., Пак Н.К., Середкина О.А., Чирва А.Н. Государственная политика противодействия коррупции и теневой экономике в России // Материалы Всероссийской научной конференции. - М., 2007. - С. 76.
8. Hillman L., Katz F. Hierarchical Structure and the Social Costs of Bribes and Transfers // J.Political Economy, 1987, №34.
9. Собиров М. Иқтисодий жиноятчиликнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ижтимоий-криминологик жиҳатлари. Юридик ф. д-ри. дис. — Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2002. — Б. 45.
10. Кузнецова О.А. Коррупционная деятельность: криминологический и уголовно-правовой аспекты. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Тамбов 2007, 24стр.
11. Усманов А.А., Норбоев А.Н., Юридическая психология. - Т.: ТГЮИ. 2006. С-29.
12. Шепоткин В.Г., Психология предварительного расследования. -Т. 2005. С-62

Эшматова Феруза Фарходовна,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутаты, ю.ф.н.

## ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲУҚУҚИЙ СУБЪЕКТЛИЛИГИНИНГ УМУМИЙ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

◆ Мақолада халқаро парламент ташкилотларининг ҳуқуқий субъектчилиги, уларнинг ҳуқуқий мақоми, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида унинг халқаро муносабатларда тутган ўрни ва роли ўрганилиб таҳлил қилинган. Мазкур ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқ субъектчилиги хусусиятлари таҳлил қилиб берилган.

◆ В статье рассматриваются вопросы правосубъектности международных парламентских организаций, изучается их правовой статус. Исследуется роль этих институтов в системе международного права. Выявлены особенности правосубъектности этих организаций. В статье автором изучается роль межпарламентских организаций как субъекта международного права.

◆ This article dedicated to the issues of legal personality of International Parliamentary organizations, their status. There were analyzed the features of their structure and functioning, the place in system of the international relations. In particular discusses the legal status and functions of Inter-parliamentary Organization (IPU).

**Калит сўзлар:** халқаро парламент ташкилотлари ҳуқуқи, халқаро парламент ташкилотлари, халқаро парламентлараро ташкилотлар, халқаро ташкилотларнинг парламентлараро органлари, парламентлараро ташкилотларнинг ҳуқуқий субъектчилиги.

**Ключевые слова:** право международных парламентских организаций, международные парламентские организации, международные межпарламентские организации, межпарламентские органы международных организаций, правосубъектность межпарламентских организаций.

**Key words:** The Law of International Parliamentary Institutions, International Parliamentary Organization, International Inter-parliamentary Organization (IPU), Inter-parliamentary bodies of International Organizations, the international legal status of the international parliamentary and inter-parliamentary organizations and bodies, features of their structure and functioning, the place in system of the international relations.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари, шунингдек, умуман, ҳуқуқ субъектлари, биринчи навбатда, ҳуқуқий субъектчилик мавжудлиги билан тавсифланади. Ҳуқуқий субъектчилик — бу шахснинг (бизнинг ҳолда, халқаро муносабатлар фактори) аломати бўлиб, унинг мавжудлигида шахс халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида эга бўлади. «Ҳуқуқ субъекти» ва «Ҳуқуқий субъектчилиги», профессор С.С.Алексеев қайд этганидек, асосий мазмунига кўра ўхшаш категориялардир<sup>1</sup>.

Халқаро ҳуқуқ доктринасида ҳуқуқий субъектчилик икки жиҳатда кўриб чиқилади: 1) халқаро ҳуқуқ тизимининг элементи сифатида; 2) халқаро ҳуқуқ субъектининг сифат тавсифи тариқасида. Халқаро ҳуқуқ тизимининг элементи сифатида ҳуқуқий субъектчилик умумтизимли институт ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқий субъектчилик сифат тавсифи, шахсни халқаро ҳуқуқ субъекти, халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ташувчиси, халқаро ҳуқуқий муносабатлар иштирок этиш қобилятида намоён бўлади. Субъектнинг халқаро ҳуқуқий

муносабатларда қатнашиш даражаси халқаро ҳуқуқ билан унга берилган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳажми билан белгиланади<sup>2</sup>.

Профессор А.Л.Колодкин халқаро ҳуқуқ субъектчилигига жуда кенг ёндашиб, «халқаро ҳуқуқий субъектчилик, бир вақтнинг ўзида халқаро ҳуқуқнинг бевосита таъсирига тушиш, халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши ва халқаро ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш қобилятини англатади», деб кўрсатган<sup>3</sup>. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро судининг 1949 йилдаги маслаҳат ҳулосасида халқаро ҳуқуқий субъектчиликнинг бир неча элементлари ажратилади. Хусусан, «Ҳуқуқий субъектчилик субъектнинг халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишга қодирлиги, шунингдек ўз ҳуқуқларини халқаро даъволар ҳақида баёнот бериш орқали ҳимоя қилиш қобилятини кўзда тутди»<sup>1</sup>.

Д.И.Фельдман ва Г.И.Курдуков, халқаро ҳуқуқ доктринаси умумий йўналишида фикр юритишар экан, «халқаро ҳуқуқ субъектининг энг муҳим хусу-

сияти халқаро алоқада бўлган иштирокчининг мустақил халқаро ҳаракатлар содир этиш, ҳуқуқий иродасини намоён этиш юридик қобилятидир” деб қайд этишган<sup>2</sup>. Шу билан бирга С.А.Малинин ва Т.М.Ковалеваларнинг наздида, “бундай ҳаракатларга қобилят халқаро шахсда мустақил (автоном) ирода мавжуд бўлмасдан мутлақо имконсиздир. Шунинг учун, халқаро ҳуқуқий субъектлик негизда айнан ирода ётади”<sup>3</sup>.

Халқаро ҳуқуқ доктринасида иродага қараганда халқаро ҳуқуқ субъектчилигининг бошқа асослари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, халқаро ҳуқуқ субъектчилигининг асосий мезони этиб суверенитетнинг мавжудлиги хусусидаги тушунча кенг тарқалган эди.

Биз давлат учун, суверенитет, охир-оқибатда, ҳуқуқий субъектлик манбаи бўлиб хизмат қилиши ҳақидаги фикрга қўшилаемиз. Бироқ, Л.Н.Маратадзе айтиб ўтганидек, “халқаро ҳуқуқ субъектларининг юридик белгиларини муайян субъектнинг халқаро ҳуқуқий муносабатларда унинг индивидуаллигини белгиловчи ўзига хос хусусиятлари билан бирхиллаштириш нотўғри”<sup>4</sup>. Академик Г.И.-Тункин ҳақли равишда таъкидлаганидек, бу асосда, улар халқаро ҳуқуқ субъекти бўла олмайди деб эътироф этиш, худди шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳуқуқий субъектчилигини тан олиб, уларни давлатларга тенглаштириш нотўғри бўлар эди<sup>2</sup>.

Профессор С.В.Черникенко ҳам шу руҳда сўз юритиб, “агар давлат пайдо бўладиган бўлса, у суверенитет ва халқаро ҳуқуқий субъектликни пайдо бўлиш вақтидан бошлаб эгаллайди. Агар давлат шахс сифатида мавжуд бўлса, у суверенитетга ҳам эга бўлади”<sup>1</sup>. У шунингдек куйидагиларни қайд этади: “Халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари ҳам суверен бирликлар эмас. Табиийки, давлат халқаро ҳуқуқнинг асосий, бирламчи субъектидир. Суверенитет — у билан вужудга келган ва унга хос бўлган ижтимоий организм сифатида ва ундан ажралмас хусусиятларини акс эттирувчи юридик сифатдир”<sup>2</sup>.

Е.А.Шиббаева таъкидлаганидек, “давлатларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлик негизда уларга хос давлат суверенитет ётади, бу эса ўз навбатида тегишли миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан фойдаланганлигидан келиб чиқади”. Бошқа масала — халқаро ҳуқуқатлараро ташкилотлар. Уларнинг ҳуқуқий субъектчилиги иккиламчи бўлиб, у тегишли ташкилотнинг низомлари ва бошқа таъсис ҳужжатлари қоидалари билан белгиланади. Айнан шу ҳужжатлар бундай ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлик чекланган ҳажмини белгилаб беради<sup>3</sup>.

Шунингдек, адабиётда “халқаро ҳуқуқий субъектлик шахсда келиб чиқадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар сонига, яъни унинг халқаро ҳуқуқ субъектлик ҳажмига боғлиқ эмас”<sup>4</sup>, деб таъкидланади. Шу муносабат билан К.А.Бекяшев ва

М.Е.Волосов халқаро ҳуқуқ субъектчилигининг таркибий қисми сифатида “халқаро ҳуқуқ субъектлар ҳуқуқий лаёқати (субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятларга эга бўлиш қобиляти), муомала лаёқати (мустақил равишда, ўзининг онгли ҳаракатлари орқали ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш), шунингдек деликт лаёқати (улар содир этган ҳуқуқбузарлик, кимгадир (нимагадир) етказилган ҳар қандай зарар, зиён учун юридик жавобгарликни зиммасига олиш)” қобилятини ажратади<sup>1</sup>. Умуман олганда, тавсия этилган конструкцияни қабул қилсақда, биз иккита концептуал жиҳатга эътибор қаратаемиз. Биринчидан, халқаро ҳуқуқ субъектларининг барча қобилятлари миллий ва халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан баҳоланиши керак, яъни, халқаро ҳуқуқ субъектлари миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ доирасида ҳуқуқий субъектликка эга, демак, бундай ҳуқуқий субъектлик миллий ва халқаро тусда бўлиши керак. Иккинчидан, К.А.Бекяшев ва М.Е.Волосов, ҳуқуқий субъектчилигининг таркибий қисмларини кўрсатишда, халқаро ҳуқуқий битим тузиш лаёқатини алоҳида ажратмайди, ваҳоланки халқаро ҳуқуқ субъектлари учун бу уларнинг ҳуқуқий субъектчилигининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Юридик адабиётда қайд этилганидек, юқорида кўрсатилган белгиларга қўшимча равишда, халқаро ҳуқуқий субъектлик икки алоҳида белгилар билан тавсифланади:

1) халқаро ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида иштирок этиш қобиляти;

2) мустақил равишда (якка тартибда ёки биргаликда) тузиладиган нормалар бажарилишини таъминлаш қобиляти<sup>2</sup>.

Бироқ, биз кўрсатилган биринчи белги халқаро ҳуқуқ субъектларига нисбатан барча ҳолатларда ҳам қўлланилмайди деган фикрдаемиз, демак халқаро ҳуқуқ субъектликни тавсифлаб беролмайди. Масалан, халқаро ҳуқуқ субъекти бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро Суди, қонун ижодкорлиги функцияларига эга эмас. Ушбу масала бўйича Халқаро Суд, ўз қарорларида қонун чиқарувчи орган эмаслигини аниқ кўрсатади: “Унинг мажбурияти — ҳуқуқни мавжуд шаклида амалга оширишдан иборат, яратиб бериш эмас”<sup>3</sup>. Шунинг учун, биз ушбу белги тор маънода қонун ижодкорлиги жиҳатидан эмас, балки кенгроқ маънода талқин этилиши лозим, деб ҳисоблайемиз. Бизнинг фикримиз профессор Т.Н.Нешатаеванинг фикри билан тасдиқланади, унинг фикрича “... ҳуқуқий субъектлик муаммоларини назарий талқин қилишда халқаро ҳуқуқ субъектлари доираси кўпинча фақат халқаро ҳуқуқ нормаларини яратишга қодир тузилмалар билан чекланган. Шу маънода халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа иштирокчилари ҳуқуқ субъектлари сифатида тан олинмаган”<sup>1</sup>. Сўнгидан муал-

лиф қўйидагиларни қўшиб қўяди: "... халқаро ҳуқуқ субъектчилигини белгилаш негизига кўпинча бошқа тушунча — ҳуқуқий лаёқат, ҳуқуқий мақом сингдирилган. Халқаро ҳуқуқ нормаларини яратиш ваколати — бу энди конкрет субъектив ҳуқуқдир.."<sup>2</sup>, "қонун ижодкорлиги ваколатига эга бўлмаган тузилмаларни субъектлар рўйхатидан чиқариб ташлаш бугунги кунда жуда сунъий ва шартлидир, чунки бу глобал ҳуқуқий тизимда мустаҳкамланган қоидаларга зид келади"<sup>3</sup>.

Юқоридигиларга асосан, халқаро ҳуқуқий субъектчилик хусусида қўйидаги умумий методологик хулосалар қилиш мумкин:

Биринчидан, халқаро ҳуқуқий субъектчилик — бу ҳуқуқий нормалар асосида халқаро шахслар томонидан олинган юридик хусусиятдир.

Иккинчидан, халқаро ҳуқуқий субъектчилик — бу нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий-сиёсий хусусиятдир. Халқаро ҳуқуқ субъектлари — бу сиёсий тузилмалардир. Уларнинг келиб чиқиши ва мавжудлиги алоҳида давлатлар ва минтақалар доирасидаги ижтимоий жараёнлар ҳамда нисбатан камроқ даражада дунё сиёсий жараёнларига боғлиқ.

Учинчидан, халқаро ҳуқуқий субъектчилик негизи — халқаро майдонда у ёки бу сиёсий ташкилотнинг ижтимоий хоҳиш-иродаси эркинлигидир.

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқий субъектчиликнинг мазмуни халқаро алоқалар иштирокчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларни мустақил равишда амалга оширишда, кенг маънода халқаро ҳуқуқ нормаларини яратишда ва уларни амалга оширишда иштирок этишда ифода этилган мустақил халқаро ҳаракат қилиш ҳуқуқий қобилиятдан иборат.

Халқаро парламент ташкилотлари бу белгиларга эга бўладими? Халқаро ташкилотлар (ҳукуматлараро ва ноҳукумат) нинг икки асосий тури бўйича умумий ижобий жавоб бериб бўлмайди.

Халқаро нодавлат парламент ташкилотлари билан боғлиқ ҳолда, уларнинг халқаро ҳуқуқий субъектчилиги ҳақида гапириш мумкин, яъни халқаро ҳуқуқ доктринасида ва замонавий халқаро ҳуқуқий амалиётда улар халқаро ҳуқуқ субъектларининг мақомини тан олмайдилар, аммо бундай ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқий субъектчилиги ўзига хос белгиларига эга эканлиги рад этилмаган ҳолда, бу ва бошқа бир қатор омиллар туфайли улар айрим халқаро ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эгаллиги тан олинади. Шу билан бирга, халқаро ноҳукумат ташкилотлари парламент ташкилоти тўлиқ ҳажмда миллий ҳуқуқий субъектчиликка эга, яъни хусусий ҳуқуқий муносабатларга киришиши мумкин (битим тузиш, кўчмас мулкни сотиб олиш ва уларни тасарруф этиш, миллий судларда, фуқаролик судларида даъво ишларини юритиш ва ҳоказо).

Ҳукуматлараро парламент ташкилотининг халқаро ҳуқуқий субъектчилик таърифида БМТ Халқ-

аро судининг 1949 йилги БМТ хизматида кўрган зарарни қоплаш тўғрисидаги маслаҳат хулосаси нуқтаи назаридан ёндашиш мумкин, унда халқаро ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқий субъектчилик нуқтаи назаридан бир қатор муҳим масалалари акс эттирилган:

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро ташкилот сифатида шундай функцияларни амалга оширади ва шундай ҳуқуқлардан фойдаланадики, уларни фақатгина ўта муҳим халқаро ҳуқуқий субъектчилик ҳажми мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин;

— ўз вазифаларини самарали амалга ошириш учун, халқаро ташкилотлар, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган субъектлар ҳисобланади;

— халқаро ҳуқуқ субъекти — бу халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишга, шунингдек ўз ҳуқуқларини халқаро даъволар киритиш йўли билан ҳимоя қилишга қодир тузилмадир<sup>1</sup>.

Ушбу тавсиявий хулосанинг халқаро муносабатларнинг халқаро ҳуқуқий субъектчилиги учун аҳамияти ўта юқори, чунки айнан шу ҳужжат орқали халқаро ҳамжамият халқаро ташкилотларни халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида бир овоздан тан олган.

Шу билан бирга, халқаро парламент ташкилотларининг ҳуқуқий субъектчилиги ўзига хос хусусиятларга эга. С.А.Малинин ва Т.М.Ковалев ушбу хусусиятлар қўйидагилар билан боғлиқлигини таъкидлайди:

а) ҳуқуқий субъектчилик манбаи (келиб чиқиши);

б) ҳуқуқий субъектчиликнинг табиати ва мазмуни (ҳажми);

в) ҳуқуқий субъектчиликни тугатиш усуллари<sup>2</sup>.

Халқаро ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқий субъектчилик ўзига хос хусусиятларини давлатларнинг шу каби ҳуқуқий субъектчилигидан тафовутларини қайд этар экан, К.А.Бекашев ва М.Е.Волосов, "халқаро давлатлараро (ҳукуматлараро) ташкилотлар нисбатан кўп ёки кам сонли суверен давлатлар томонидан ифода этилган ва тегишли халқаро шартномада — ушбу ташкилотнинг таъсис ҳужжатида мустаҳкамланган хоҳиш-иродаси сабабли халқаро ҳуқуқий субъектчиликка эга бўлишди", деб таъкидлашган<sup>3</sup>, шунинг учун уларнинг ҳуқуқий субъектчилиги давлатлар иродасига боғлиқдир. Миллий олимлар профессор Ҳ.Т.Одилқориев ҳам худди шу фикрга эга: "Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий субъектчилиги иккиламчи аломатга эга, чунки бу ташкилотлар давлатлар иродаси билан яратилади"<sup>4</sup>. Ушбу ёндашув юқорида қайд этилган Халқаро суднинг тавсиявий хулосаси билан тасдиқланади, унда суд қайд этишича: "Давлат халқаро ҳуқуқда эътироф этилган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлса, халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўз

таъсис ҳужжатларида эълон қилинган ёки назарда тутилган ва амалда татбиқ этиладиган мақсадларга ва вазифаларга боғлиқдир”<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, бизнингча, халқаро парламент ташкилотларининг халқаро-ҳуқуқий субъектлилиги иккиламчи, шартномавий ва функционал хусусиятга эга, боиси:

биринчидан, халқаро парламент ташкилоти таъсисчи давлатлар хоҳиш-иродаси билан тузилади;

иккинчидан, халқаро парламент ташкилоти ўзининг фаолияти ва функцияларини таъсис ҳужжати (шартнома, устав, хартия, статут ва бошқалар) қоидалари асосида амалга оширади;

учинчидан, халқаро парламент ташкилоти ўз фаолиятини фақат унинг таъсис ҳужжати билан белгиланган соҳада амалга оширади ва унинг таъсис ҳужжатларида акс этирилган вазифалар ва функцияларни бажаради. У ёки бу халқаро парламент ташкилотга ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бериш унинг мақсадларига боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳажми ташкилотнинг функционал эҳтиёжларидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Халқаро ҳаракатларни амалга ошириш қобилияти белгиланган доиралар билан чегараланган ва таъсис ҳужжатида ва унга қўшимча ҳужжатларда қайд этилган. Турли халқаро ташкилотлар, жумладан, парламент ташкилотлардаги ушбу қобилият ҳажми, турли хил бўлиши мумкин.

Халқаро парламент ташкилотларининг халқаро ҳуқуқий субъектлилиги, халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари каби, алоҳида ажралиб туради ва “халқаро ҳуқуқий лаёқат — ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш қобилияти, халқаро муомала лаёқати — ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳуқуқларни олиш ва ўзи учун юридик мажбуриятлар яратиш, халқаро деликт лаёқати — содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгар бўлиш ва халқаро битим тузиш лаёқати — халқаро шартномалар тарафи бўлиш ва ўзининг шартномавий мажбуриятлари бўйича жавоб бериш қобилияти”дан иборат<sup>1</sup>. Шунга қарамай, қайд этишимиз лозимки, халқаро парламент ташкилотларининг ҳуқуқий субъектлигининг иккиламчи ва функционал тусга эгаллиги туфайли, уларнинг битим тузиш лаёқати чекланган бўлиши ёки ҳатто бўлмаслиги мумкин, чунки таъсисчи давлатлар ташкилотнинг мақсадлари ва вазифаларига асосланиб, ушбу қобилиятни бермаслиги мумкин, гарчи бу фикр халқаро парламент ташкилотларининг ички (хусусий ҳуқуқий) битим тузиш лаёқатига тегишли бўлмайди, боиси улар юридик шахслар сифатида бу лаёқатга ҳар қандай ҳолатда эга бўлишади.

Биз бу ерда битта муҳим масалани қайд этамиз. Халқаро ташкилотнинг ҳуқуқий субъектлиги объектив тусга эгами ёки йўқми деган савол борасида аниқ ёндашув мавжуд эмас. Е.А.Шибеева фикрлашича, “таъсисчи давлатларнинг, қандай

ташкилотни тузиш ва унга қандай хусусиятларни беришга оид қарори, жамият ривожининг объектив қонуниятлари таъсири билан белгиланади, улар объектив тусга эга эканлиги туфайли таъсисчи давлатларнинг субъектив қарорини белгилайди”<sup>2</sup>. С.А.Малинин ва Т.М.Ковалев воқеликка нисбатан реал кўз билан қарашиб, “халқаро ташкилотда ҳуқуқий субъектлик пайдо бўлиши нуқтаи назаридан, унинг объектив тусга эгаллиги ҳақида гапириш мумкин эмас. Бироқ, ташкилот бу лаёқатни қўлга киритгандан сўнг, унинг бошқа ҳуқуқ субъектларидан, жумладан, таъсис қилган давлатлардан мустақил равишда мавжуд бўлиши шубҳасиздир”<sup>3</sup>. Д.Фицморис фикрича “халқаро ташкилот фаолият бошлаган вақтдан бошлаб, халқаро ташкилотнинг ҳуқуқий субъектлиги бутун жаҳонда кучга эга, объектив, мустақил равишда мавжуд бўлган тусни қабул қилади”<sup>1</sup>. Профессор Т.Н.Нешатаева эса “давлатлараро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлиб, аъзо давлатлар иродасидан фарқли мустақил иродага эга, бу эса уларга таъсисчи давлатлар билан бир қаторда, маълум маънода, халқаро ҳуқуқ қафили бўлишга имкон беради”, деб таъкидлайди<sup>2</sup>.

Шу муносабат билан, биз шундай концепцияни илгари сурамизки, халқаро парламент ташкилотининг ҳуқуқий субъектлилиги функционал-объектив хусусиятга эга, бу эса, халқаро парламент ташкилотининг ҳуқуқий субъектлилиги унинг таъсис ҳужжатида мустаҳкамланган ташкилот мақсад ва вазифалари, функциялари билан чекланиб, бунда ўз устав функциялари, мақсадлари ва вазифаларини тўлиқ мустақил ва мухтор равишда амалга ошириши мумкин.

Халқаро парламент ташкилотларининг ҳуқуқий субъектлик ҳажми мақсадли ва функционал тус касб этади. Халқаро парламент ташкилотлари ўз вазифаларини бажариш учун зарур ҳуқуқий воқеалар билан таъминланган бўлиб, бу муайян тарзда таъсис ҳужжатларида қайд этилади.

Халқаро парламент ташкилотларининг ҳуқуқий субъектлилиги қуйидаги жиҳатлар орқали очиқ берилади:

— халқаро парламент ташкилотлари ўз ваколати доирасида шартнома ва битимлар тузишга ҳақли. Шартномавий ҳуқуқ лаёқати халқаро парламент ташкилотларининг таъсис ҳужжатларини икки асосий усулда қайд қилинади: ушбу ташкилотнинг вазифаларига ўз ҳиссасини қўшадиган ҳар қандай шартномаларни тузиш ҳуқуқини берувчи умумий қоида орқали ёки ташкилотнинг айрим тарафлар билан муайян битимлар тузиш имкониятини белгилайдиган махсус қоида орқали;

— халқаро ҳуқуқ субъектлари сифатида халқаро парламент ташкилотлари ҳуқуқбузарликлар ва ўзларининг фаолияти натижасида етказилган зиён учун жавобгар бўлиши ва жавобгарлик даъволари билан чиқиши мумкин<sup>1</sup>. Халқаро парламент

ташкilotлари халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари (шу жумладан, давлатлар билан) юзага келадиган низоларни, субъектлар ўртасида одатда кенг қўлланиладиган воситалар (музокаралар, воситачилик ва бошқа хизматлар, халқаро суд таомиллари ва ҳ.к.) ёрдамида ҳал этишда иштирок этади.

— халқаро парламент ташкilotлари дипломатик алоқаларда иштирок этиш имкониятига эга. Улар ҳузурида давлатларнинг ваколатлари аккредитациядан ўтади, улар давлатларда ўз ваколатхоналарига эга бўлади ва вакиллари билан алмашинувчи амалга оширадиган (1975 йилги Универсал тусдаги халқаро ташкilotлар билан муносабатларда давлатларнинг вакиллиги тўғрисидаги Вена конвенцияси);

— халқаро парламент ташкilotлари ва уларнинг мансабдор шахслари иммунитет ва имтиёзларга эга (1946 йилги Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг имтиёз ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенцияси, 1947 йилги БМТнинг махсус муассасаларининг имтиёз ва иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияси, 1980 йилги Ҳамкорликнинг маълум соҳаларида фаолият юритадиган давлатларaro ташкilotлар ҳуқуқий мақоми, имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенцияси, халқаро парламент ташкilotларининг марказий муассасалари жойлашган давлатлар билан тузган келишувлари ва бошқалар);

— халқаро парламент ташкilotлари халқаро норма ижодкорлиги жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ҳар қандай халқаро парламент ташкilotининг норма ижодкорлиги ваколатлари турлари, йўналишлари ва ҳажми унинг таъсис ҳужжатида ёки уни тўлдирувчи бошқа ҳужжатларда қайд этилади. Бундай ваколатларни қайд этишнинг энг кенг тарқалган шакллари қуйидагилардан иборат:

а) таъсис ҳужжатида норма ижодкорлиги фаолиятининг муайян турлари ва шакллари бевоқифа қайд этиш;

б) ташкilotнинг функциялари ва ваколатлари тўғрисидаги шу йўсинда қайд этилиши, унинг шарҳланиши ташкilotнинг норма ижодкорлиги ваколатига эгаллиги тўғрисида ишонч билан гапиришга имкон беради;

в) аъзо давлатлар ўртасида, аъзо давлатлар ва ушбу халқаро парламент ташкilotлари ўртасида тузилган шартномаларда қонун ижодкорлиги турлари ва шакллари кўрсатиб бериш; бу таъсис ҳужжатида қўшимча (аниқлаштириш) сифатида тан олинishi мумкин;

г) универсал тусдаги кўп томонлама шартномаларда муайян тоифадаги халқаро ташкilotларнинг у ёки бу норма ижодкорлиги қобилиятини умумий жиҳатдан эътироф этиш.

Ҳар бир халқаро парламент ташкilotи фақат унинг таъсис ҳужжати билан рўхсат этиладиган

қонун ижодкорлиги шаклида иштирок этиши мумкин;

— халқаро парламент ташкilotлари шартнома асосида ходимларни ишга олиш ҳуқуқига эга (фақатгина ушбу халқаро парламент ташкilotига бўйсунадиган ва унинг номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб иш юритадиган халқаро мансабдор шахслар);

— ҳар бир халқаро парламент ташкilotи аъзо давлатларнинг бадалларидан иборат бўлган ва ташкilotнинг умумий манфаатлари учун сарфланадиган молиявий ресурсларга эга. Аъзо давлатларнинг аъзолик бадаллари ташкilotнинг умумий бюджетининг 0,001 фоизидан кам бўлмаслиги ва 25 фоиздан ошмаслиги керак;

— халқаро парламент ташкilotлари давлатнинг миллий қонунчилигига мувофиқ юридик шахнинг барча ҳуқуқларига эга ҳолда ҳаракат қилади<sup>1</sup>. Бу шуни англатадики, барча халқаро парламент ташкilotлари хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъекти бўлади.

Юқоридан келиб чиқадики, халқаро парламент ташкilotининг ўз хоҳиш-иродаси мавжуд, бу унинг ҳуқуқий субъектчилиги асосидир.

Ташкilotга хос бўлган иродавий жиҳат ўзига хосдир. Агар биз ушбу хусусиятни умумий маънода белгиласак, у қуйидаги формулада ифодаланиши мумкин: ташкilotнинг иродаси нисбий мустақил тусга эга, биз бундан юқорида кўрсатиб ўтганмиз.

Халқаро парламент ташкilotининг иродаси аъзо давлатларнинг хоҳиш-иродаси мажмуи эмас, шу каби улар иродасини бирлаштирмайди. Бу ирода, халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари иродасидан ажралиб туради. Халқаро парламент ташкilotи, унинг қайд этилган хоҳиш-иродаси сифатига қараб мустақил мавжудлик касб этади, халқаро ҳуқуқий мулоқот иштирокчиси, автоном халқаро шахсга айланади. Ўз иродасига эга бўлмасдан халқаро ташкilot нормал фаолият юрита олмасди ва унга берилган вазифаларни бажариши имконсиз бўларди<sup>1</sup>.

Халқаро парламент ташкilotининг ҳуқуқий субъектчилиги функционал-объектив хусусиятга эга, бу эса, халқаро парламент ташкilotининг ҳуқуқий субъектчилиги унинг таъсис ҳужжатида мустақамланган ташкilot мақсад ва вазифалари, функциялари билан чекланиб, бундан ўз устав функциялари, мақсадлари ва вазифаларини тўлиқ мустақил ва мухтор равишда амалга ошириши мумкин.

Халқаро парламент ташкilotларининг ҳуқуқий субъектчилиги ҳар доим шартномавий келиб чиқишга эга. Унинг манбаи — бу таъсис ҳужжатлари, яъни давлатлар томонидан тузилган халқаро шартномалари ҳисобланади. Натижада, халқаро парламент ташкilotининг ҳуқуқий субъектчилиги «бирламчи» (суверен) субъектларнинг ҳуқуқий субъектчилигидан келиб чиқиб, иккиламчи тусга эга.

Шу маънода халқаро парламент ташкилотлари иккиламчи халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланади.

Халқаро парламент ташкилотларининг ҳуқуқий субъектлиги ўз табиатига кўра ҳуқуқий субъектлиги универсал бўлган давлатлардан фаркли ўларок, функционал хусусиятга эга. У ёки бу халқаро пар-

ламент ташкилотига ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилиши унинг мақсадларига боғлиқ ва уларнинг ҳажми ташкилотнинг функционал эҳтиёжидан ошмаслиги керак. Халқаро ҳаракатларни амалга ошириш қобилияти белгиланган доиралар билан чегараланиб, таъсис ҳужжатида ва уни тўлдирадиган ҳужжатларда қайд этилади.



<sup>1</sup> Алексеев С. С. Проблемы теории права. Курс лекций: В 2 т. Т. 1. – Свердловск, 1972. – С. 276.

<sup>2</sup> Мамедов У.Ю. Международная правосубъектность: основные тенденции развития: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Казань: Казанский гос. унт-т., 2001. – С. 6-7;

<sup>3</sup> Колодкин А.Л. Общие вопросы международной правосубъектности // Международное право: Учебник / Отв. ред. В.И. Кузнецов. – М.: Юристъ, 2001. – С. 42.

<sup>4</sup> Reparations or Injuries Suffered in the Service of the United Nations Case (1949) // ICJ Reports. Judgment. – The Hague, 1949. – P. 174.

<sup>5</sup> Фельдман Д. И., Курдуков Г. И. Основные тенденции развития международной правосубъектности. – Казань, 1974. – С. 67.

<sup>6</sup> Малинин С.А., Ковалева Т.М. Правосубъектность международных организаций // Правоведение. – Москва, 1992. – № 5. – С. 53.

<sup>7</sup> Маратадзе Л.Н. К вопросу о понятии международной правовой субъектности // Вестник Моск. ун-та. Сер. XII. Право. – Москва, 1969. – № 1. – С. 73.

<sup>8</sup> Тункин Г.И. Теория международного права / Под. общ. ред. Н.Л. Шестакова. – М.: Изд-во «Зерцало», 2000. – С. 317-318.

<sup>9</sup> Черниченко С.В. Теория международного права. В 2-х томах. Том 2: Старые и новые теоретические проблемы. – М.: Издательство «НИМП», 1999. – С. 25.

<sup>10</sup> Ўша ерда. – 36 б.

<sup>11</sup> Шибаева Е. А. Правовой статус межправительственных организаций. – М.: Юридическая литература, 1972. – С. 57, 78-81.

<sup>12</sup> Международное право: Учебник / Отв. ред. Ю.М. Колосов, В.И. Кузнецов. – М.: Международные отношения, 1995. – С. 57.

<sup>13</sup> Бекашев К.А., Волосов М.Е. Международное публичное право. Практикум, схемы. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – С. 29.

<sup>14</sup> Малинин С. А. О правосубъектности международных организаций // Вестник ЛГУ. – Ленинград, 1965. № 17; Маратадзе Л.Н. К вопросу о понятии международной правовой субъектности // Вестник Моск. ун-та. Сер. XII. Право. – Москва, 1969. – № 1. – С. 71.

<sup>15</sup> South West Africa. Second Phase // ICJ Reports. Judgment. – The Hague, 1966. – P. 48.

<sup>16</sup> Нешатаева Т.Н. Международные организации и право. Новые тенденции в международно-правовом регулировании. – 2-е изд. – М.: Дело, 1999. – С. 69.

<sup>17</sup> Ўша ерда – 71 б.

<sup>18</sup> Ўша ерда. – қаранг 73 б.

<sup>19</sup> Reparations or Injuries Suffered in the Service of the United Nations Case (1949) // ICJ Reports. Judgment. – The Hague, 1949. – P. 174, 177, 179.

<sup>20</sup> Малинин С.А., Ковалева Т.М. Правосубъектность международных организаций // Правоведение. – Москва, 1992. – № 5. – С. 57-61.

<sup>21</sup> Бекашев К.А., Волосов М.Е. Международное публичное право. Практикум, схемы. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – С. 32.

<sup>22</sup> Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. – Т.: «Zarqalam»; ТГЮИ; ЦИПЧГП, 2003. – С. 96.

<sup>23</sup> Reparations or Injuries Suffered in the Service of the United Nations Case (1949) // ICJ Reports. Judgment. – The Hague, 1949. – P. 180.

<sup>24</sup> Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. – Т.: «Zarqalam»; ТГЮИ; ЦИПЧГП, 2003. – С. 86-87.

<sup>25</sup> Шибаева Е.А. Право международных организаций: Вопросы теории. – М.: Международные отношения, 1986. – С. 31.

<sup>26</sup> Малинин С.А., Ковалева Т.М. Правосубъектность международных организаций // Правоведение. – Москва, 1992. – № 5. – С. 61-62.

<sup>27</sup> Fitzmonrice G. The Law and Procedure of International Court of Justice: International Organizations and Tribunals // British Yearbook of International Law. – London, 1952. – Vol. 29. – P. 21.

<sup>28</sup> Нешатаева Т. Н. Понятие санкций международных организаций // Правоведение. – Москва, 1984. – № 6. – С. 94.

<sup>29</sup> Нешатаева Т.Н. Понятие санкций международных организаций // Правоведение. – Москва, 1984. – № 6. – С. 94 – 98.

<sup>30</sup> Об этих признаках см. также: Международное право: Учебник / Отв. ред. Ю.М. Колосов, В.И. Кузнецов. – М.: Международные отношения, 1995. – С. 64, 190; Нешатаева Т.Н. Международные организации и право. Новые тенденции в международно-правовом регулировании. – 2-е изд. – М.: Дело, 1999. – С. 78; Международное право: Учебник / Отв. ред. В.И. Кузнецов. – М.: Юристъ, 2001. – С. 52, 373; Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2002. – 82, 160-161-бетлар; Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. – Т.: «Zarqalam»; ТГЮИ;

<sup>31</sup> Малинин С.А., Ковалева Т.М. Правосубъектность международных организаций // Правоведение. – Москва, 1992. – № 5. – С. 59-60.

Ражабов Бахтиёр Алмахматович,  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академияси кафедра бошлиғи,  
юридик фанлар номзоди, доцент

## ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ШАРТИ СИФАТИДА ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ

◆ Мақолада жиноят процессида далилларни тўплаш тушунчаси, бу бўйича етакчи олимларнинг фикри ва илмий-назарий таҳлиллари келтирилган. Таҳлил ва тадқиқотлар натижаларига кўра, далилларни тўплаш бўйича процессуал қоидаларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар киритилган.

◆ Статъя включает в себя понятие сбора доказательств в уголовном процессе, мнения ведущих ученых и научно-теоретический анализ. На основании результатов анализа и исследований были включены предложения и рекомендации по улучшению процессуального порядка сбора доказательств.

◆ The article includes the concept of collecting evidence in criminal proceedings, the views of leading scientists and scientific and theoretical analysis. Based on the results of the analysis and research, suggestions and recommendations for improving the procedural order of the collection of evidence.

**Калит сўзлар:** жиноят процессида исбот қилиш, далиллар, далилларни аниқлаш, далилларни тўплаш, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, судья.

**Ключевые слова:** доказывание в уголовном процессе, доказательства, определение доказательств, собирание доказательств, дознаватель, следователь, прокурор, суд, судья.

**Key words:** evidence in criminal proceedings, evidence, determination of evidence, collection of evidence, interrogator, investigator, prosecutor, court, judge.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг (кейинги ўринларда ЖПК) 81-моддаси 1-қисмига мувофиқ, ижтимоий ҳавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Бугунги кунда шаклланган далилларнинг қуйидаги турлари: гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган жиноят процессидаги далиллар тизими универсал ҳисобланади ва кенгайтиришга муҳтож эмас.

Ҳар бир тушунчанинг таҳлили албатта унинг луғавий маъноси билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. «Тўплаш» атамасининг луғавий маъносига «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «Битта-бит-

та териб ёки супуриб, сидириб, бир ерга йиғмоқ, тўп, тўда ҳолга келтирмоқ ва турли манбалардан олиб, бир бутун, яхлит ҳолга келтирмоқ, йиғмоқ, тузмоқ, тартиб этмоқ» деб изоҳ берилган [1, б. 242].

«Далилларни тўплаш» тушунчасига амалдаги ЖПКда таъриф берилмаган ва фақат далилларни тўплаш ваколатига эга бўлган субъектлар томонидан уларни тўплаш воситалари кўрсатиб ўтилган.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида ҳам далилларни тўплаш тушунчасининг таърифи бўйича ягона тўхтама келинмаган ва бу борада мутахассислар томонидан мазмунан бир-бирига яқин бир қатор хулосалар илгари сурилган.

Жумладан, С.М.Рахмонованинг таъкидлашича, «далилларни тўплаш — суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан далилий ахборотни топиш, талаб қилиб олиш, қабул қилиб олиш ва процессуал қайд этишга ҳамда қонунда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга оширишга йўналтирилган» [3, б. 168].

Фикримизча, қонунда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга оширишга йўналтирил-

ган хатти-ҳаракатларни далилларни тўплашнинг элементи сифатида баҳолаб бўлмайди. Чунки, ушбу ҳолатда таҳлил қилинаётган тушунчанинг мазмуни ҳаддан ташқари кенгайиб кетади. Хусусан, қонунда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга оширишга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар далилларни текшириш ва баҳолаш жараёнларини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Е.Э.Курзинернинг фикрича, «далилларни тўплаш — суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг маълумотларни аниқлаш, олиш (олиб кўйиш) ҳамда тергов ёки бошқа процессуал ҳаракатлар ёрдамида уларни процессуал тартибда мустаҳкамлашга қаратилган процессуал фаолиятдир» [4, б. 8].

В.С.Попов далилларни тўплаш — бу ахборотни аниқлаш, қўлга киритиш (олиб кўйиш) ва уни тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар ёрдамида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) томонидан процессуал маҳкамлаб кўйишдан иборат бўлган процессуал фаолиятдир деб таъкидлайди [5, б. 8].

Ушбу таърифларга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкинки, далилларни тўплаш қўйидаги элементларни ўз ичига қамраб олади:

- далилий ахборотни аниқлаш;
- далилий ахборотни талаб қилиб олиш;
- далилий ахборотни қабул қилиб олиш;
- далилий ахборотни процессуал қайд қилиш.

Далилларни тўплаш жиноят процессининг барча босқичларида амалга оширилади. Бу фаолиятнинг ҳуқуқий шакллари ҳар бир босқичда юзага келадиган билишга оид вазиятнинг ўзига хос жиҳатларига мувофиқ равишда ўзгариб туради. Бундай вазият эса қонун билан белгиланадиган янги билишга оид вазифалар ва процессуал фаолиятнинг янги шарт-шароитлари таъсири остида шаклланади.

Исботлаш жараёнида далилларни тўплашни жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни ишончли ва етарли даражада исботлаш мақсадида далиллар ва уларнинг манбаларини қидириб топиш, аниқлаш ва қайд этишга қаратилган ҳамда ЖПКнинг 86-моддасида кўзда тутилган ваколатли органлар, мансабдор ва бошқа шахсларнинг жиноят-процессуал фаолияти деб ҳисоблаш мумкин.

Исботлашнинг дастлабки босқичи сифатида қараладиган далилларни тўплаш — бу суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг онгида ҳодиса бўйича мавжуд бўлган изларни қидириб топиш ва акс эттириш бўйича фаол ва мақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, у аслидаги маълумотларни қайта ўзгартирилиши ва ана шу маълумотларни иш материаллари кўринишида маҳкамланиши билан биргаликда амалга ошади. Далилларни тўплаш бўйича фаолият қонун доирасида ваколатга эга бўлган давлат органи би-

лан айбланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, эксперт, гувоҳлар ва исботлашда иштирок этаётган бошқа шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда ўзини намоён қилади.

Бир қатор юридик адабиётларда «исботлаш фаолияти» ва «исботлаш» тушунчалари айнан бир хил деб қаралади. Бироқ жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятида улар сезиларли даражада ажралиб турадиган белгига эга бўладилар.

*Биринчидан*, жиноят иши бўйича исботлаш жараёни инсон фаолиятининг, шу жумладан исботловчи фаолиятининг бир кўриниши ҳисобланиб, у қўйидагиларни назарда тутати: а) далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўйича жиноят-процессуал қонун томонидан тартибга солинган фаолият эканлигини; б) иш юритувининг барча босқичларида ушбу босқичнинг вазифаларига ва ундаги амалга ошириш тартибига мос келадиган процессуал шаклларида мавжуд бўлган фаолият эканлигини.

*Иккинчидан*, исботлаш жараёнини амалга ошириш бўйича жиноят-процессуал фаолиятда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш борасида қонунда белгиланган ҳамда бу бўйича ҳуқуқий ваколатларга эга бўлган шахслар иштирок этади. Ваҳоланки, исботлаш жараёнида, хусусан далилларни тўплаш вақтида юзага келадиган исботлаш фаолиятида жиноят-процессуал фаолиятнинг барча субъектлари иштирок этади.

*Учинчидан*, исботлаш жараёнининг натижаси бўлиб далиллар ҳисобланади, исботлаш фаолиятининг натижаси эса — бирор нарсани тасдиқлайдиган ёки рад этадиган маълумотлар, фактлар ёки важлар бўлиб, улар фақат қонун талабига биноан аниқлаш ва тўплаш усуллари ва тартибига мувофиқ келиши аниқланганидан кейин, баҳолаш процедураларидан ўтгандан кейин ва ваколатли субъект томонидан процессуал шаклга солинганидан кейингина далилларга айланадилар [6, б. 5].

Бир қатор хорижий олимларнинг [7, б. 9-10], [8, б. 4], [4, б. 7] фикрларига қўшилган ҳолда фикримизча, исбот қилишнинг дастлабки элементини далилларни аниқлаш деб аташ зарур. «Аниқлаш» атамаси далилларнинг пайдо бўлиш жараёни тўғрисидаги тасаввурга мос келади. Бу эса қўйидагиларни ўз ичига қамраб олади: 1) ҳодиса содир бўлган жойда жиноят изларининг вужудга келиши; 2) исботлаш субъектлари томонидан ҳодиса содир бўлган жойда қолдирилган жиноят изларида мавжуд бўлган ҳақиқий маълумотларнинг қабул қилиб олинishi ва бир вақтнинг ўзида унинг онгида билиш ҳамда тасаввурнинг шаклланиши; 3) ана шу ҳақиқий маълумот, шакл ёки кўринишга тегишли процессуал шакл бериш орқали унинг ўз хусусиятини йўқотмаган ҳолда сақлаб қолинишини таъминлайдиган ҳаракатларни амалга ошириш.

**Аниқлаш** — бу исбот қилишнинг бошланғич элементи бўлиб, Кодексда белгиланган тартибда ҳар қандай маълумотларни қидириб топиш ва олишга қаратилган бир қатор процессуал ва бошқа ҳаракатларни муайян кетма-кетликда ба-жаришдан иборат бўлади ҳамда бу маълумотлар асосида суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд жиноят ишининг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Далилларни аниқлаш тергов ва суд давомида суриштирувчи, терговчи, суд томонидан тергов ёки бошқа процессуал ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтганда, далилларни тўплашнинг моҳияти далилларни аниқлаш, жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ва фактлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, талаб қилиш ва уларни тегишли тарзда процессуал мустаҳкамлаш орқали далилларни қўлга киритишдан иборатдир.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги 270-сон [1] қонуни билан киритилган ўзгартиришга мувофиқ, ҳимоячи далиллар тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, у ушбу далилларни:

а) ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш;

б) давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақлидир.

Ҳимоячи томонидан тақдим этилган предметлар, ҳужжатлар ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотлар ЖПКнинг 87-моддасида кўзда тутилган тартибда далил деб тан олинади.

ЖПКда «далилларни тўплаш» деб номланган аниқ меъёрий тавсифнинг йўқлиги, шунингдек далилларни тўплаш усуллари тавсифининг йўқлиги унинг моҳиятини тушуниб етишни қийинлаштиради ва ҳам назарияда, ҳам амалиётда ана шу ҳодисанинг турли, баъзида қарама-қарши талқинларини келтириб чиқаради.

**Шу боис, ЖПКнинг 87-моддасига қуйидаги таҳрирдаги далилларни тўплашга бағишланган янги қисм қўшиш зарур деб ҳисоблаймиз:**

«Далилларни тўплаш — бу жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ва фактлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш, фош қилиш, сўров юбориш, ёзма тушунтиришлар, маълумотномалар, тавсифномалар олиш, шунингдек уларни процессуал мустаҳкамлашга қаратилган, амалдаги қонунчилик меъёрлари билан тартибга солинадиган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг жиноят процессининг бошқа қатнашчилари иштирокидаги фаолиятидир».

Фикримизча, далилларни тўплашнинг мазкур таърифи бугунги кунда бу борадаги бир қатор тушунмовчиликларнинг бартараф этилишига ва мавжуд бўшлиқларининг тўлдирилишига замин яратади.



1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил, 14-сон, 271-модда.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2006. – Т. 242-6.
3. Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism: Darslik / Mualliflar jamoasi. – Т.: TDYU, 2017. – 491 bet.
4. Курзинер Е.Э. Актуальные вопросы доказывания в уголовном судопроизводстве Российской Федерации: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Челябинск, 2009. – 27 с.
5. Попов В.С. Участие адвоката-защитника в процессе доказывания на стадии предварительного расследования и в суде первой инстанции: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Челябинск, 2005. – 27 с.
6. Скребец Г.Г. Участие адвоката-защитника в формировании доказательств на стадии предварительного расследования: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Екатеринбург, 2008. – 22 с.
7. Демурчев Л.Г. Собираание доказательств в ходе досудебного производства путем проведения иных процессуальных действий: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Краснодар, 2012. – 26 с.
8. Шейфер Л.С. Формы закрепления доказательств в судебном заседании: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 1989. – 18 с.

**Safaev Firuz Khabibullaevich**  
**prosecutor of the Academy of the General Prosecutor's**  
**Office of the Republic of Uzbekistan, Ph.D.**

## **NATIONAL IMPLEMENTATION OF THE U.N. CONVENTION AGAINST CORRUPTION: DOGMATIC ASSESSMENT OF THE PENAL CODES OF UZBEKISTAN AND GERMANY**

◆ *In this article the author represents a comparative study of the penal codes of Uzbekistan and Germany in terms of implementation of the U.N. Convention against corruption. One can find dogmatic review of elements of the corruption crimes such as accepting and granting undue advantage as well as passive bribery. Further, corruption crimes are analyzed by comparing to extortion and malfeasant discharge of public authority. Overall, the article addressed strengths and weaknesses of both the Uzbekistan's and German criminal law against corruption.*

◆ *В статье автор делает сравнительный анализ уголовных кодексов Узбекистана и Германии в части имплементации Конвенции ООН против коррупции. Дается научно-исследовательский обзор элементов коррупционных преступлений, таких как получение и предоставление незаконного преимущества, а также пассивное взяточничество. В общем плане, в статье освещаются преимущества и недостатки уголовных законов Узбекистана и Германии об ответственности за коррупцию.*

◆ *Ушбу мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистон ва Германия жиноят кодекслари Коррупцияга қарши БМТ конвенциясини имплементация қилиш нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил қилинган. Унда ноқонуний манфаат олиш ва бериш каби коррупция жинояти элементларини ҳамда пассив порахўрликнинг илмий тадқиқот таҳлили берилган. Умуман олганда, мақолада коррупция учун жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон ва Германия жиноят қонунларини устунлик томонлари ва камчиликлари ёритилган.*

**Key words:** The U.N. Convention against corruption, penal code, public officials, corruption offense, bribery, undue advantage, extortion, malfeasant discharge of public authority.

**Ключевые слова:** Конвенция ООН против коррупции, уголовный кодекс, государственный служащий, коррупционное преступление, взяточничество, незаконное преимущество, вымогательство, недобросовестное выполнение должностных обязанностей.

**Таянч сўзлар:** Коррупцияга қарши БМТ конвенцияси, жиноят кодекси, давлат хизматчиси, коррупция жинояти, порахўрлик, ноқонуний манфаат, товламачилик, мансабдор шахснинг хизмат вазифаларига виждонсиз муносабатда бўлиши.

Ensuring the primacy of international law denotes providing supremacy of rules of international treaties in the event of their conflict with national legislation. Further, it assumes bringing the domestic legislation into conformity with international agreements on suppression of crime. Below we have analyzed importance of harmonization of both legal systems, i.e. national and international, in the context of combating corruption offenses.

### **Elements of the corruption offense**

In accordance with Article 15 of the U.N. Convention against Corruption the term „bribery” refers to a direct or indirect promise, offering or giving undue advantage to a public officer. The term is applicable when the undue advantage is provided to the officer or a third person to induce

the former to act or refrain from acting in exercise of his/her official duties. In Article 15 (b) a reader can also find the exact definition of the „undue advantage” in context of bribery. However, the relevant provisions of the Penal Code of Uzbekistan are different from the treaty norms in many aspects.

### **Accepting and granting undue advantage**

According to Articles 210 and 211 of the Penal Code of Uzbekistan criminal liability for accepting and granting of the undue advantage is assumed only in case of active conduct of the delinquent. Yet the statutory provisions do not encompass other deviant behaviour of public officials. More precisely, preparation for and attempt at the offense are not criminalized in the Penal Code whereas the convention norms assume accountability for any

deviant conduct. In opinion of *I. Bogusch* substantial amendments to the legal enactment ought to be criminologically justified. Taking into account his point of view it is reasonable to state that overall criminalization of a wide range of actions which's mischief to public is indefinite contradicts to humanization tendency in criminal legislation and decriminalization of petit wrongdoings.<sup>1</sup>

As a matter of law corrupt acts should not be measured exclusively in terms of material harm because it is not a result-oriented offense. Hence, even preparation for and attempt at the offense, according to prevalent theoretical views, are sufficient to undermine the objectiveness of public administration and business dealings and, on this account, punishable. However, to *M. Kuhler's* mind, malicious intent can be partly negligible with regard to harming legally protected interests when the crime bears on conspiracy.<sup>2</sup>

In their turn *H. Trundle* and *T. Fischer* negate the element of reciprocity and attaching the bribe to a determined service. However, they do not rebut necessity to prove conspiracy. To their mind, the undue advantage for which the public official takes some actions or proposes to take is quintessence of the culpability.<sup>3</sup> In this regard *P. Cramer* points out goal of the public official to accept the undue advantage for provision of service or leaving it undone.<sup>4</sup> In light of all these scientific opinions the punishability of preparation for the offense still remains disputable because extrovert detectability of criminal conduct indicating existence of conspiracy can sometimes be impossible. Furthermore, it is difficult also to underline difference between attempt and accomplished action. Despite such an ambiguity *G. Heine* succeeded to make clear-cut difference:

«The action assumed to be accomplished when the undue advantage, which evinces existence of conspiracy, is accepted. Giving the briber a chance to promise illegal benefit and conceding it turns official's conduct to the accomplished offense of corruption. Claiming illegal compensation can also presume the accomplished offense once the other party is made aware of it... In the latter case an attempt takes place as soon as the perpetrator tries to bring his/her intention to the knowledge of other party. It is not necessary that the intended message be finally gone up to that party. In any other case norms on abetment would be applicable.»<sup>5</sup>

### Passive bribery

Under Article 28 of the U.N. Convention against Corruption subjective elements of the offense (knowledge, intent and purpose) are inferred from factual circumstances. It means that active bribery should not be the sole evidence to investigate corruption. Moreover, preconditions for prosecuting the offense can be accepting and granting of the

undue advantage as well as illegal acts and omissions in the course of performing by the public officer of his/her duties, or breach of duty.

The Penal Code of Uzbekistan does not prescribe liability of an authorized person if he/she gives the briber an opportunity to promise the undue advantage for acting in his/her interests. However, as per criminal legislation of Germany letting the briber make a promise to deliver the undue advantage is unlawful. In this regard the Federal Supreme Court of Germany asserts that the mere willingness to accept the bribe be considered cogent evidence of malicious purpose of the briber to exert influence whereby public officer concedes and agrees to accept the promised benefit.<sup>6</sup> By the same token one has to indicate the gap in criminal code of Uzbekistan as to criminalization of the passive bribery.

### Extortion

Extortion can be subsumed as an element of the bribe if the offense has committed in violation of Article 165 of the Penal Code of Uzbekistan where extortion is prescribed as a integral part of embezzlement. Extorting a victim as a potential briber does not only account for exerting pressure under threat of damage or destruction of his/her property as well as intimidating by encroaching on his/her secrets to be disclosed to the public. Sufficient evidence that extortion took place can be drawn even from circumstance when the perpetrator makes the victim aware of his/her purpose and demand. This conduct satisfies statutory requirements to indict the delinquent regardless of the end result of mischief, i.e. direct and overt demanding the undue advantage or making extortionary claim.

### Malfeasant discharge of public obligations

According to Article 40 of the Penal Code of Uzbekistan damaging public property in result of lawful action is considered reasonable exculpation. This provision creates a gap in the statute when the bribe-taker's conduct represents an illegal act even though he has performed his official duties in due manner. Yet as per international law lawful conduct should not be a reason for excuse. As long as there is a willful abuse of public duties one must admit that the people's trust in objectivity of public administration and business dealings is broken evidently.

Similar problem exists also in German legislation. Under §331 (3) and § 333 (3) of the Penal Code of Germany public officials are not fully debarred from giving and receiving a benefit if competent body has, in frames of its authority, approved it before or after carrying out such an action; if approval has to be given when taking of the benefit has already occurred then the action must be communicated to the public body immediately thereafter. *H. Trundle*

---

and T. Fischer comment the German statute in following way:

«Preliminary approval of taking of the benefit is in no way utmost exculpation from criminal punishment and does not exclude evincing elements of crime and proving guilt; it is rather a base for mitigation of liability. It holds true in case of subsequent approval of conceding of the promise made by the briber or when the bribe-taker was not aware of such approval as well»<sup>7</sup>.

In their later comment the named theoreticians pointed to contradictory circumstance. To their mind, the approval given by the high-ranking official in violation of his/her authority granted by the competent body contravenes rules of public law. Moreover, it should be brought out that the public body may not be empowered to weaken protected object of legal interest, particularly, people's trust and objectivity of public administration and business dealings.

G. Greeve stresses the flip side of the matter, namely, the complicity when e.g., the high-ranking official himself/herself is beneficiary of the undue advantage.<sup>8</sup> The case is about involvement of third parties who are actual recipients of the proposed advantage. In this context the scholar remarkably

argues that authoritative approval of accepting or granting of the bribe seems in no case a usual and socially adequate instance. Hence, she argues that § 331 (3) und § 333 (3) of the Penal Code of Germany must be construed in a way that the approval of misgotten benefit becomes a reason for mitigation of punishment but de jure justification.

Yet the aforementioned provisions of the Penal Code of Germany do not regulate the case where the high-ranking official knows of illegality of his conduct and lets it happen nevertheless. For this reason it is difficult to judge whether such circumstance does subsume complicity or collateral participation under the German statute.

### Conclusion

Our analysis does not fully reveal criminological characteristics of the corruption, and raises many questions about various methods of incorporation of international treaty norms into national criminal legislation. In this regard, ensuring primacy of treaty obligations should not be reduced only to the incorporation of certain Convention rules, but be related to the entire system of international norms that criminalize the appropriate types and forms of socially dangerous acts.



---

<sup>1</sup>Bogusch G., Die Verstärkung der Gesetzlichkeit und der Kampf gegen Kriminalität, in: Bulletin der Moskauer Staatsuniversität, Serie Nr.11 - Recht, 2006, Nr. 3, 29.

<sup>2</sup>Длнliche Vorschrift enthдlt Art. 16 Abs. 2 StGB von Usbekistan.

<sup>3</sup>Trundle H. & Fischer T., Strafgesetzbuch und Nebengesetze, 49. Aufl., Mьnchen 1999, § 331 Rn. 18.

<sup>4</sup>Cramer P., Kommentar zu § 331 StGB, in: Strafgesetzbuch. Kommentar, 26 Aufl., A. Schьnke und H. Schrьder, Mьnchen 2001, Verlag C.H. Beck, § 331 Rn. 29d.

<sup>5</sup>Heine G., o. Fn. 4, § 331 Rn. 31, 33.

<sup>6</sup>BGH Deutschland, Urteil vom 23.10.2002, <http://www.bgh.de>.

<sup>7</sup>Trundle H. & Fischer T., Strafgesetzbuch und Nebengesetze, 55. Aufl., Mьnchen 2008, § 331 Rn. 33.

<sup>8</sup>Ante. Greeve G., o. Fn. 1, 139 - 141.

Асадов Шавкат Гайбуллаевич,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
кафедра мудири ю.ф.н., доцент

## ДАВЛАТНИ ТУШУНИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИДА «СУВЕРЕНИТЕТ» КАТЕГОРИЯСИ: МУНОСАБАТ ВА ТАҲЛИЛ

◆ Мақолада “суверенитет” тушунчаси ва моҳияти замонавий давлат ва ҳуқуқ назариясида давлатни тушуниш ва моҳияти бўйича умумэтироф этилган бир қанча назарий концепциялар билан боғлаган ҳолда кўриб чиқилган. Давлатни тушуниш бўйича социологик, либертар, легистик ва психологик концепциялардаги қарашлар таҳлил қилинган.

◆ В статье исследуется сущность понятия «суверенитет» путем связи с несколькими общепризнанными теоретическими концепциями о понимании и сущности государства в современной теории государства и права. Анализируются взгляды на социальное, либертарное, легистические и психологические концепции понимания государства.

◆ The article explores the essence of the concept of “sovereignty” by connecting with several generally accepted theoretical concepts about the understanding and essence of the state in the modern theory of state and law. The author analyzes the views on the sociological, libertarian, legal and psychological concepts of understanding the state.

**Таянч сўзлар:** суверенитет, давлат суверенитети, давлатни тушуниш концепциялари, оммавий-сиёсий ҳокимият, халқаро ҳуқуқ, суверен ҳуқуқларни чеклаш, суверен ҳуқуқлардан воз кечиш.

**Ключевые слова:** суверенитет, государственный суверенитет, концепция понимания государства, публично-политическая власть, международное право, ограничение суверенных прав, отказ от суверенных прав.

**Key words:** sovereignty, state sovereignty, concept of understanding the state, public-political power, international law, restriction of sovereign rights, renunciation of sovereign rights.

Суверенитет ҳақидаги таълимот давлат ҳокимиятининг моҳияти ва уни амалга оширишнинг асосий шакллари билан бевосита боғлиқдир. Фақат ҳукмрон, тўлақонли ҳокимиятни бутунлигича қўлида ушлаб турган давлат ҳокимияти ўзининг “суверен” эгалигини намоён қилади. “Ҳеч бир тушунча “суверенитет” тушунчаси каби кўплаб бир бирига қарама-қарши фикрлар вужудга келтирмаган ҳамда ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос назарийчиларни саросимага солмаган”<sup>1</sup>.

Суверенитет моҳиятини тушуниш ва замонавий давлатлар суверенитетига баҳо бериш учун “суверенитет” тушунчасини замонавий давлат ва ҳуқуқ назариясида давлатни тушуниш ва моҳияти бўйича умумэтироф этилган бир қанча назарий концепциялар билан боғлаган ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Концепциялар билан уйғунлаштириш давлатга нисбатан назарий қарашларни у ёки бу шаклидан келиб чиқиб, суверенитетга нисбатан муносабатни аниқлаш имконини беради.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида давлатни тушунишнинг турлича концепциялари шаклланган, хусусан, позитивистик доирада *социологик* ва *легистик*, *психологик*, неопозитивистик юридик типи доирасида эса *либертар* концепция шаклланган.

Оммавий-сиёсий ҳокимият ўз таъсиридаги аҳолини бирлаштиради махсус аппарат томонидан ҳокимиятни амалга оширади ва табиий равишда суверенитетга эга бўлади. Давлатни тушунишнинг концепциялари мазмунидан қатъи назар ҳар қандай оммавий-сиёсий ҳокимият ташкилоти давлат деб қабул қилинади.

“Давлатнинг либертар концепциясида давлат — бу оммавий-сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш ва амал қилишининг ҳуқуқий шакли (ҳуқуқ типи)дир. Бироқ, бу ҳозирги замон давлатига қонунчилик кўзгуси орқали, давлат ҳокимиятига оид қонун нормалари билан қараш керак эмас, деган маънони англатмайди. Ҳозирги замон либертар назарияси давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунларни фуқаролар эркинлигини таъминлашнинг зарурий шакли сифатида тушунтиради ва қонунларни ўзининг асл вазифаси бўлган фуқароларнинг эркинлиги, хавфсизлиги, мулкини таъминлашни қандай амалга ошираётганлигига боғлиқ ҳолда баҳолайди”<sup>2</sup>. В.С.Нерсисянц фикрича давлат — бу оммавий-сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш ва амал қилишининг ҳуқуқий шакли (ҳуқуқ типи)дир. В.С.Нерсисянц<sup>3</sup> суверенитетни чеклашга қаратилган қарашларга ўз муносабатини билдириб, давлат суверенитетининг замонавий ҳуқуқий трансфор-

мациясини, одатда (давлатлар иттифоқи, ҳамжамиятлар фойдасига) “суверен ҳуқуқларни чеклаш”, “суверен ҳуқуқлардан қисман воз кечиш” тарзида нотурғи талқин қилишади. Аслида эса давлатнинг ўзбошимча фаолиятини чеклаш, эркин ҳатти-ҳаракатланиш “ҳуқуқидан” воз кечиш, давлатни умуммажбурий бўлган ҳуқуқий маконга қайтариш, ўзбошимчалик ва кучга асосланган суверенитетдан, ҳуқуқий концептуал ва конструктив суверенитетга ўтишни ёқлаган. Демак, либертар назарияга асосланган давлатларда ҳокимиятнинг мутлоқ эмаслиги, давлат ҳокимиятининг асосий мақсад ва вазифаси фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда халққа хизмат қилиш бўлган учун, ушбу мамлакатлардаги давлат суверенитети *халқ суверенитети* билан чекланган бўлади. Ушбу типдаги давлатларда давлат суверенитети халқ суверенитетини сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан тан олади ва қонунчиликда мустаҳкамлайди. Давлатда ҳокимият эгаси халқ ҳисобланади (масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 7-моддаси).

*Социологик концепциянинг* барча кўринишлари давлатнинг оммавий-сиёсий ташкилот сифатидаги ҳуқуқий табиатини инкор этишади. Давлат ўз фаолияти давомида ҳуқуққа ҳеч қандай эҳтиёж сезмасдан, фақат ҳокимият кучига таянишини мутлоқлаштиришдан иборат. Давлатни бундай тушуниш мамлакатда сиёсий эркинликка йўл қўйилиши, сиёсий ҳокимиятнинг чекланмаслигига олиб келиши мумкин. Бу концептуал ғояларга асосланган давлат типда давлат суверенитети давлат ҳокимиятининг ички ва ташқи сиёсатида мустақиллиги, олийлигининг ажралмас белгиси сифатида улуғланади. Назария асосчилари Г.Ф.Шершеневич<sup>4</sup>, Ж.Остин<sup>5</sup>, Л.Гумпловичлар<sup>6</sup> таъбирича давлат бирламчи куч сифатида, ҳуқуқ эса бу давлатнинг, олий ҳокимиятнинг, сувереннинг эрк-иродасини намоён бўлишидир.

Жон Остин Британия ҳуқуқий тизими таъсирида суверенитет миллий парламентда мустаҳкам илдиэга эга деган фикрни қўллаб қувватлайди<sup>7</sup>.

*“Давлатнинг легистик концепцияси* — давлат деганда сиёсий ҳокимиятнинг қонунлар билан расмийлаштирилган апаратини, унинг қонунга мувофиқ ташкил этилишини ва амал қилишини, ҳокимият органларининг қонуний компетенциясини тушунади. Бу назария давлатни аслида амалда конституциявий ва маъмурий қонунчилик қоидалари, суд тузилишига ва бошқа давлат органларига оид қонунчилик қоидаларига тенглаштиради<sup>8</sup>. Бу назария Г.Кельзен томонидан концепция сифатида мантиқан яқунланган.

Г.Кельзен фикрича давлат суверенитети ижтимоий муносабатлар халқаро ҳуқуқ билан тартибга солгунга қадар тан олинади. “Халқаро ҳуқуқий тартибот ҳар қандай миллий тартиботдан устун туради, миллий ҳуқуқий тартиботнинг мавжудлиги

ва унинг асослари халқаро ҳуқуқий тартибот негизида қарор топади”<sup>9</sup>. Келтирилган иқтибос, гўёки давом этиб келаётган амалиётга дастурамал бўлиб хизмат қилаётгандек, ХХ аср ўрталари ва охириги йилларда қатор давлатлар ва уларнинг ҳукуматларига халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланиб легитимлик бериш мақсадида уларни тан олиш амалиёти кучайиб борди. “Суверенитет”-устувор саналган халқаро ҳуқуқ томонидан тан олингандагина реал мавжуд бўлади, яъни халқаро ҳуқуқ бор экан, “суверенитет” бор.

Халқаро ҳуқуқ алоҳида давлатларнинг ҳуқуқ тизими негизида шаклланса, халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқдан нега устувор бўлиши лозим? Бу саволни ўртага ташлаган Г.Кельзен<sup>10</sup> қўйидагича жавоб беради — “халқаро ҳуқуқ тегишли давлат томонидан ўзига нисбатан тадбиқ этилиши учун тан олиниши керак” — дейди. Халқаро ҳуқуқ илдизи давлат ҳуқуқига бориб тақалиши, унинг суверенитетига алоқадорлигини кўрсатади ва халқаро ҳуқуқнинг тақдири миллий давлат ҳуқуқи билан боғлиқлигини таъкидлайди. Давлат суверенитети хис қилиб бўлмайдиган категория, яъни реал предмет эмас. Уни биз қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни амалга ошириш жараёнида кўришимиз мумкин. Суверенитет бирор бир куч (ҳокимият) таъсири остида бўлмайди.

Давлат — дейди Кельзен<sup>11</sup> — суверенитетга эга бўлган ташкилот бўлиши мумкинми? Бунга суверенитетнинг табиатини тадқиқ этиб, жавоб олиш мушкул, чунки “суверенитет” ҳақиқий ҳокимият кучига эга эмас. Дунёда шундай давлатлар борки, уларнинг иқтисодий, сиёсий ва ресурс салоҳияти бир биридан катта фарқ қилади, лекин суверен жиҳатдан тенг ҳисобланади. Давлат суверенитети нисбий тушунча бўлиб, халқаро ҳуқуққа ўз таъсирини ўткази оладиган миллий давлат ҳуқуқининг кучи билан ифодаланади. Шунда миллий давлат халқаро ҳуқуқни тан олади ва халқаро ҳуқуқ давлат учун устувор бўлади.

Г.Кельзен қарашларида халқаро ҳуқуқнинг муҳимлиги таъкидлансада, унинг миллий ҳуқуқ тизимига нисбатан мутлақ устуворлигини ўрнатишдан йироқ фикрларни илгари сурган. У ҳуқуқнинг моҳиятига анъанавий позитивистик ёндашиб, халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуққа нисбатан устуворлик қилиш нуқтаи назаридан эмас, балки уни миллий ҳуқуққа муқобил ҳуқуқ тизими сифатида эътироф этади. “Халқаро ҳуқуқда миллий ҳуқуқни ўрнини босадиган барча элементлар мавжуд деб баҳо беради”<sup>12</sup>.

Ҳозирги кунда Фарб ҳуқуқий маконида Г.Кельзеннинг қарашлари устувор мавқега эга бўлиб, ҳуқуқни фарбча тушуниш (*western understanding right*) рационалистик усулда давлат суверенитетининг кадр-қимматини халқаро майдонда камайиб бораётганига, уни трансформациялашга бўлган ҳаракатлар кучаётганлигига сабаб бўлмоқда. Шу

аснода “суверенитет” локал ҳуқуқий тартиботларни легитимлаштираётган халқаро ҳуқуқ воситасида миллий давлатлардан бегоналаштирилиб, халқаро маконга олиб чиқилмоқда.

Бизни фикримизча, замонавий давлат тушунчасини либертар-юримдик тушуниш давлат суверенитетини замонавий таҳдидлар ва турли хил назарий уйдирма ғоялардан химоялаш учун қулай ҳуқуқий замин яратади. Ҳуқуқшунос Р.Р.Ҳакимов ҳам, давлат ҳокимияти ўз моҳиятига кўра, ҳуқуқий ҳодиса эканлиги ва бугунги кунда давлат ҳокимиятини либертар-юримдик тушуниш ва таърифлаш демократик жамият мақсадларига тўла мувофиқ келишини таъкидлайди<sup>13</sup>.

Ўзбекистон Республикаси олиб бораётган давлат сиёсати, амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни бўйича давлатимиз моҳияти либертар-юримдик назария қарашларига мос келади. Бинобарин, давлат халқнинг, ўз фуқароларининг иродасини ифода этади ва фақат суверен давлатгина фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ва ҳар томонлама таъминлаши мумкин. Ўзбекистон Конституциясида эълон қилинган “суверен демократик республика” деган иборанинг асосида халқнинг тўла ҳокимлиги принципи ётади.

Психологик концепциянинг моҳияти, кишиларнинг уюшган жамоада яшашига психологик эҳтиёж, шунингдек, жамоавий ўзаро таъсир ҳисси мавжуд деган фикрдан иборат. Унинг тарафдорлари жамият ва давлатни кишилар ва уларнинг турли хил уюшмаларининг ақлий ўзаро таъсирларининг йиғиндиси сифатида белгилайдилар. Жамиятнинг маълум бир ташкилотга бўлган табиий эҳтиёжи ҳақида гапирганда, психологик назария вакиллари, жамият ва давлат, айнан мана шу инсоннинг психологик ривожланишининг натижасидир, деб ҳисоблашади. Инсон руҳияти, унинг ҳиссиётлари нафақат инсонни ўзгарувчан шароитларга мослаштиришда, балки давлат ва ҳуқуқни шакллантиришда ҳам муҳим рол ўйнайди. Назариянинг етакчи тарафдорлари Г.Тард, Л.И.Петражицкий, М.М.Коркуновлар ҳисобланишади.

Француз психолог ва криминологи Г.Тард «жаҳон бўйича кишиларда умумий овоз бериш имконияти ва парламентарийларнинг салоҳияти фақат матбуотнинг узлуксиз ва доимий фаолияти (*sine qua non*), юқори даражадаги демократия шартлари туфайли дунё юзини кўрди, мен Юнонистон шаҳри ёки Швейцария кантонидаги кичик чекланган демократия ҳақида гапирмаяпман. Мен ҳозиргина қайд этган тафовутлар, матбуот пайдо бўлгунга қадар парламентлар даъво қилишни хаёлига ҳам келтирмаган парламент суверенитети, матбуотда вужудга келган — суверенитет билан ҳам изоҳланади. Улар эндиликда қирол билан тенглаша оладилар, миллий онгни ўзида сингдирган ҳолда, улар умумий фикр ва умумий иродага урғу беришмоқда, уларни ифода этишмоқ-

да, ва қарорлар қабул қилишмоқда, монарх ўзини омманинг ягона ёки энг мукамал кишиси деб аташга қодир эмас» — дейди<sup>14</sup>.

Г.Тарднинг фикрларини хулоса қилиб айтадиган бўлсак, у давлат ва жамият ишларини бошқаришда «одамлар тўдаси» ва «омма»ни бир биридан фарқлаб тўдани оммага айлантиришда ахборот (Тард ўз даврида матбуот ва радио кенг тарқалган эди)нинг муҳим аҳамиятга эгаллигини, жамиятда кишилар онгини жипслашуви ва улар томонидан миллий туйғуларни англаниши, уларда кучли психологик ўзгаришлар ва мотивацияни ҳосил қилади. Бу мотивлар жамиятда вакиллик ҳокимияти ва халқ ҳокимиятини узил кесил ўрнатилишига сабаб бўлади. Давлатда суверен ҳокимият эгаси классик шароитлардаги монарх эмас, эндиликда суверенликни омманинг ўзи талаб эта бошлайди. Бу назария орқали биз ҳозирги кундаги давлат суверенитети билан бирга халқ ва миллат суверенитетини мавжуд бўлишига асос топган бўламиз. Шу билан бирга Г.Тарднинг фикрлари замонавий давлатчиликда мамлакатнинг ахборот макони ҳам суверен мақомга эгаллигини, ахборот орқали давлат ҳокимияти асоси бўлган халқ психологиясига таъсир ўтказиш мумкинлигини ҳамда суверенитетга дахл қилиш имконияти мавжудлигини исботлайди. Бундан давлатнинг ахборот ва виртуал макони ҳам суверенитетга эгаллигини яна бир бор пайқаш мумкин.

Психологик назария тарафдорларидан яна бири россиялик психолог, ҳуқуқшунос Н.М.Коркунов субъектив идеализм нуқтаи назаридан у ҳам ҳуқуқ, ҳам давлат ҳокимияти тўғрисида психологик изоҳ беришга ҳаракат қилди. Н.М.Коркуновнинг фикрича ҳокимиятнинг асосини ҳукмронлик қилувчининг иродасидан қатъи назар (жамият ҳар бир буюрилган ҳаракатни ва ахлоққа мос бўйсинувчи бажариш зарурлигини англайди) бўйсинувчининг онгидан излаш лозим<sup>15</sup>. «Ҳукмронлик онгни фаол ҳисобланган ҳукмронлик қилувчи томонда эмас, пассив фаолият олиб борувчи бўйсинувчи томонда бўлишни назарда тутайди. Инсон тушунадиган ҳамма нарса унга боғлиқ бўлади ва уни бошқаради, бу ерда унинг иродаси бор ёки йўқлиги муҳим эмас»<sup>16</sup>.

Ҳокимият ҳукмронлик қилувчининг иродасига таянмайди, балки бўйсинувчининг онгига боғлиқ. Бунда ҳокимият учун оннинг ўзи эмас, унинг бўйсинувга мойил ҳолати талаб этилади. Н.М.Коркунов хулоса қилиб — давлат ўз иродасини номоён этиши шарт эмас, давлат ҳокимияти давлатга алоқадор бўлган фуқароларнинг онгидан келиб чиқадиган кучдир — дейди. У давлатни ва сиёсий муносабатларни объектив хусусият касб этишини инкор этади. Шунинг учун ҳуқуқнинг манбаи сифатида давлат ва давлат аппарати эмас, ҳукмронлик остида турган фуқароларнинг онги билан тавсифланадиган жамиятни эътироф этади. “Шу-

нинг учун давлат ҳокимиятини ўзида ифодаловчи субъект давлат ҳокимияти органлари эмас, бутун бир давлат ва барча фуқаролар ҳисобланади. Улар ўзларининг давлатга боғлиқликларини англаши, давлатни бирлаштирадиган кучни яратади. Давлат органларининг моҳияти шу кучни сақловчи ва тақсимловчидир. Давлатнинг бирлиги бу органларнинг хоҳиш-иродасининг бирлигида эмас, балки уларнинг барчасини бошқарадиган кучнинг бирлигида<sup>17</sup>. Н.М.Коркуновни фикрларини “суверенитет” билан боғлайдиган бўлсак, давлат ҳокимиятининг суверенлиги

ягона давлатга бирлашган фуқароларни ўзини ураб турган давлатни мустақиллигини, олий ҳокимият эгаси эканлигини англаши билан боғлиқ. Давлат сифатида шаклланган оммавий-сиёсий ташкилот ўзини давлат сифатида эълон қилиши ва тан олинисини талаб қилиши шарт эмас. Бундай давлатда суверенитет тарихан шаклланган онг орқали вужудга келган ҳисобланади.

Л.И.Петражицкий давлатнинг психологик назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Унинг фикрига кўра, давлат ҳокимияти “иродага ҳам ва кучга ҳам асосланмайди, у реал воқелик

эмас, балки бу эмоционал (ҳиссий) проекция, эмоционал фантазма, айнан мана шу машҳур кишилар томонидан илгари сурилган ҳуқуқларнинг мазмунини англатади<sup>18</sup>. Давлат — Петражицкий фикрича<sup>19</sup> — ҳуқуқ учун хизмат қиладиган функцияни бажаради. Давлат ҳокимияти ҳуқуқий иерархиянинг энг юқорисида турувчи муносабатлар ва ҳиссий кечинмаларга асосланади.

Л.И.Петражицкийнинг давлат ҳокимиятига оид ғояларидан келиб чиқиб, давлат ҳокимиятининг суверенлигини объектив воқеликка эмас, балки субъектив ҳуқуққа боғлашини пайқаш мумкин.

Юқорида кўриб чиқилган концепциялардан шуни хулоса қилиш мумкинки, суверенитетни тушуниш турли мактаблар ва назарияларда ўзининг мустақил методологияси ва ёндашувларига асосланади. Бизнинг фикримизча “суверенитет” мазмуни ягона қараш ва тушунчага эга эмас. Шунинг учун, суверенитет — бу худудий яхлитлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқаришни таъминловчи давлат ва ҳокимиятнинг лаёқати билан ифодаланувчи сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар, нормалар ва омиллар тизимидир деган фикр билан умумий нуқтаи назарга эга бўлишимиз мумкин холос.



<sup>1</sup> Маритен Ж. Человек и государство / пер. с англ. Т. Лифинцевой. М., 2000. С. 35.

<sup>2</sup> Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016. – Б. 47-48. (260 бет).

<sup>3</sup> Нерсесянц В.С. Философия права. М., 2006. - С. 640.

<sup>4</sup> Шершеневич, Г. Ф. Общая теория права / Г. Ф. Шершеневич. – М., 1910. – 326 с.

<sup>5</sup> Austin J. Lectures on jurisprudence. New York. 1875. p 555.

<sup>6</sup> Gumpłowicz L. Das allgemeine Staatsrecht, 1877.

<sup>7</sup> Lapidoth R. Redefining Authority: The Past, Present, and Future of Sovereignty / R. Lapidoth // Harvard International Review. – 1995. – Vol. 17, № 3 (Summer). – P. 8–71.

<sup>8</sup> Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016. – Б. 47-50. (260 бет).

<sup>9</sup> Кельзен, Г. Проблема суверенитета // российский ежегодник теории права. – № 2. – 2009. С. 453

<sup>10</sup> Кельзен, Г. Чистоеучениеоправе.2-еизд/пер.снем.М.В.АнтоноваиС.В.Лёзова.—СПб.:ОООИздательскийДом«Алеф-Пресс»,2015.—С. 405.

<sup>11</sup> Кельзен, Г. Чистоеучениеоправе.2-еизд/пер.снем.М.В.АнтоноваиС.В.Лёзова.—СПб.:ОООИздательскийДом«Алеф-Пресс»,2015.—С. 406.

<sup>12</sup> Кельзен, Г. Проблема суверенитета / Г. Кельзен // российский ежегодник теории права. – № 2. – 2009. С. 450

<sup>13</sup> Хакимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш: юрид.фан.док. ...диссертацияси.- Т., 2018. – Б.38.

<sup>14</sup> Г. Тард. «Общественное мнение и толпа», изд-во Т-ва типографии А. И. Мамонтова, М., 1902 г., с приведением текста к нормам современного русского языка.

<sup>15</sup> Коркунов Н.М. Лекции по общей теории права. Авт. предисл. И.Ю. Козлихин. М.: Юрид. центр Пресс, 2003. 430 с. (Теория и история государства и права).

<sup>16</sup> Коркунов Н.М. Лекции по общей теории права. Авт. предисл. И.Ю. Козлихин. М.: Юрид. центр Пресс, 2003. 430 с. (Теория и история государства и права).

<sup>17</sup> Коркунов Н.М. Указ и закон: Исследование. СПб.: Типография М.М. Стасюлевича, 1894. 408 с

<sup>18</sup> Петражицкий Л. И. Теория права и государства в связи с теорией нравственности. 2-е изд. Т. 1—2. СПб.: Т-во «Екатерингофское Печатное Дело», 1909—1910. С. 85-100, 198-207.

<sup>19</sup> Петражицкий Л. И. Теория права и государства в связи с теорией нравственности. 2-е изд. Т. 1—2. СПб.: Т-во «Екатерингофское Печатное Дело», 1909—1910. С. 85-100, 198-207.

Рамазанова Фариза Абдирашидовна,  
ведущий научный сотрудник Института  
стратегических и межрегиональных исследований при  
Президенте Республики Узбекистан

## ПОЛИТИКО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СИСТЕМЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ЭКСТРЕМИЗМУ И ТЕРРОРИЗМУ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ ОПЫТ СТРАН СНГ

◆ В статье освещены вопросы совершенствования уголовно-правового регулирования и проблемы криминализации экстремизма и терроризма. Также, изучены классификация преступлений по обвинениям за религиозный экстремизм и терроризм, мера ответственности субъектов преступлений.

◆ Мақолада жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва экстремизм ва терроризмни криминаллаштириш муаммолари ёритилган. Шунингдек, диний экстремизм ва терроризм айбловлари бўйича жиноятларнинг таснифи ва жиноят субъектларининг жавобгарлик даражаси ўрганилган.

◆ The article highlights the issues of improving the criminal law regulation and the problems of the criminalization of extremism and terrorism. As well as the classification of crimes on charges of religious extremism and terrorism and the measure of responsibility of their subjects.

**Ключевые слова:** экстремизм, экстремистская деятельность, терроризм, криминализация.

**Таянч сўзлар:** экстремизм, экстремистик фаолият, терроризм, криминализация.

**Key words:** extremism, extremist activity, terrorism, criminalization.

Экстремизм — это одно из наиболее опасных явлений безопасности мирового сообщества, представляющий угрозу для всего общества, как совершаемыми преступлениями, так и разрушением общепризнанных норм морали, права и человеческих ценностей, представляющий собой некий своеобразный способ разрешения социальных противоречий, сложившихся в тех или иных областях общественной жизни.

Борьба с экстремизмом, приобретающим транснациональный характер, становится глобальной международной проблемой и требует координации усилий различных государств. Это относится к совершенствованию нормативно-правовой базы по законодательному регулированию противодействия и пресечения возбуждения национальной и религиозной вражды, выработке эффективных правовых механизмов профилактики различных видов экстремизма, планированию и осуществлению антитеррористических предупредительных, оперативно-розыскных, политических, экономических и иных мероприятий.

Понятие «экстремизм» является более широким и «терроризм» считается составляющей частью данного явления. Он может проявляться в различных формах. Отныне, религиозно-мотиви-

рованный, религиозно-политический, насильственный экстремизм, терроризм, сепаратизм, фундаментализм, радикализм должен быть в центре политики в борьбе с данным явлением. Различные проявления экстремизма, множество отличий в каждом конкретном случае вызывают споры среди юристов о принципиальной возможности правовой оценки этого явления<sup>1</sup>. Одни ученые отождествляют экстремизм с терроризмом и насилием<sup>2</sup>, другие считают его способом радикального отрицания общественных норм, основанном на приверженности крайним взглядам и действиям<sup>3</sup>, третьи трактуют его как приверженность крайним взглядам и мерам, четвертые считают экстремизм противоправной деятельностью, причиняющей или могущей причинить существенный вред основам конституционного строя или конституционным основам межличностных отношений<sup>4</sup>. «Экстремизм» как обобщающий термин был введен в активный оборот современной политики не так давно, только во второй половине XX в. Согласно определению, данному ПАСЕ (Парламентская Ассамблея Совета Европы) в 2003 г., «экстремизм» — это такая форма политической деятельности, которая прямо или косвенно отвергает принципы парламентской демократии. экстре-

мизм — это политическая практика, в основе которой лежат радикальные идеи, отрицающие идейно-институциональные основы данного общественно-политического устройства и призывающие к немедленному насильственному изменению легитимного конституционного строя. Следует уточнить, что понятие экстремизма — искусственное понятие современности, рожденное столкновением государств с новым комплексом вызовов морально-политического плана. При этом государство еще не знает, как адекватно отреагировать на эти вызовы своей легитимности, начиная смешивать разные явления как «экстремизм», «терроризм», «радикализм» и др. Субъектами экстремистской деятельности обыкновенно выступают те политические деятели, которые не способны в силу разных причин добиваться своих целей легальными средствами. В силу этого экстремисты широко используют практику политического шантажа действующей власти и общества в целом, направленную на дестабилизацию основ политического режима. Основным объективным критерием отнесения к области экстремизма является переход к политической практике, в которой реализуются те или иные политические идеи. Экстремизм законодательно и объективно можно «зафиксировать» только тогда, когда крайние формы политического мышления переходят в «экстремизм действия» — гражданскую войну, нелегитимное насилие, геноцид, этноцид, нарушение прав и свобод человека, закрепленных в конституциях современных государств и нормах международного права, ну и, разумеется, террор. Поэтому политический радикализм становится экстремизмом только тогда, когда переходит от слов к действию.

Несмотря на отсутствие утвержденного определения экстремизму в международном праве, термин используется в нескольких резолюциях Генеральной Ассамблеи ООН и Совета Безопасности ООН, таких как Резолюция ГА ООН 68/127 Мир против насилия и насильственного экстремизма (от 18.12.2013 г.), Резолюция СБ ООН 2178 (от 24.09.2014 г.). В частности, Совет Европы принял Дополнительный протокол к Европейской конвенции о предотвращении терроризма в целях противодействия иностранным боевикам-террористам, а также План действий по борьбе с насильственным экстремизмом и радикализацией, приводящими к терроризму (от 22.10.2015 г.)

В целом, экстремизм - это форма радикального отрицания существующих общепризнанных общественных норм и правил в государстве со стороны отдельных лиц или групп.

В разных странах и в разные времена было дано много разных юридических и научных определений понятию «экстремизм», единого определения понятия «экстремизм» в мире, на сегодняш-

ний день не существует.

Религиозный экстремизм и терроризм для Узбекистана относительно новое явление в социальном, политическом и юридическом планах. Тем не менее, в местных реалиях оно уже успело стать глубоко структурированным, многослойным и сложным явлением, повлекшим за собой разные виды нарушения законов.

Несмотря на обилие угроз экстремистского характера в нашей стране, 30 июля 2018 г. принят Закон Республики Узбекистан «О противодействии экстремизму»<sup>5</sup> № ЗРУ-489. Так, в соответствии со статьей 3 указанного Закона, **экстремизм** — это выражение крайних форм действий, направленных на дестабилизацию общественно-политической обстановки, насильственное изменение конституционного строя Республики Узбекистан, насильственный захват власти и присвоение ее полномочий, возбуждение национальной, расовой, этнической или религиозной вражды. В данном Законе **«осуществление террористической деятельности»** включено в ст.3 как составная часть экстремистской деятельности. Однако по природе, данные общественно опасные явления считаются разного вида преступлениями.

Анализируя законодательство стран СНГ, можно увидеть, что Кыргызская Республика<sup>6</sup> и Республика Казахстан<sup>7</sup> приняли аналогичный закон в 2005 году, Республика Таджикистан<sup>8</sup> в 2003 году, в Российской Федерации экстремизм регулируется Федеральным Законом Российской Федерации «О противодействии экстремистской деятельности»<sup>9</sup> от 25 июля 2002 г. № 114-ФЗ. При этом, законодательство каждого государства интерпретирует экстремизм по-разному. Российская Федерация расценивает экстремизмом действия, такие как насильственное изменение основ конституционного строя и нарушение целостности Российской Федерации; публичное оправдание терроризма и иная террористическая деятельность; возбуждение социальной, расовой, национальной или религиозной розни; пропаганда исключительности, превосходства либо неполноценности человека по признаку его социальной, расовой, национальной, религиозной или языковой принадлежности или отношения к религии; совершение преступлений по мотивам, указанным в пункте «е» части первой статьи 63 Уголовного кодекса Российской Федерации; пропаганда и публичное демонстрирование нацистской атрибутики или символики либо атрибутики или символики, сходных с нацистской атрибутикой или символикой до степени смешения, либо публичное демонстрирование атрибутики или символики экстремистских организаций и др.<sup>10</sup>

Шанхайская Конвенция о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом<sup>11</sup> от 15 июня 2001 г., ратифицированная Постановлением ОМ

Республики Узбекистан «О ратификации Шанхайской Конвенции о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом» от 30 августа 2001 г. № 274-II толкует экстремизм как какое-либо деяние, направленное на насильственный захват власти или насильственное удержание власти, а также на насильственное изменение конституционного строя государства, а равно насильственное посягательство на общественную безопасность, в том числе организация в вышеуказанных целях незаконных вооруженных формирований или участие в них, и преследуемые в уголовном порядке в соответствии с национальным законодательством Сторон.

Подводя итоги, можем сказать, что, хотя каждое государство интерпретирует экстремизм на свой лад, сущность и признаки экстремизма в любом государстве одни и те же. Экстремизм представляет собой особую опасность и проявляется в разные исторические времена в разных государствах и при любых условиях, даже внешне вроде бы весьма благоприятных. На сегодняшний день, самым важным аспектом считается, что в Уголовном Кодексе Республики Узбекистан (от 1994 г.) не предусмотрены четкие разграни-

чения определения терминов, между «терроризмом» (статья 155) и «религиозным экстремизмом». По природе, данные виды преступлений считаются разными, однако в действующем законодательстве ответственность за них и виды наказания являются одинаковыми.

Вместе с тем, современный экстремизм представляет серьезный вызов для современных государств, так как его негативное влияние затрагивает прежде всего молодежь. Рост насилия и преступлений в последние годы, совершенных в разных странах на почве экстремистских взглядов, показывает, что политика национальных государств по профилактике экстремизма и средства борьбы с ним недостаточны или устарели. Необходимы более эффективные механизмы и новые подходы к решению данной проблемы.

Как показывает практика, противодействие экстремизму и терроризму и борьба с ним, основываясь на широкой и комплексной системе программ по изучению, прогнозированию, предотвращению, сдерживанию и пресечению террористических действий, требует комплексных усилий дипломатических, военных, разведывательных и правоохранительных органов.



<sup>1</sup> Сергун Е. П. Понятие экстремизма, его соотношение с экстремистской деятельности. Исламский экстремизм // 35 лет Российской правовой академии Министерства юстиции Российской Федерации и ее роль в развитии юридического образования : материалы Международ. науч.-практ. конф. (Москва, 13 октября 2005 г.) : сб. в 2-х т. Т. 2. С. 232.

<sup>2</sup> Коршунова О. Н. Преступления экстремистского характера: теория и практика противодействия. СПб. 2006. С. 151–153.

<sup>3</sup> Хлебушкин А. Г. Экстремизм: уголовно-правовой и уголовно-политический анализ: монография. Саратов, 2007. С. 34.

<sup>4</sup> Хлебушкин А. Г. Преступный экстремизм: понятие, виды, проблемы криминализации и пенализации. С. 4.

<sup>5</sup> Закон Республики Узбекистан «О противодействии экстремизму» № ЗРУ-489 принят 30 июля 2018 г.

<sup>6</sup> Закон Кыргызской Республики «О противодействии экстремистской деятельности» от 17 августа 2005 года № 150.

<sup>7</sup> Закон Республики Казахстан «О противодействии экстремизму» от 18 февраля 2005 г. № 31

<sup>8</sup> Закон Республики Таджикистан «О борьбе с экстремизмом» от 8 декабря 2003 г. № 69.

<sup>9</sup> Федеральный Закон Российской Федерации «О противодействии экстремистской деятельности» от 25 июля 2002 г. № 114-ФЗ.

<sup>10</sup> Федеральный Закон Российской Федерации «О противодействии экстремистской деятельности» от 25 июля 2002 г. № 114-ФЗ.

<sup>11</sup> Шанхайская Конвенция о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом<sup>12</sup> от 15 июня 2001 г.

Чутбаев Мухамадилло Рахматуллаевич,  
Узбекистон Республикаси ИИБ  
Академияси марказ бошлиғи, доцент

## ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ ВА АСОСЛИЛИГИ

- ◆ Мақолада Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг қонунийлиги ва асослиги таҳлил қилинган.
- ◆ В статье анализируется законность и обоснованность процессуального принуждения, предусмотренного в Уголовно-процессуальном кодексе.
- ◆ The article analyzes the legality and validity of the procedural coercion provided for in the Code of Criminal Procedure.

**Таянч сўзлар:** жиноят процесси, суриштирув, дастлабки тергов, процессуал мажбурлов чоралари, ушлаб туриш, эҳтиёт чоралари.

**Ключевые слова:** уголовный процесс, дознание, предварительное следствие, меры процессуального принуждения, задержание, меры пресечения.

**Key words:** criminal procedure, inquiries, preliminary investigation, measures of procedural coercion, detention, preventive measures.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги қонидаси, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий қадрият эканлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлари, одил судлов тамойиллари, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши, айбсизлик презумпцияси каби қатор нормалар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъкидлашича «Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад — инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, яъни жамият ва давлатда шахсий эркинлик чегараларини белгилаш — инсон ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муҳим жиҳатларидандир. Мамлакатимизда мазкур муносабатлар Жиноят-процессуал кодекси (кейинги матнларда ЖПК) билан тартибга солинади.

Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш асослари ва чегаралари қоидаларидан бири

ЖПКнинг 214-моддасида белгиланган. Унга кўра, процессуал мажбурлов чоралари фақат асослар мавжуд бўлганда ва қонунда белгиланган тартибда қўлланилиши мумкин. ЖПКда бошқача асослар назарда тутилмаган бўлса, процессуал мажбурлов фақат қўзғатилган жиноят иши бўйича ва суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорида ёки суднинг ажримда кўрсатилган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Жиноят процессида қўлланилиши мумкин бўлган процессуал мажбурлов чораларини ушбу модда талаблари асосида таҳлил қилиниши қуйидагиларни намоён қилди:

— ушлаб туришни қўллаш асослари ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган. Мазкур процессуал мажбурлов чораси жиноят ишини қўзғатишдан олдин ва жиноят иши қўзғатилгандан кейин ҳам қўлланилиши мумкин;

— жиноят ишини қўзғатишдан олдин терговга қадар текширувни, суриштирувни ёки дастлабки терговни амалга оширувчи органнинг ходими, шунингдек муомалага лаёқатли ҳар қандай шахс ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят содир этишда

гумон қилинган шахсни ушлаш ва яқин орадаги ички ишлар органига ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб келишга ҳақлидир.

Унда гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини билдиришлари ва ундан яқин орадаги ички ишлар органига ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга бирга боришини талаб қилиши шарт.

Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга «Миранда қоидаси»ни, яъни адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиши ёки хабар бериши, ҳимоячига эга бўлиши, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шарт.

Бунда ваколатли шахс ўзини таништириши ва ушланаётган шахснинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт.

Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув қилишга ва олиб қўйиш процессуал ҳаракатини ўтказишга ҳақли. Шахсий тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилганидан сўнг ҳолислар ҳузурда тузилиши мумкин.

Ваколатли шахслар ва фуқаролар қонунга хилоф ёки асоссиз ушлаб турганлик ёхуд ушлаш вақтида ваколатлари доирасидан четга чиққанлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Шу ўринда муаммо сифатида, муомалага лаёқатли ҳар қандай шахс жиноят ишини кўзғатгунга қадар ушлаб туришнинг процессуал тартиб-қоидаларини билмаслиги, ушлаб турилиши лозим бўлган шахснинг ҳуқуқларини таъминланиши каби процессуал шаклларга риоя қилинишини билмаслигини келтириб ўтиш мумкин.

Шу сабабли, амалдаги процессуал қонунчилигида назарда тутилган муомалага лаёқатли шахсларга жиноят ишини кўзғатишдан олдин ушлаб туришни амалга ошириш ҳуқуқини Россия Федерацияси ЖПКда тартибга солинган жиноят ишини кўзғатгунга қадар жиноят содир қилишда гумон қилинаётган шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олиб бориш (етказиш) ҳуқуқини акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг фикримизга кўра, ушбу тартибни процессуал қонунчилигида ҳам акс эттириш, ушлаб туриш қўлланиладиган шахс ва ушлаб туришни амалга ошириш ваколатига эга муомалага лаёқатли шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазасига хизмат қилади.

ЖПКнинг 227-моддасига асосан жиноят иши кўзғатилганидан кейин ушлаб туриш фақатгина суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Қонунчиликда тушунарсиз ҳолат сифатида қарорнинг номини «Ушлаб туриш, гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги» тарзида келтирилганлигидир. ЖПКнинг 44-боби бевосита шахсни гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишни тартибга солади. Шу сабабли, ЖПКнинг 227-моддасида фақат ушлаб туриш тўғрисидаги қарорни чиқарилишини тартибга солиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушлаб туришни расмийлаштириш учун баённома тузилади. Ушлаб туриш қўлланилганда 12 соат ичида прокурорга ёзма хабар қилиниши тартиби белгиланган. Бироқ ЖПКнинг 217-моддаси талаблари асосида ушланган шахснинг яқин қариндошларига, иш ва ўқиш жойига ва бошқаларга хабар бериш механизми ЖПКнинг 225-моддасида тартибга солинмаган.

Амалиёт таҳлиliga кўра, ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, телефон орқали хабар берилганлигини ўзида акс эттирувчи баённома ушлаб турилганни вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштириш учун навбатчилик қисмидаги вақтинча ушлаш жойларига жойлаштириш вақтида расмийлаштирилади.

Ушлаб туриш муддати ушланган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига келтирилган пайтдан бошлаб 48 соатни ташкил қилади. ЖПКнинг 226-моддаси биринчи қисмида терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан кўшимча равишда 48 соатга узайтирилиши мумкинлиги баён этилган. Бироқ, ЖПКда бунинг механизми тартибга солинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4850-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда суриштирувчи, терговчи айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли асослар тўплаш учун вақт етарли бўлмаган ҳолларда прокурорнинг розилиги билан ушлаб туриш муддатини кўшимча 48 соатга узайтириш ҳақида илтимоснома кўзғатиш тўғрисида қарор чиқариши ва судга мурожаат қилиши механизминини жорий қилиш, ўз навбатида суднинг қамоққа олиш ёки уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорни кўриб чиқиш жараёнида ушлаб туриш муддатини узайтириш ваколатини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кейинги процессуал мажбурият чоралари эҳти-

ёт чоралари ҳисобланади. Эҳтиёт чораларини қўллаш асослари ЖПКнинг 236-моддасида назарда тутилган. Бироқ унинг таҳлилига кўра фақатгина қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашни қўшимча асоси сифатида унинг оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги туфайли у суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган ўринли тахмин келтирилган.

Қамоққа олиш эҳтиёт чораси Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади. ЖПКнинг 242-моддаси иккинчи қисмида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашнинг алоҳида ҳоллари назарда тутилган.

Уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилади.

Қамоққа олиш ёки уй қамоғи эҳтиёт чораси танланганда прокурор, шунингдек прокурор розилиги билан суриштирувчи ёки терговчи қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарорни чиқариб судга мурожаат қилиши лозим. Суд ёпиқ суд мажлисида ушбу қарор бўйича тарафлар иштирокида ушбу масалани кўриб чиқади ва тегишли қарорлардан бири бўйича ажрим чиқаради.

Уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорда ЖПКнинг 242<sup>1</sup>-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган чекловлардан қайси бирини қўллаш лозимлиги қарорда асослантирилиши лозим.

ЖПКнинг 242<sup>1</sup>-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган «жамиятдан тўлиқ ёки қисман ажратиш» жумласи ёритиб берилиши лозим. Бизнингча, ЖПКнинг 242<sup>1</sup>-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган чекловларнинг барчаси қўлланилса шахс жамиятдан тўлиқ ажратилган, ўз навбатида 4 та чекловдан айримлари қўлланилса қисман ажратилган ҳисобланади.

Қамоққа олиш ва уй қамоғи эҳтиёт чораларининг муддатини узайтиришни тартибга солувчи ЖПКнинг 247-моддаси талабларига муддатни узайтириш ҳақида прокурорнинг розилиги олинган терговчининг ёки прокурорнинг қарорига асосан суд томонидан кўриб чиқилиб узайтирилиши мумкинлиги механизмини киритиш мақсадга мувофиқ. Сабаби иш юритувни бевосита амалга оширувчи терговчи мазкур нормада акс эттирил-

маган.

Шу ўринда, ЖПКнинг 236, 237, 238, 239, 240, 241, 244, 246 ва 248-моддаларида эҳтиёт чораларини қўллашнинг умумий қоидалари назарда тутилганлиги сабабли ЖПКнинг 27-бобига ўтказиш ва ўз навбатида 27-бобни процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг умумий шартлари деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Гаров эҳтиёт чораси терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан қўлланилади. Гаровни қабул қилиш жараёни баённома орқали расмийлаштирилади.

Бизнинг фикримизча, гаровга қўйилган пул ёки қимматбаҳо нарса дастлабки тергов ёки суднинг депозит ҳисобварағига топширилиши гаровга кўювчининг ушбу қимматликлардан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини вақтинча чеклайди. Шу муносабат билан, амалиётда мавжуд бўлган кўчмас мулк, автомашина ёки бошқа нарсаларни гаров эҳтиёт чораси предмети сифатида қабул қилиниши ва уларнинг эгаларига қайтариб берилиши тартиби нотўғри ҳисобланади.

Гаров эҳтиёт чораси талаблари бузилган тақдирда гаров суммаси давлат ҳисобига ўтказилади ва айбланувчи, судланувчига нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси (қамоққа олиш ёки уй қамоғи) қўлланилади.

Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор, судда эса ажрим чиқарилади ва тилхат олиниб расмийлаштирилади.

Эҳтиёт чораси талаблари бузилган тақдирда яширинган бўлса қидирув эълон қилинади ва унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси (қамоқ ёки уй қамоғи) қўлланилади.

Шахсий кафиллик эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор чиқарилади. Шартлар ва кафилларнинг жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилади ва кафилликка бериш баённомаси тузилади ҳамда кафиллардан тилхат олинади. Суд ажрим чиқаради ва кафилликка бериш тўғрисида суд мажлиси баённомаси расмийлаштирилади.

Кафиллар сони терговчи, прокурор ёки суд томонидан белгиланади. Алоҳида ҳолларда юксак ишончга сазовор бўлган битта шахс ҳам кафил бўлиши мумкинлиги белгиланган, бироқ юксак ишончга сазовор бўлган шахс таърифи тартибга солинмаган.

Эҳтиёт чораси талаблари бузилган тақдирда яширинган бўлса қидирув эълон қилинади ва унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси (қамоқ ёки уй қамоғи) қўлланилади. Кафилларга нисбатан МЖТКнинг 208-моддаси талаблари асосида жавобгарлик келиб чиқади.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор, судда эса ажрим чиқарилади. Жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилига ушбу эҳтиёт чораси қўллани-

лишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига эса, башарти хулқ-атвори номуносиб бўлса, эҳтиёт чораси жиддийроғи билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилгани тўғрисида баённома тузилади. Судда суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши тартибга солинмаган.

Эҳтиёт чораси талаблари бузилган тақдирда, агар шахс яширинган бўлса қидирув эълон қилинади ва унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси (қамок ёки уй қамоғи) қўлланилади. Кафил бўлган жамоат бирлашмаси ёки жамоа жавобгарлиги тартибга солинмаган.

Вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор, судда эса ажрим чиқарилади. Эҳтиёт чораси қаровга олувчи ва қаровга топширилувчининг розилиги билангина қўлланилади. Терговчи, прокурор, суд қаровга топширишдан олдин қаровга олувчининг шахси, уларнинг вояга етмаган шахс билан ўзаро муносабати ҳақида маълумот тўплаши ва улар ўсмирни қаров остига олишни лозим даражада амалга оширишга қодир эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ота-оналар, васийлар, ҳомийлар ўзларининг касалликлари, иш билан банд эканликлари, вояга етмаган шахс билан ўзаро муносабатлари ёмонлашганлиги ва шунинг оқибатида унинг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлай олмасликлари сабабли қаровдан истаган вақтда воз кечишга ҳақлидир.

Қаровга олувчилардан тилхат олинади. Қаровга бериш баённомаси тузилади ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Вояга етмаганни турмуш ва тарбияланиш шариоитига кўра илгариги яшаш жойида қолдириб бўлмаса, у терговчининг прокурор санкция берган қарорига ёки суднинг ажримига биноан болалар муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

Эҳтиёт чораси талаблари бузилган тақдирда, агар шахс яширинган бўлса қидирув эълон қилинади ва унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилади. Қаровга олувчиларга нисбатан МЖТКнинг 207-моддасида белгиланган жавобгарлик қўлланилади.

Ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор, судда эса ажрим чиқарилади. Қўмондонликка айбловнинг моҳияти тушунтирилиши шартлиги белгиланган бўлсада, лекин мазкур жараёни расмийлаштириш тартиби белиланмаган. Эҳтиёт чораси тартиби бузилган тақдирда жавобгарлик ҳақида огоҳлантириш назарда тутилмаган.

Эҳтиёт чораси талаблари бузилган тақдирда, агар шахс яширинган бўлса қидирув эълон қилинади ва унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилади. Қўмондонлик жавобгарлиги тартибга

солинмаган.

Айбланувчига нисбатан лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чорасини қўллаш учун прокурор, прокурорнинг розилигини олган ҳолда терговчи айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда судга илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаради.

Суд 48 соатдан кечиктирмасдан яқка тартибда кўриб чиқиб, тегишли тартибда ажрим чиқаради. Суд мажлиси жараёни ЖПКнинг 423, 438-моддаси (438-м.да умуман назарда тутилмаган) талаблари асосида қўлланилади. Лавозимдан четлаштириш мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш учун асос бўлган ҳолатлар бекор бўлганига қадар ўтган вақт мобайнида қўлланилади.

ЖПКнинг 30-боби мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чорасини тартибга солади. ЖПКнинг 261-моддаси иккинчи қисмида узрсиз сабабларга кўра келмаган шахслар мажбурий келтирилиши баён этилган, бироқ узрсиз сабаблар нималарда намоён бўлиши тартибга солинмаган.

ЖПКнинг 262-моддасида мажбурий келтирилдиган шахслар доираси белгиланган ва унга гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ киритилган.

Шу ўринда, ушбу модданинг иккинчи қисмида баён этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини олдиндан чақирувсиз мажбурий келтириш улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган тақдирда қўлланилиши мумкинлиги қондаси тортишувли вазият ҳисобланади. Сабаби, мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажримда мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг яшаш ёки иш жойи аниқ кўрсатилган бўлиши шарт. Мазкур вазиятда қарорни ижро этувчи ички ишлар органининг ваколатли шахси процессуал мажбурлов чорасидан кўзланган мақсадга эриша олмайди ва мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахс йўқлиги ҳақида маълумотнома тақдим қилишига олиб келади.

Ижрочи мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни қарор ёки ажрим билан таништириб тилхат олади. Ижрочи мажбурий келтириш ҳақидаги қарор ижроси юзасидан маълумотнома тақдим қилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асоси суд-тиббий ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда айбланувчини, судланувчини ҳамда гувоҳ ва жабрланувчи (фақатгина оғир ёки ўта оғир жиноятлар бўйича уларнинг кўрсатувлари ҳаққонийлигини текширишнинг бошқа имкониятлари бўлмасагина) стационар кўриқдан ўтказиш зарурати вужудга келганлигидир.

Рухий ҳолати айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган гумон қилинувчи ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавfli қилмиш содир этганлигига етарлича далиллар мавжуд бўлса жойлаштирилиши мумкин.

ЖПКнинг 265-моддаси учинчи қисмида келтирилган «шахснинг гумон қилинувчи тариқасида бўлиши муддати стационар суд-психиатрия экспертизаси тамом бўлгунига қадар тугаса, унинг рухий ҳолати имкон берса, унга айблов эълон қилиш ёки уни тиббий психиатрия муассасасидан озод қилиш ёхуд уни тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тариқасида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқариш зарур» қоида тортишувга сабаб бўлади.

1. Амалдаги ЖПК талабларига кўра шахснинг гумон қилинувчи тариқасида бўлиш муддати қанча?

2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тариқасида эътироф этиш талаби қўйилган, лекин процесснинг бундай иштирокчиси мавжуд эмас.

Мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш учун прокурор, прокурорнинг розилигини олган ҳолда терговчи шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаради.

Суд яқка тартибда ушбу масалани кўриб чиқади ва тегишли тартибда ажрим чиқаради. Суд

мажлиси жараёнида ЖПКнинг 423, 438-моддаси (438-моддада умуман назарда тутилмаган) талаблари асосида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 214-моддасида тартибга солинган процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг қонунийлиги ва асослигининг кейинги шарти бошқача асослар назарда тутилмаган бўлса, процессуал мажбурлов фақат кўзғатилган жиноят иши бўйича қўлланилишидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК талабларига асосан, фақатгина ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси жиноят ишини кўзғатгунга қадар қўлланилиши мумкин. Унинг муддати тўғридан-тўғри тартибга солинмаган, бироқ ушлаб туриш асослиги 24 соат муддатда аниқланиши ва шахс асосиз ушланган бўлса уни дарҳол озод қилиниши лозимлиги талабидан келиб чиқиб, унинг муддатини 24 соат сифатида талқин қилиш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилган процессуал қонунчилигимиздаги коллизия ва тартибга солинмаган ҳолатларнинг бартараф этилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мақсади — инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, қолаверса инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги вазифа ижросига ўзининг хиссасини қўшади.



Хидоятуллаев Алишер Тоирович,  
Бош прокуратура Академияси  
кафедра бошлиғи в.б.

## НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ШАКЛ СИФАТИДА АККРЕДИТИВГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Ушбу мақолада тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан шартномавий муносабатлар жараёнида ҳисоб-китоб шакли ҳисобланган аккредитивдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.
- ◆ В данной статье проанализированы особенности использования аккредитива как формы безналичного расчета в договорных отношениях со стороны субъектов предпринимательской деятельности.
- ◆ This article analyzes the features of use letter of credit as a form of cashless payment in contractual relations on the part of business entities

**Калит сўзлар:** ҳисоб-китоблар, тўлов топшириқномаси, аккредитив, инкассо.

**Ключевые слова:** расчеты, платежное поручение, аккредитив, инкассо.

**Key words:** settlements, payment order, letter of credit, collection

Ҳозирги кундаги мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилинишини таъминлаш муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ташқи савдо операцияларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш, экспортни рағбатлантириш ва кенгайтиришга доир тизимли ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ва тўпланган тажриба, тадбиркорлик субъектлари турли тоифаларининг тақлифларини ва илғор халқаро тажрибани ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, 2017 йил 3 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5215-сонли Фармони ҳамда 2017 йил 3 ноябрдаги "Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3351-сонли Қарор қабул қилинди.

Ўрганишлар натижасига кўра, Европа иттифоқи давлатлари, Туркия, Хитой ва бир қатор МДҲ мам-

лакатларининг ташқи савдони тартибга солиш соҳасидаги илғор тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу давлатларда тадбиркорлик субъектлари ўз маблағларидан эркин, ўз ихтиёрига кўра ва чекловларсиз фойдаланиши, экспорт қилиш шакллари ҳамда тўлов муддатларини танлаши мумкинлиги, шунингдек, товарларни ташқи савдо контрактларини тузмасдан экспорт қилиш ҳуқуқига эга эканлиги маълум бўлди.

Действительно, все преимущества «народного суда» - простота, легкость, гласность, отсутствие формализма, оперативность, материальное решение многих вопросов постепенно исчезли под давлением российских властей. В результате такие преступления, как клевета, проституция, соблазнение, измена и взяточничество, стали частью жизни местного населения. Отсутствие контроля над решениями, вынесенными судами, усилилось. В результате судьи потеряли репутацию среди населения.

Из истории известно, что судебная система, основанная на исламском праве, первоначально возникла в Аравии, в частности во время Абу-Юсуфа, как специальное учреждение. Ко времени Харун аль-Рашид (786-808) в Халифате был учрежден пост Кози аль-Куззота. Первоначально Кози аль-Куззот был уполномочен *выдвигать кандидатуру* на пост *судьи*, а право назначать судью оставалось у халифа. Однако позже халиф делегировал назначение судей Кози аль-Куззоту. После этого судебная система обрела полную независимость.<sup>6</sup>

До российской колонизации судьи должны были иметь большой жизненный опыт и хорошее знание шариатских правил, правил Корана и хадисов. А в колониальный период от «народного судьи» не требовались ни имущественные квалификации, ни знания. Поэтому даже совершенно неграмотные люди могли быть назначены судьями. Выборы судей эликбашимом привели к увеличению взяток, обмана, злоупотреблений и заговоров в этом процессе. Например, кандидаты в судьи организовали гостеприимство для эликбаша, им дарили подарки и заранее платили часть согласованного гонорара за избрание.

В документе К.Палена было написано, что после назначения в качестве волостного судьи человек (кози) также обязался дать эликбаша, который голосовал за него, часть дохода от работы трех деревень (принадлежащих его волости).<sup>7</sup>

«Народные судьи» имели своих спонсоров в форме чиновников и делились с ними «добычей». Большая часть расходов судей пошла на «смазку» колониальных чиновников. Ведь от них зависел ход выборов, фальсификация поданных голосов и одобрение выборов. Российское правительство имело право заменить любого представителя местного самоуправления. Местные (чиновники) были подчинены офицерам и районным начальникам.

После того, как колониальное правление было наконец установлено в Туркестане, изгнание населения в Сибирь началось как форма наказания. С 1879 по 1881 годы было депортировано 33 человека.

С 1865 года генерал-губернатор имел право высылать подозреваемых по «моральным причинам», даже если нет никаких юридических доказательств, хотя он должен был информировать министра внутренних дел о каждом изгнанном человеке, это правило не обязательно было применено.

В период 1870-1881 годов 104 человека были высланы из Туркестана в административном порядке, а затем 37 человек были признаны невиновными и отправлены обратно. Учитывая, что изгнание в Сибирь было суровым наказанием, судьи не часто выносили такие приговоры. Обычно высылают только тех, кто аморален, и тех, кто потерял своих родственников. В отношении преступников следует отметить, что судьи были жестче, чем Бийи. Например, в 1880-1882 годах судьи отправили в Сибирь 34 человека, в то время как суд биев, который никогда не использовал тюремные сроки, прекратил судебное разбирательство по взаимному согласию путем компенсации деньгами или имуществом.<sup>8</sup>

После революции 1905-1907 гг. Министерство внутренних дел Российской империи издало специальный приказ об изменении системы административного изгнания. Согласно этому приказу, высылка в Сибирь преступников, совершивших противоправные деяния, которые не угрожали безопасности государства, считалась неуместной.

Так, в соответствии с Положением об управлении Туркестанского края от 12 июня 1886 года институт «Народных судов» Сырдарьинской, Ферганской и Самаркандской областей был приведен в «порядок» по колониальному закону. Эта реформа внесла следующие изменения в деятельность судов в стране:

- уголовные дела, ранее рассмотренные «народным судом», были переданы в российский суд;
- районные суды (окружные суды) были переименованы (реорганизованы) в мировой суд;
- с 1 января 1887 года деятельность областных администраций как судебных органов была прекращена, и в каждой провинции были учреждены коммерческие суды и суды объединенных палат и съездов магистратов;
- военные судебные комиссии были полностью

ликвидированы, а их дела переданы в областные суды;

- суд был отделен от администрации;
- был введен прокурорский надзор.

Согласно уставу, контроль над законами, постановлениями суда был переведен из Военного министерства в Министерство юстиции. Высшая уголовная и гражданская инстанция была признана Сенатом, как и во всей империи.

Название «судья» и «бий» в «Суд Кози и Бий» были отменены, и в новой редакции их переименовали «народными судьями». Новое правило гласит, что необразованные люди также могут быть избраны «народными судьями». К 1887 году в Туркестанском крае действовало 1300 народных судов.<sup>9</sup>

Хотя дела в «народных судах» были сокращены, их деятельность была необходима российской администрации. «Народные суды», которые не несли финансового бремени для государства позволили российским властям содержать только 15-20 мировых судей и до 12-ти судебных следователей для 3-х миллионного населения Туркестана. Согласно уставу 1886 года, все дела, направленные против колониального режима, его официальных представителей перешли в ведение императорского суда.

Ряд преступлений, таких как преступления против христианской религии (которая раньше принадлежала «народному суду»); против государства; против порядка управления; против государственной и общественной службы, решения, вынесенные по государственным и местным обязательствам; против имущества и доходов; против нарушения карантинного порядка, решений против общих и инфекционных заболеваний, а также гибели животных (скота); против мира и порядка в обществе (формирование групп, дача ложных показаний и распространение слуха, разрушение телеграфа и железных дорог, дача убежище для беженцев); закона о собственности; против жизни, здоровья, свободы и чести (убийство и изнасилование); против собственности (насилованное завладение чужим имуществом, уничтожение имущественных пограничных знаков, поджог, грабеж и разбой) и подделка русских документов были переданы в русский суд. Кроме того, преступления, совершенные местными жителями в отношении русских и на территории русских деревень не относились к «народному суду».

В результате развития товарно-денежных отношений в стране увеличилось количество дел с участием местных жителей в российских судах. На многие вопросы, вызванные этими интеграционными процессами, мусульманское право не могло дать полного ответа. Это показывает что юрисдикция судов шариата и Бий были склонны решать больше хозяйственно-бытовые вопросы населения. Эта тенденция обеспечила жизнеспособность «народных судов». В то же время многие

положения новых российских нормативных документов были недостаточно продуманы и носили противоречивый характер. Основной причиной этого конфликта стало внезапное отделение судебной власти от административной власти. Однако, в мусульманском праве власть была неразделима (считалась неделимой).

Российские власти объяснили эти недостатки «отсталостью» шариатских судов и невежеством исламских священнослужителей. На самом деле, неудача в реорганизации местных судов (судов Кози) свидетельствует о культурно-историческом конфликте между сторонами.

К 1891 году начался очередной этап укрепления деятельности русской администрации. Генерал-губернатор издал распоряжение о полном переводе всей служебной переписки в стране на русский язык. До 1 июля 1892 года было разрешено предоставлять служебную корреспонденцию, написанную на местном языке с точным переводом на русский язык. Отныне делопроизводство должно было вестись только на русском языке. Такое распоряжение можно объяснить тем, что даже в 90-е годы XIX века приговоры народных судов не находились под контролем русской властей. Даже после 25 лет колониализма они не знали ни шариата, ни обычая.

Даже спустя 10 лет этот вопрос снова был поднят в прессе: «в практике местных народных судов есть еще одна особенность, о котором стыдно говорить: «народные судьи все еще говорят на местном языке со своими непосредственными начальниками (мэр, сотрудник полиции, окружной управляющий)». Чтобы предотвратить это, русская администрация предприняла меры по немедленному прекращению общения с судьями на местном языке, но в то же время не могло быть и речи об уничтожении народных судов. Потому что, невозможно было заменить сотни судей, которые рассматривали десятки тысяч дел.

Тем не менее, вопрос об упразднении, реформировании народных судов, по крайней мере, об ограничении их деятельности, начиная с 1865 года был на повестке дня в течение 50 лет. Например, до 1886 года судьи уездов в Туркестане неоднократно предлагали как в официальной переписке, так и в прессе объединить народные суды с общегосударственными судами. С введением в действие Устава 1886 года Совет генерал-губернатора Туркестана разработал ряд поправок к нему. В отчете Совета 1891 года указывалось, что судебная часть устава была подготовлена неудовлетворительно и что общеимперийское судебное законодательство может быть применено в стране с некоторыми изменениями, аналогичными поправкам на Кавказе и в прибалтийских губерниях.

С 1894 года народные судьи были подвергнуты административному наказанию колониальными чиновниками за незначительные проступки. То есть, судьи уездов могли оштрафовать их до 10

рублей, военный губернатор мог по своему усмотрению арестовать народного судью до одного месяца согласно информации, предоставленной главами уездов.

На основании вышеизложенных можно сделать следующие выводы:

1. До колонизации судебная система народов Центральной Азии со всеми ее недостатками, с точки зрения европейской юриспруденции, удовлетворяла потребности местного населения в правосудии и справедливости. Шариат оседлых мусульман и «обычай» кочевников основывались на исламских учениях и народных традициях и были основным средством регулирования веры и нравственности. Функция наказания этих судов оказала большее моральное влияние на людей, чем на физическое воздействие, эту ситуацию признали и русские юристы.

2. Русские чиновники пытались немедленно ограничить полномочия и стремление к реформированию шариатских судов, с целью ограничения влияния мусульманских ученых на народ. Они не хотели, чтобы местные суды работали независимо, потому что деятельность ученых противоречила интересам русского правительства. Суд должен был стать одним из основных карательных инструментов, направленных не только на воспитание, но и на ограничение влияния ислама в духовной жизни местного населения.

3. До 1886 года организация судебного дела в Туркестанском генерал-губернаторе не была утверждена законом. Но даже после 1886 года страна, находившаяся под управлением военных, использовала судебную систему в основном в качестве карательной машины.

4. Тот факт, что система «народных судов» сохраняется, даже если она была ограничена колониальными властями, объясняется:

- а) опасением массовых протестов в стране;
- б) недостаточным финансированием в этой области;
- в) отсутствием юристов, говорящих на местных языках и т. д.

5. Введение системы избрания «народных судов» российской администрацией и отмена цен-

зуры имущественных и квалификационных знаний к судьям превратили суды в механизм обогащения для местных и колониальных чиновников.

6. Окружные суды, замененные областными судами, ликвидированными в результате судебной реформы в 1898 году, Ташкентская судебная палата и специальные военные суды, предназначенные для наказания участников освободительного восстания 1916 года были направлены на удерживание людей (послушание людей).

Провинциальные, уездные, военные, военнопольевые суды, реорганизованные царством защищали колониальные интересы. Это позволило русским чиновникам, судьям, прокурорам и адвокатам осуществлять правовое насилие в отношении местного населения.

На основании вышеприведенных выводов вносятся следующие предложения:

*во-первых*, с учетом такой высокой цели как подчинение наших действующих законов великой цели — службе и интересам народа, необходимы дальнейшая либерализация наказаний по преступлениям и отказ от альтернативных мер наказания, а также внедрение в рассмотрение дел в суде принципов соперничества и оперативности;

*во-вторых*, дальнейшее усиление деятельности по подготовке служащих народу, не имеющих равных по знаниям, рассматривающих дела по совести, имеющих большой опыт судей и повышению системы повышения квалификации. Это, в свою очередь, станет причиной того, что решения судей будут обоснованными и справедливыми, приведёт к снижению жалоб и предупреждению коррупции, то есть оправдает доверие народа;

*в-третьих*, наладить деятельность военных административных судов по урегулированию материальных отношений, таких же как в гражданско-правовых отношениях при рассмотрении дел по совершенным военными служащими правонарушениям;

*в-четвёртых*, необходимо учитывать, что несмотря на малое количество (как правило, военнослужащие редко обращаются в суд), деятельность военных судов играет важную роль в обеспечении справедливости среди военных.

<sup>1</sup> Туркестанский сборник. – СПб., 1868. т.1, – С. 51.

<sup>2</sup> Костенко Л.Ф. Туркестанский край. – СПб., 1880. т. 1, – С. 350.

<sup>3</sup> Туркестанский сборник. – СПб., 1870. т. 40, – С. 114.

<sup>4</sup> Туркестанские ведомости. 1875. 11 февраля. №27.

<sup>5</sup> Туркестанские ведомости. 1875. 11 февраля. №27, – С. 55.

<sup>6</sup> Арнус Махмуд ибн Мухаммад. Тарих ал-қазо фи-л-ислом. Қоҳира; ал Матбаа ал-мисриййа ал-ҳадиса ал-аҳлиййа, 1934. 97-бет.

<sup>7</sup> Пален К.К. Народные суды Туркестанского края. – СПб., 1910, – С. 96.

<sup>8</sup> Туркестанский сборник. – СПб., 1908, т.481, – С. 7.-

<sup>9</sup> Туркестанский сборник. – СПб., 1908, т. 481, – С. 19.



Исоқов Лукмонжон Холбоевич,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви  
академияси мустақил изланувчиси

## ЭРКИН ҲАРАКАТЛАНИШ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ: МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ МИСОЛИДА

- ◆ Ушбу мақолада МДҲ мамлакатларида миграцияга оид қонунчиликнинг хусусиятлари кўриб чиқилади. Шунингдек, ушбу давлатлар Конституциясида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқининг қиёсий таҳлили ҳақида сўз юритилади.
- ◆ В данной статье рассмотрены особенности миграционного законодательства в странах СНГ. А также, речь идет о сравнительном анализе права на свободное передвижение в Конституциях этих государств.
- ◆ This article describes the features of migration legislation in the CIS countries. Also a comparative analysis of the right to free movement in the constitutions of these states is discussed.

**Калит сўзлар:** Конституция, меҳнат миграцияси, мигрант, миграция, миграция жараёни, қонун, ҳуқуқ.

**Ключевые слова:** Конституция, трудовая миграция, мигрант, миграция, миграционный процесс, закон, право.

**Key words:** Constitution, labor migration, migrant, migration, migration process, law, rights.

Миграция нафақат жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, демографик ривожланиш каби ҳаётий фаолиятининг кўпгина томонларига, балки мамлакат хавфсизлигига ҳам таъсир ўтказади. Дунё минтақаларида миграция ва уни тартибга солиш бўйича миллий қонунчиликлар турлича шаклланган бўлиб, бу борада ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг бугунги босқичида давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим жиҳатларидан бири, бу миллий манфаатларни сақлаб қолиш борасида меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришни белгилаб берувчи омил сифатида миграция сиёсати ҳисобланади.

Юридик ҳуқуқий адабиётларда ёзилишича, иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш барча мамлакатларда амалга оширилиб, унинг турли шакллари ва усуллари сиёсий шароитлар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, тарихий анъаналари, миллий хусусиятлари ва бошқа омиллар билан белгиланади. Ҳўжалик юритишнинг бозор шароитларига ўтиши иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиш тизимини қайта кўриб чиқишни ва бевосита маъмурий чораларни билвосита иқтисодий чоралар билан алмаштиришни талаб этди<sup>1</sup>.

Собиқ Иттифоқ парчаланиши билан Ҳамдўстлик мамлакатларида яшайдиган халқларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши фаоллашди. Миг-

рация жараёнларини тартибга солиш мақсадида МДҲ доирасидаги ҳар бир мамлакат миллий қонунчилигини барпо қила бошлади. Қуйида ушбу мамлакатлардан айримлари қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиниб, миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тожикистон Республикаси.

Мамлакатда қабул қилинган қонунлардаги нормалар, аввало, барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳодисаларни, жумладан, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ишсизликни камайтириш, янги иш ўринларини яратиш орқали Тожикистонда миграция соҳасини давлат томонидан шаффофлик билан тартибга солишга қаратилган.

Ҳеч кимга сир эмаски, айти пайтда Тожикистон Республикасида меҳнат миграцияси ўткир муаммо саналади. Бу иқтисодиётнинг кучсиз даражадаги ривожланиши, иш ўринларининг йўқлиги, ойлик маошнинг пастлиги, шунингдек барча босқичларда иқтисодиётга давлат аралашувининг коррупциялашган тизими билан боғлиқ. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий танглик бир ярим миллион аҳоли вакилларининг даромад манбаларини Россия, Қозоғистон, Беларусь, Украина каби чет давлатлардан излашга ундади. Аҳоли миграциясининг географик тузилмасида энг йирик ҳисса Россия Федерациясига тўғри келади. Тожикистонда, хусусан, қишлоқ жойларда меҳнат миграцияси муаммосига дахлдор бўлмаган оилани

учратиш мушкул. Уларнинг аксарияти оила бошлиғи ёки эрак фарзанди, борадиган мамлакат тилини ва ўзига хос жиҳатларини билмасдан туриб, таваккалчиликка асосланиб йўлга чиқади. Оқибатда ишчи кучи ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ кўпгина муаммоларни келтириб чиқариши табиийдир.

Тожикистон Республикасида давлат томонидан тартибга солишнинг бундай “қайта кўриб чиқиши”, бир қатор мамлакатлардагидек, бошқа ижтимоий ҳодисалар билан бирга меҳнат миграцияси жараёнининг кескин ошишига сабаб бўлди.

Тожикистонда миграция сиёсати давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, уни амалга ошириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Сўнги йилларда миграция қонунчилигининг фаол ривожланишига қарамай, миграция ҳуқуқи ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида ажралишига улгурмади. Миллий қонунчиликнинг “миграция ҳуқуқи”<sup>2</sup> деган соҳаси босқичма-босқич шаклланмоқда. Олимларнинг фикрича, ушбу соҳа миграция муносабатларида мураккаб жараёнларни акс эттириб, комплексли хусусиятга эга.

Тизимли тартибга солишнинг пойдеворини халқаро ҳуқуқ, шунингдек халқаро ташкилотлар, давлатлараро уюшмалар ҳамда халқаро миграция институтларининг принциплари ва нормалари ташкил этади<sup>3</sup>. Тожикистонда миграция соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини конституциявий, маъмурий ва маъмурий-процессуал ҳуқуқ билан бир қаторда меҳнат, уй-жой ва оила ҳуқуқларида ҳам учратиш мумкин<sup>4</sup>.

Қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан биргаликда миграция ҳуқуқи манбалари сирасига суд қарорлари, меъёрий хусусиятга эга давлатлараро шартнома ва битимлар, Тожикистоннинг халқаро шартномалари ҳам киради. Тожикистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги деярли барча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва миграция соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга қўшилган.

Тожикистонда мигрантлар ҳуқуқини ҳимоялаш ва миграция масаласини меъёрий тартибга солиш қўйидаги даражаларда амалга оширилади:

Биринчидан, давлат даражасида (Тожикистон Республикаси Конституцияси, қонунлар ва қонуности ҳужжатлар — Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари, вазирлик ва идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари);

Иккинчидан, ҳудудий ўзини ўзи бошқариш даражасида (ҳудудий ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари);

Учинчидан, давлатлараро даражада (миграция соҳасида бошқа давлатлар билан кўптомонлама

ва иккитомонлама келишувлар).

Миграция сиёсатининг ҳуқуқий асосини Тожикистон Республикаси Конституцияси, “Тожикистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги конституциявий қонун<sup>5</sup>, “Тожикистон Республикасида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида”ги<sup>6</sup> қонунлар, Тожикистон Республикаси Ҳукумати қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқаро шартномалар ва келишувлар ташкил қилади. Мазкур қонунлар миграция муносабатларини тартибга солишда бир қатор вазифаларни қонунчилик жиҳатидан амалга оширишни таъминлашда муҳим ўрин тутган.

1994 йилда қабул қилинган Тожикистон Республикаси Конституцияси мамлакат ҳуқуқий тарққиётининг асосий принципларини эълон қилганлигини алоҳида эътиборга олиш зарур. Демократик ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланиб, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш давлатнинг мажбуриятидир. Конституцияда миграция соҳасида инсон ва фуқаронинг муҳим конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи асосий нормалар мустаҳкамланган. Жумладан, ҳар бир шахс Тожикистон Республикаси ҳудудида эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш, республика ташқарисига чиқиш ва у ерга қайтиш ҳуқуқига эга (24-модда)<sup>7</sup>.

Бошқа мамлакатлар миллий қонунчилигидан фарқли ўлароқ, Тожикистон Республикасининг “Миграция тўғрисида”ги қонунида “иммигрант”, “меҳнат мигранти”, “эмигрант”, “реэмигрант” каби сўзлар билан бир қаторда “кўчирилган”, “мажбурий кўчирилган”, “репатриант” каби алоҳида мақомга эга бўлган шахсларга ҳуқуқий таъриф берган<sup>8</sup>. Бу эса, албатта, қонунчиликдаги кўпгина бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилган. Ушбу рўйхатдан “четда” қолган бошқа атамаларга “Қочоқлар тўғрисида”ги қонунда аниқликлар мавжуд<sup>9</sup>. Бошпана сўрайдиган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига жавоб берилган. Қўшимча тарзда, “сиёсий бошпана” хусусида “Тожикистон Республикасида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида”ги қонунда аниқ изоҳ келтирилган<sup>10</sup>.

“Миграция тўғрисида”ги қонун аҳоли миграцияси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, миграция жараёнининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилайди, шунингдек тарихий ватанига қайтаётган шахслар ва оилаларнинг янги жойида зарурий шароитларни яратди. Қонунга мувофиқ, миграция яшаш жойини эркин танлаш, меҳнат эркинлиги, касб ва фаолият турини эркин танлаш, эркин чиқиш ва эркин ҳаракатланишга бўлган инсон ҳуқуқларини таъминлаш; миллати, ирки, жинси, тили, этниқоди, сиёсий қарашлари, таълими, ижтимоий ва мулк

ҳолати каби сабаблар бўйича ҳар қандай камситишларга йўл қўйилмаслиги; миграция жараёнларини тартибга солишда тегишли давлат органларининг иштироки ва бошқа шу каби принципларга асосланади.

Юқорида санаб ўтилган қонунларнинг барчаси миграция соҳасини тартибга солишда улкан аҳамият касб этади. Тожикистон Республикасида миграция қонунчилиги кодекслаштирилмаган бўлса ҳам, деярли барча ҳуқуқий тушунчаларга жавоб топиш мумкин. Бироқ айрим тушунчаларга иккита меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда такрорий маънодош таърифлар берилиши баъзан асослаш учун ҳаволалар келтиришда ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин, деб ўйлаймиз.

Бинобарин, Тожикистон Республикасида миграцияни давлат томонидан тартибга солишнинг замонавий тизимини ривожлантиришда мазкур қонунлардан ташқари бир қатор қонуности ҳужжатлар ҳамда ўнлаб давлатлараро келишувлар ва битимлар ҳам қабул қилинган. Бундай хилма-хиллик биринчи ўринда миграция соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштириш вазифасини тақозо этади. Шу боис, миграция соҳасига тааллуқли барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бироқ тузилиш жиҳатидан бир хил қолипга тушириш, турли нормаларнинг ички мувофиқлигига эътибор қаратиш, шунингдек миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари ўртасидаги эҳтимолли зиддиятлар ҳамда бўшлиқларнинг мониторингини амалга ошириш зарурдир. Зеро, миграцияга ўзгаришчанлик тенденцияси хос бўлиб, ушбу соҳага оид қонунчиликни мунтазам такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Шу ўринда, Тожикистон Республикасида миграция жараёнини тартибга солувчи институционал механизмлар борасида муҳим ислохотларни амалга оширилиши лозим, деган фикрдамиз. Чунки айни пайтда миграция соҳаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва савдо вазирлиги, чегара хизматлари ва шу каби турли идоралар ваколатига кириб, уларни мувофиқлаштириш масаласи хануз очиқ саволлигича қолмоқда.

Озарбайжон Республикаси.

1991 йил мустақилликка эришгач, Озарбайжон Республикаси беқарор сиёсий вазият, иқтисодий танглик ва Тоғли Қорабоғдаги можаро туфайли мажбурий кўчирилганлар ва қочоқларнинг ички кўчиши боис чегарада юзага келган қийинчилик оқибатида фуқаролар эмиграциясининг улкан тўлқини билан тўқнашди. Йиллар давомида иқтисодий ривожланиши ва энергетика ҳамда транспорт соҳасида кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириш натижасида мамлакатнинг транзит ҳудуд сифатидаги ўрни мустаҳкамланиши им-

мигрантларнинг салмоқли қисмини ўзига жалб қилиш имконини берди.

Озарбайжон миграция жараёнларидаги кўпгина муаммоларга дуч келиб, уларни ҳал этиш бўйича бир қатор чоралар кўрди. Буларнинг орасида БМТнинг Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича<sup>11</sup> конвенциясига қўшилиши<sup>12</sup>, Миграция бўйича халқаро ташкилотга аъзо бўлиши, миграция соҳасидаги давлат сиёсати концепциясининг қабул қилиниши, миграция бўйича давлат дастурлари, Давлат миграция хизматининг яратилиши, биометрик идентификацияларни жорий қилиш бўйича гуруҳлар тузилиши ва албатта, Миграция кодексинининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишидир.

Мамлакат Конституциясида Озарбайжон ратификация қилган халқаро шартномалар ёки қонунда бошқача қоида кўзда тутилмаган бўлса хорижий шахслар ҳам фуқаролар билан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган (28-модда). Шунингдек, мазкур модданинг 4-бандида Озарбайжон фуқаросининг исталган пайти мамлакатига тўсиқсиз қайтиш ҳуқуқи қафолатланган<sup>13</sup>.

Асосий қонундан ташқари, миграция жараёнларини бошқариш учун Озарбайжон Республикасида қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган:

- кириш, чиқиш ва паспортлар тўғрисидаги қонун;
- Озарбайжон Республикаси Давлат чегаралари тўғрисидаги қонун;
- Озарбайжон Республикаси фуқароларининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома тўғрисидаги қонун;
- Хорижий шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонун;
- Яшаш жойи ва ҳақиқий манзили бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қонун;
- Озарбайжон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги қонун;
- Иммиграция тўғрисидаги қонун;
- Меҳнат миграцияси тўғрисидаги қонун;
- Қочоқлар ва кўчирилган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонун;
- Хорижда истиқомат қилаётган фуқароларга нисбатан давлат сиёсати тўғрисидаги қонун<sup>14</sup>.

2013 йил 2 июлда мамлакатда хорижий шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, миграция жараёнларини тартибга солиш ҳамда миграция масалаларида давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ нормаларни жорий қилиш мақсадида Озарбайжон Республикаси Миграция кодекси мамлакат Президенти томонидан имзоланган. Мазкур Кодекс 6 бўлимдан иборат бўлиб, умумий қоидалар билан бирга Озарбайжон Республикаси ҳудудига кириш ва чиқиш, миграция жараёнига доир зарурий ҳужжатлар, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги

бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш каби нормаларни қамраб олган.

Мазкур Кодексда хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шартлари, паспортлар, Озарбайжон Республикасида вақтинча ёки доимий яшашга келган шахслар, меҳнат миграцияси, яқин қариндошлар, ишлашга рухсатнома, визалар, яшаш жойи ва миграция билан боғлиқ бошқа шартларнинг изоҳи жой олган. Бундан ташқари, миграция фаолиятини рўйхатга олиш мақсадлари ва миграция ёзувини жорий қилиш ва амалга ошириш учун асослар ҳам баён этилган. Кодекснинг ўзига хос хусусиятларидан бири, Озарбайжон Республикаси миллий қонунчилиги тарихида илк маротаба визаларнинг батафсил турлари ва таснифи берилган бўлиб, бошқа қонунности ҳужжатларга ҳаволалар озлиги билан фарқланиб туради<sup>15</sup>.

Озарбайжон Республикаси Президентининг 2009 йил 4 мартдаги “Миграция жараёнларини бошқаришда “ягона дарча” принципини қўллаш тўғрисида”ги Фармони ҳам меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжат миграцияни бошқариш механизмини такомиллаштириш ва соҳага оид фаолият шаффофлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган бўлиб, 2009 йил 1 июлдан бошлаб чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга “ягона дарча” принципи асосида яшаш ва меҳнат қилишга рухсатнома олиш учун хизмат кўрсатилиши бошланди.

Хуллас, Озарбайжон Республикасининг миграцияга оид миллий қонунчилиги кўп жиҳатдан замон талабларига тўлиқ жавоб бера олади. Бироқ мутахассисларнинг фикрича, асосий камчилик шундаки, институционал механизмлар жиҳатидан, мамлакатдаги миграцияга доир турли процедуралар билан ҳар хил идоралар шуғулланади. Масалан, шахсни тасдиқловчи вақтинчалик ҳужжат ва рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш Ички ишлар вазирлиги, мигрантларнинг ҳисобини юритиш Давлат миграция хизмати ва ишлашга рухсатномалар бериш Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлигининг ваколатларига киради.

Беларусь Республикаси.

XX асрнинг 90-йиллари бошида Беларусь Республикаси аҳоли миграциясини тартибга солиш муаммоси билан тўқнаш келди. Миграция соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишчи мамлакат миллий қонунчилигининг шаклланиши ва Беларусь Республикасида бошпана бериш йирик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар муҳитида бўлиб ўтган. Беларусь суверен давлат сифатида миграция жараёнининг муҳим фаоллашуви билан боғлиқ бир қатор муаммоларга дуч келиб, бир пайтнинг ўзида ҳам мигрант-

ларни қабул қилувчи, ҳам мигрантлар чиқиб кетувчи мамлакатга айланган. Беларусь Республикаси халқаро аҳоли меҳнати миграциясини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича ҳеч қандай тажрибага эга бўлмаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бир томондан ушбу соҳадаги қонунчиликнинг ривожланиши халқаро ҳуқуқ нормаларини инobatга олиниши билан амалга оширилган бўлса, иккинчи томондан мустақил Беларусь давлати барча камчилик ва ижобий жиҳатлари билан Собик Иттифоқнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўпгина қоидаларини қонунчилигида сақлаб қолди. Беларусь Республикаси БМТнинг 1951 йилдаги “Қочоқлар мақоми тўғрисида”ги Конвенцияси ва 1967 йилдаги қочоқлар мақомига оид протоколга қўшилганлиги муҳим ҳолат ҳисобланади<sup>16</sup>.

1990 йил 27 июлда Беларусь Республикасининг давлат суверенитети тўғрисидаги Декларациянинг қабул қилиниши ва давлат мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг миграцияга оид миллий қонунчилик шакллана бошланди. Миграция соҳасидаги илк норма мамлакатнинг Асосий қонуни — Конституцияда мустаҳкамланиб, унда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадриятлиги, унга риоя қилиш ва ҳимоялаш давлатнинг мажбурияти эканлиги тантанали равишда эълон қилинди. Эркин ҳаракатланиш, яшаш жойи, меҳнат фаолияти тури ва хусусиятини танлаш инсоннинг табиий ҳуқуқ ва эркинликларига тегишли бўлиб, унинг ҳуқуқий мақомига боғлиқ эмас. Конституция, қонунлар ва халқаро шартномаларда бошқача белгиланмаган бўлса, Беларусь Республикаси ҳудудидаги хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Беларусь Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиб, мажбуриятларни бажариши кафолатланган (11-модда). Мамлакат Асосий қонунининг 30-моддаси Беларусь фуқароларига эркин ҳаракатланиш, яшаш жойини танлаш, у ердан чиқиб кетиш ва тўсиқсиз ортга қайтиш ҳуқуқини берган<sup>17</sup>.

Мигрантлар мақомининг конституциявий-ҳуқуқий асослари бошқа бир қатор халқаро, конституциявий, маъмурий ва меҳнат ҳуқуқларидаги нормалардан ҳам келиб чиқади. Ушбу нормалар ривожланиши ва тегишли тафсилотлар билан тўлдирилиши “Беларусь Республикаси Фуқаролиги тўғрисида”ги<sup>18</sup>, “Беларусь Республикасидаги хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги, “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги<sup>19</sup>, “Қочоқлар тўғрисида”ги<sup>20</sup>, “Беларусь Республикасидаги хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга қочоқ мақомини тақдим этиш, қўшимча ва вақтинча ҳимоя билан таъминлаш тўғрисида”ги<sup>21</sup>, “Иммиграция тўғрисида”ги<sup>22</sup> қонунлар, шунингдек Вазирлар Кенгашининг 2006 йил 20 январдаги

“Беларусь Республикасида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни бўлиш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 73-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги “Беларусь Республикасида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшаш учун рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 144-сонли қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажмуи ва уларга тегишли ҳуқуқни қўллаш амалиёти мамлакатда миграцияга оид муайян ҳуқуқий режим барпо этилганлигидан дарак беради.

Миграция соҳасидаги давлат сиёсати миграция оқимини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни оптималлаштириш, назорат қилинмайдиган хорижий ишчи кучини оқиб келишидан меҳнат бозорини ҳимоялашга йўналтирилган. Миллий қонunchиликда миграция соҳасида Президент, Вазирлар кенгаши, Ички ишлар вазирлиги, 2004 йилда ташкил этилган Ички ишлар вазирлигининг Фуқаролик ва миграция бўйича департаменти ва бошқа давлат органларининг ваколатлари аниқ белгиланган. Мамлакат раҳбари миграция соҳасида ягона давлат сиёсатини белгиласа, Вазирлар кенгаши уни амалга оширишни таъминлайди ва Ички ишлар органлари эса комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

Беларусь Республикасида миграция жараёнларини ҳуқуқий таъминлаш бир қанча масалаларни қамраб олади: эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш, фуқаролик, кириш ва чиқиш режими, шахс мақоми, мулкӣ ва ижтимоӣ ҳуқуқлар, мигрантлар ҳуқуқининг суд ҳимояси. Шу билан бирга мамлакатга зиёли одамлар ва қонунга бўйсунувчиларнинг малакали миграция оқимини янада рағбатлантириш лозим. Аҳоли миграцияси соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши Беларусь Республикаси фуқароларининг ташқи меҳнат миграциясини оптималлаштириш орқали салбий оқибатларни бартараф этишдан иборат.

Шу тариқа, Беларусь Республикаси миграция жараёнларини бошқариш соҳасида улкан натижаларга эришган бўлиб, ҳуқуқий асослари етарли даражада шаклланганлиги ва институционал механизмлар узилишларсиз фаолият кўрсатилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, Беларусь Республикасида миграция соҳасини тартибга солиш бўйича бир қатор ҳуқуқий нормалар мавжудлигига қарамай, улар ягона тизимга солинмаганлиги, қолаверса, институционал механизмларда функцияларнинг такрорланишидан ягона мувофиқлаштирувчи органга эҳтиёжи сезилади.

МДХ мамлакатларида миграцияга оид қонunchилик қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, Тожикистон, Озарбайжон ва Беларусь Республикалари

фуқаролари хорижга чиқишлари, айниқса, қайтиб келишларида тўсиқсиз ва исталган пайт эркин ҳаракатланиши, шу билан бирга, ушбу давлатлар ҳудудидаги хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ ва равшан белгиланган.

Кўпгина мамлакатларда давлат ҳудудида эркин ҳаракатланиш, яшаш жойини танлаш ва уни тарк этиш қонунда белгиланган тартибда (одатда, суд қарорига мувофиқ) чекланиши мумкинлиги кўзда тутилганлиги, бироқ фуқароларнинг ўз юртига исталган пайт қайтиб келиши ҳуқуқи ҳеч қандай чекловларсиз амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларда миграцияга оид қонunchиликнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролар хорижга чиқишлари, эркин ҳаракатланиши, айниқса, тўсиқсиз ва исталган вақт қайтиб келишлари ҳақидаги норма ривожланган давлатлар асосий қонунига киритилмаган бўлса-да, улар асосан МДХ мамлакатларида аниқ ва равшан белгиланган. Бинобарин, дунёдаги ҳар бир мамлакат ўз фуқаросининг Ватанига қайтиш ҳуқуқини чекланишига йўл қўймаслик мақсадида ушбу нормани конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйган.

Жумладан, хорижий мамлакатлар Конституцияларида:

— *Арманистон* Республикаси Конституциясининг 40-моддаси 4-бандида Арманистон Республикаси фуқаросининг қайтиб келиш ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилмаслиги;

— *Беларусь* Республикаси Конституциясининг 30-моддасида Беларусь Республикаси фуқаролари Беларусь Республикаси ҳудудида эркин ҳаракатланиши ва яшаш жойини танлаш, уни тарк этиш ва тўсиқсиз қайтиб келиш ҳуқуқига эга эканлиги;

— *Қозоғистон* Республикаси Конституциясининг 21-моддаси 2-бандида ҳар бир шахс Республика ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиш ҳуқуқига эга бўлиб, Республика фуқаролари Республикага тўсиқсиз қайтиб келиш ҳуқуқига эга эканлиги;

— *Эстония* Конституциясининг 36-моддасида Эстониянинг ҳеч бир фуқароси Эстониядан чиқартириб юборилиши ва Эстонияга қайтиб келишига тўсқинлик қилиш мумкин эмаслиги;

— *Украина* Конституциясининг 33-моддасида Украина фуқароси Украинага исталган пайт қайтиб келиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги;

— *Озарбайжон* Республикаси Конституциясининг 28-моддаси IV-бандида Озарбайжон Республикаси фуқароси ҳар қандай вақт тўсиқсиз ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга эканлиги;

— *Тожикистон* Республикаси Конституциясининг 24-моддасида фуқаро эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш, республика ҳудудидан кетиш ва у ерга қайтиб келиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида эса, Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга бўлиб, қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустасно эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Амалдаги таҳрирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш каби категорияларнинг учаласи ҳам истисно тарзида қонун билан чекланиши мумкин. Конституциямизнинг ушбу моддасида фуқароларимизнинг Республика ҳудудига қайтиб келиш учун ҳеч бир қонун чекламаслиги лозим. Зеро, фуқаро Ватанига хоҳлаган вақти қайтиб келишига ҳеч қандай тўсиқ бўлмастлиги зарур.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 13-моддасига кўра, ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойи танлаш ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон ҳар қан-

дай мамлакатдан, хусусан ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга.

Умумэтироф этилган ушбу принципга мос равишда, Конституциямизнинг ушбу моддасида фуқаролар бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш ҳуқуқи қонун билан чекланса ҳам, уни Республика ҳудудига хоҳлаган вақти ва тўсиқларсиз қайтиб келиш ҳуқуқи таъминланиши зарур.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ушбу моддасини қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилади:

“28-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси республикага тўсиқсиз ва исталган вақт қайтиб келиш ҳуқуқига эга”.



<sup>1</sup> Российское предпринимательское право: учебник / Под ред. проф. И.Е. Ершова, Г.Д. Отнюкова. - М.: Проспект, 2009. - с.27.

<sup>2</sup> Ястребова А.Ю. Правовые основы современной миграции и формирование иммиграционной политики РФ // Конституционно и муниципальное право. 2008. № 15. с. 18.

<sup>3</sup> Тихомиров, Ю. А. Правовое положение мигрантов // Зарубежное законодательство и сравнительное правоведение. Выпуск 3. 2006. № 6. с. 17.

<sup>4</sup> Алимов Д.Х., Джалилов М.Ш., Наботов Ф.С. Регулирование миграционных отношений в Таджикистане: проблемы и пути их преодоления / «Молодой учёный», №6(65), май, 2014 г. С.596.

<sup>5</sup> Ахбори Маджлиси Оли Республики Таджикистан, 2015 г., №7-9, ст. 696.

<sup>6</sup> Закон РТ от 17.05.2018 г., № 1525.

<sup>7</sup> Батафсил қаранг: <http://www.president.tj/taxonomy/term/5/111> (2019 йил 8 февраль куни мурожаат қилинган) // Шаҳрванд ба мусофират, интиқоби озоди маҳалли зист, тарки умхур ва бозгашт ба он ҳуқуқ дорад / Гражданин имеет право на свободное передвижение и выбор места жительства, выезд за пределы республики и возвращение в нее.

<sup>8</sup> Законы РТ от 10.05.2002 г., № 31, от 28.12.2005 г., № 145, от 31.12.2008 г., № 470, от 12.01.2010 г., № 470, от 03.08.2018 г., № 1541.

<sup>9</sup> Ахбори Маджлиси Оли Республики Таджикистан, 2002 г., №4, ч.1, ст.305; 2010 г., №1, ст.14; 2012 г., №12, ст.1013; Закон РТ от 26.07.2014 г., № 1124.

<sup>10</sup> Закон РТ от 17.05.2018 г., № 1525.

<sup>11</sup> [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/migrant.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant.shtml) (БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил 18 декабрдаги 45/158-сонли резолюцияси билан қабул қилинган)

<sup>12</sup> <http://www.mfa.gov.az/en/content/118>

<sup>13</sup> Собрании законодательства Азербайджанской Республики», 31 июля 1997 года, № 1.

<sup>14</sup> [http://www.migrationpolicycentre.eu/docs/migration\\_profiles/Azerbaijan.pdf](http://www.migrationpolicycentre.eu/docs/migration_profiles/Azerbaijan.pdf)

<sup>15</sup> <http://www.e-qanun.az/code/23>

<sup>16</sup> О присоединении Республики Беларусь к Конвенции о статусе беженцев и Протоколу, касающемуся статуса беженцев Закон Республики Беларусь: Закон Республики Беларусь, 4 мая 2001 г., № 10-З

<sup>17</sup> Конституция Республики Беларусь 1994 года: с изменениями и дополнениями, принятыми на референдумах 24 ноября 1996 г. и 17 окт. 2004 г. – 10-е изд., стер. – Минск: Нац. центр правовой информ. Республики Беларусь, 2014. – 62 с.

<sup>18</sup> О гражданстве Республики Беларусь: Закон Республики Беларусь, 1 авг. 2002 г., № 136-З // Звезда. – 07.08.2002. – № 186 – 187.

<sup>19</sup> О внешней трудовой миграции: Закон Республики Беларусь, 17 июня 1998 г., № 169-З

<sup>20</sup> О беженцах: Закон Республики Беларусь, 22 фев. 1995 г., № 3605-XII (ред. от 10.01.2006)

<sup>21</sup> О предоставлении иностранным гражданам и лицам без гражданства статуса беженца, дополнительной и временной защиты в Республике Беларусь: Закон Республики Беларусь, 23 июня 2008 г., № 354-З (ред. 03.07.2011)

<sup>22</sup> Об иммиграции: Закон Республики Беларусь, 29 дек. 1998 г., № 224-З

Ачилов Алишер Темирович,  
Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси мустақил изланувчиси

## ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ АЙРИМ АШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАРНИ ОЛИБ ЎТИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

◆ Мақолада жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи айрим ашё ва материалларни боғжона қонунчилигини бузган ҳолда олиб ўтиш жиноятлари тавсифи ва жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган бўлиб, қонун нормаларини амалиётда қўллаш бўйича мулоҳазалар баён қилинган.

◆ В статье анализируется характеристика преступлений, связанных с незаконным перемещением некоторых веществ и материалов, посягающих на общественную безопасность путём нарушения таможенного законодательства, а также рассматриваются вопросы квалификации и ответственности за эти преступления, высказаны мнения по дальнейшему совершенствованию практического применения законодательства.

◆ The article analyzes the characteristics of crimes related to the illegal transferring of certain substances and materials, encroaching on public safety by violating customs legislation, and also considers the issues of qualification and responsibility of these crimes and expressed views on further improving the practical enforcement of legislation.

**Калит сўзлар:** боғжона, жиноят, қонунчилик, давлат чегараси, контрабанда, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қуриммалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол, ўқ-дори, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, экстремизм, сепаратизм, ақидапарастликни тарғиб қилувчи материаллар, пиротехника, порнография, зўравонлик.

**Ключевые слова:** таможня, преступление, законодательство, государственная граница, контрабанда, сильнодействующие, ядовитые, отравляющие, взрывчатые вещества, радиоактивные материалы, взрывные устройства, вооружение, огнестрельное оружие, боеприпасы, наркотические средства, их аналоги, психотропные вещества, материалы пропагандирующие экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, пиротехника, порнография, насилие.

**Key words:** customs, legislation, crime, state border, smuggling, potent, poisonous, envenomous, explosives, radioactive materials, explosive devices, weapons, firearms, ammunition, narcotic drugs, their analogues, psychotropic substances, materials propagandizing extremism, separatism, fundamentalism, pyrotechnics, pornography, cruelty.

Бугунги кунда дунёнинг турли жойларида тобора кучайиб бораётган қарама-қаршилик ва кескинлик, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотрафик ҳамда бошқа хавф-хатар ва таҳдидлар барчамизни ҳавотир ва ташвишга солмасдан қўймайди. Мана шундай ўта мураккаб вазият барчамиздан аввало оғох, хушёр ва сезгир бўлишни талаб қилмоқда.

Шу боисдан ҳам юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев ўзларининг барча чиқишларида бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтадилар. Хусусан, **Давлат раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизнинг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш – барча ютуқларимизнинг бош гарови эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди<sup>1</sup>.**

Мазкур устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат боғжона қўмитаси бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ашё ва материалларнинг транзити

ва ички ҳудудда ноқонуний муомаласига қарши кураш бўйича чора-тадбирларни мунтазам амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, 2019 йил 1-ярим йиллик яқунларига кўра, боғжона органлари томонидан контрабанда ва боғжона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш йўналишида ўтказилган тадбирлар ва боғжона кўрикларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилганлиги натижасида 8621 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, улар бўйича 102,6 млрд. сўмлик товарлар ушлаб қолинган. Шунингдек, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича 18,6 кг. ва 896 туп гиёҳвандлик воситалари, 29995 дона психотроп таблеткалар, 22 та қурол, 38 дона ўқ, 775 дона гильза, 5158 дона капсула, 46,4 кг. порох ва 1,4 гр. дробь каби қурол-яроғ ва портловчи моддалар, 192,4 минг дона пиротехника маҳсулотлари ва 5371 дона тақиқланган диний мазмундаги материалларни ноқонуний айланишининг (олиб ўтилишининг) олди олинган<sup>2</sup>.

Шу ўринда, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи айрим ашё ва материалларни боғжона қонун ҳужжатларини бузган ҳолда олиб ўтиш учун

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади) 246-моддаси (Контрабанда), 244<sup>3</sup>-моддаси (Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш) ва 250<sup>1</sup>-моддасида (Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи) кўрсатиб ўтилган жиноятлар учун жавобгарлик масалалари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Шунингдек, жиноят қонунчилигида жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар туркумига кирмаса-да, жамиятнинг ахлоқ нормаларига тажовуз қилувчи ашёларнинг ноқонуний айланиши учун жавобгарлик белгиланган “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” тоифасига кирувчи ЖКнинг 130-моддаси (Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш) ҳамда ЖКнинг 130<sup>1</sup>-моддасида (Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш) кўрсатиб ўтилган жиноятлари ҳақида ҳам мулоҳаза юритмоқчимиз.

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар, эришилаётган ютуқлар, энг муҳими, ислохотларга бўлган ёндашув хорижий давлатлар томонидан тан олинди, эътироф этилмоқда.

Бунга яққол мисоллардан бири, жиноий жавобгарлик борасидаги ислохотларнинг мантикий давоми сифатида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясига** мувофиқ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишлари ишлаб чиқилганлигини кўрсатиш мумкин. Мазкур устувор йўналишни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси — тасдиқланди<sup>3</sup>.

Амалиёт кўрсатиб турибдики, контрабанда ва божхона соҳасида содир этилаётган жиноятлар уюшган жиноий гуруҳлар тарзида кун сайин пухта ниқобланган, ёвуз ниятларда, мураккаб жиноий схемалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Айни пайтда, ушбу соҳадаги жиноятларни аниқлаш ва тўғри тавсифлаш бўйича маълум бир муаммолар мавжудлиги ва уларни ислоҳ этиб, керакли чоралар кўриш зарурлигини тақозо этмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал

қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси ҳамда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” **Давлат дастуридан келиб чиқиб**, келгусида қонунчиликни такомиллаштириш ва жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган қуйидаги тақлиф ва мулоҳазалар кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан:

1. Контрабанда – лотинча “contra” – “қарши”, “bando” – “ҳукумат фармони” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “Ҳукумат фармонига қарши” деган маънони англатади.

Қонун чиқарувчи **контрабанда** яъни, божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказишда ифодаланган ижтимоий хавфли қилмишни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми; ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, радиоактив материалларни, шунингдек гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда контрабанда қилишда ифодаланган ижтимоий хавфли қилмишни эса шу модданинг 2-қисми билан жиноят сифатида белгиланган.

Ушбу жиноят Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси “Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” жинояти билан объектив томони, яъни, жиноятни содир этиш усуллари (божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб) бўйича бир хил бўлса-да, жиноят предметлари, яъни *товар ва бошқа қимматликларни эмас, балки ЖКнинг 246-моддаси диспозициясида кўрсатилган контрабанда ашёларини* божхона чегарасидан ўтказиш билан фарқланади.

Жиноят қонунчилиги бўйича **божхона қонунчилигини бузиш** деганда, ўрнатилган тартибга хилоф равишда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган

декларациядан фойдаланиб товар, қимматликлар ва бошқа ашёларни божхона чегарасидан ўтказиши тушунилади.

Контрабанда сўзи луғатларда, чет эл адабиётларида ва халқ орасида товар, қимматлик ва бошқа ашёларни давлат чегарасидан қонунга хилоф равишда олиб ўтиш деб тушунилади<sup>4</sup>. Шунингдек, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида Ўзбекистон Республикасининг ЖКда кўрсатилган контрабанда ашёларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, давлат чегарасидан ўтказиш учун алоҳида моддаларда жавобгарликлар белгиланган<sup>5</sup>. Канада давлатида эса «Migrant Smuggling» тушунчаси мавжуд бўлиб, алоҳида қонунда инсонларни (мигрантлар) контрабандаси учун жавобгарлик белгиланган<sup>6</sup>.

Шу боис, ушбу сўзни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигида кўрсатилганидек, контрабанда ашёларини божхона қонунчилигини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказиш деб таърифлаш мазмунан нотўғри ҳисобланиб, ушбу ашёларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб жиний қилмишлар алоҳида моддаларда акс эттирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Хусусан,

**А)** Контрабанда жинояти Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар” деб номланган 6-бўлимида жойлашган бўлиб, **ЖКнинг 246-моддасини “Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ашёларни контрабанда қилиш” деб номлаб,** “Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар” бобида қолдириш ва ушбу жиноятни қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади:

Кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш-

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қиргин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, радиоактив материалларни контрабанда қилиш-

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

**Б)** ЖКнинг “Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар” номли бобида **“Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни контрабанда қилиш”** деб номланувчи янги модда, яъни **272-моддаси** киритилиб, қуйидаги тахрирда баён этиш:

Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп бўлмаган миқдор-

да қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш-

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишлар озгинадан кўпроқ миқдорда содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда контрабанда қилиш —

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**В)** “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида экстремистик фаолият турлари кўрсатилган бўлиб, ушбу Қонунинг 11-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига экстремистик материалларни, экстремистик ташкилотларнинг атрибутлари ва рамзий белгиларини олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намоиш этиш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситаларида ёхуд телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ва намоиш этиш тақиқланади. Шу боис, амалдаги ЖКнинг тегишли моддаларида (244<sup>1</sup> ва 244<sup>2</sup>) кўрсатилган “диний экстремизм” сўзини “экстремизм” сўзи билан ўзгартириш лозим бўлади.

Шунга асосан, ЖКнинг 246-моддасида кўрсатилган экстремизм, сепаратизм ва акидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни **ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси таркибига киритиб**, номланиши ва диспозицияларига қуйидагича ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинади:

**“Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш, тарқатиш ёки намоиш этиш”**

*“Экстремизм, сепаратизм ва акидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қиргин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, шунингдек экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақ-*

лаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш.”

“Экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик гоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш”.

Шунингдек, ЖКнинг “Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар” номли 8-бобида акс этган **ЖКнинг 156-моддаси диспозициясидаги миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш учун ҳам** (албатта МЖТКнинг 184<sup>3</sup>-моддасига ҳам ушбу мазмундаги ўзгартириш киритилиши лозим) **жавобгарликни белгиловчи ўзгартириш киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.**

**2. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244<sup>3</sup>-моддасида** диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш ва **250<sup>1</sup>-моддасидаги** пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи жиноятлари учун жавобгарликда диний мазмундаги материаллар ва пиротехника тушунчаларини турлича талқин қилинишини олдини олиш мақсадида ЖКнинг **Атамалар ҳуқуқий маъноси** бўлимига ушбу тушунчаларга изоҳ берилиши лозим. Жумладан:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 январдаги “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10-сон қарорида **диний мазмундаги материалларга** таъриф берилган бўлиб, унга кўра:

**“Диний мазмундаги материаллар** — дунёдаги турли динларнинг асослари, тарихи, мафқураси, таълимоти ва шарҳлари ҳамда маросимларини ўтказиш амалиётини акс эттирувчи китоблар, рисоалар, журналлар, газеталар, варақалар ва бошқа босма нашрлар, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиппар, концерт дастурларининг ёзмалари, мультфильмлар, аниме, хэнтай ва шу кабилар), ахборот ташувчи электрон жисмлар (дискетлар, CD, DVD дисклари, Интернет тармоғида жойлаштирилган материаллар ва шу кабилар” деб изоҳ берилса;

Шунингдек, ЖКга шарҳларда ушбу жиноятнинг мотивига гараз, диний можаролар келтириб чиқариш, жамиятда беқарорликни вужудга келтириш, конституциявий тузумни қонунга хилоф равишда ағдариш, кўпинча вояга етмаганлар, ёшлар ахлоқига салбий таъсир кўрсатиш ва ҳ.к. бўлиши мумкинлиги кўрсатилган бўлиб, бундан ушбу жиноят предметини гўёки тақиқланган диний адабиётлар деган тасаввур ҳосил қилади, яъни амалдаги ЖКнинг 246, 244<sup>1</sup> ва 156-моддаларида кўрсатилган материаллар билан чалкаштириш мумкин.

Албатта, бу каби масалаларга мазкур турдаги жиноятларни кўриб чиқиш амалиёти бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленуми қарори ишлаб чиқилиб, тушунтиришлар берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2005 йил 8 июлда 1492-сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида портловчи материалларни автомобил транспортида ташиш қоидалари тўғрисида”ги Қарор билан тасдиқланган Қоидалар ва Адлия вазирлигида 2007 йил 25 сентябрда 1721-сон билан рўйхатга олинган Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 24 августдаги 131-сон буйруғи билан “Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари”да пиротехника воситалари тушунчасига таъриф берилган бўлиб, ундаги *Пиротехник модда ёки таркибида шундай моддалар бўлган буюм - детонация бермайдиган экзотермик реакциялар натижасида ташқи таассурот (олов, товуш, газ ёки тутун, ёхуд уларнинг аралашмалари) келтириб чиқаришга мўлжалланган модда ёки моддалар аралашмаси*, деб изоҳ берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**3. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 130-моддасида** порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги ПФ-5286-сон Фармонининг 2-иловасига мувофиқ порнографик маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш (импорт) тақиқланган.<sup>7</sup>

1923 йил 13 сентябрдаги “Порнографик маҳсулотлар айланиши ва савдосининг олдини олиш тўғрисидаги” Халқаро конвенциясига (Женева Конвенцияси) мувофиқ порнографик маҳсулотларни сотиш, тарқатиш, оммавий кўргазма қилиш мақсадида порнографик маҳсулотларни тайёрлаш ва сақлаш, **олиб кириш, ташиш ва олиб чиқиш** тақиқланган.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида (Германия, Корея, Россия, Қозоғистон ва бошқалар) ушбу маҳсулотларни **давлат чегарасидан ўтказиш** учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

**130-моддасини номланиши ва диспозицияси** қуйидаги мазмунда ўзгартирилса мақсадга мувофиқ бўлади, яъни:

“Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, давлат чегарасидан ўтказиш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКга шарҳларда порнографик маҳсулот, уни тарқатиш, реклама қилиш ёки намойиш этиш **мақсадсиз** сақланган бўлса, шахс жазога тортилмаслиги ҳақида таъкидлаб ўтилган. Лекин, шу ўринда **мақсади бевосита олиб киришга тааллуқлими ёки йўқ деган савол юзага келади**. Албатта, бу каби масалаларга мазкур турдаги жиноятларни кўриб чиқиш амалиёти бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарори ишлаб чиқилиб, тушунтиришлар бериш лозим бўлади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 130<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш тарзидаги қилмиш учун аксарият хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида жавобгарлик белгиланмаган бўлиб, хориж тажрибаси-

дан келиб чиқиб, ЖКдан ушбу қилмиш учун жавобгарлик чиқарилиб, маъмурий жавобгарлик (МЖТК 189<sup>1</sup>-модда. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни, шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади) билан чекланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётган ушбу кунларда, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида айрим қонунчилик нормаларини ҳар хил талқин қилиш, нотўғри ва хато қўллаш каби камчиликларнинг мавжудлиги бу борада уларни бартараф этиш, олдини олиш бўйича аниқ чоралар кўришни талаб этмоқда. Юқорида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар қонунларнинг сифатли ва самарали ишлашини таъминлашга муайян даражада кўмаклашади, деб умид қиламиз.



<sup>1</sup> <https://kun.uz/99444746>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2019 йил 1 ярим йиллик яқунларига бағишланган Ҳайъат йиғилиши материалларидан олинган маълумотлар.

<sup>3</sup> <http://lex.uz/docs/3735818>

<sup>4</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%BE%D0%BD%D1%82%D1%80%D0%B0%D0%B1%D0%B0%D0%BD%D0%B4%D0%B0>

<sup>5</sup> Международное уголовное право. Под общей редакцией А.В.Бриллиантова.-Москва.Юрайт.2017; Уголовное право зарубежных стран. Л. С. Аистова, Д. Ю. Краев. - Санкт-Петербург. СанктПетербургский юридический институт (филиал) Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2013.

<sup>6</sup> Perrin B. Migrant Smuggling: Canada’s Response to a Global Criminal Enterprise // International Journal of Social Science Studies. 2013. № 1(2). P. 139–153.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги “Миллий товарларимизни ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспортини рағбатлантириш кўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5286-сон Фармонининг 2-иловаси

Юлдашов Абдумумин Абдугопирович,  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Интеллектуал мулк агентлиги бўлим бошлиғи

## МУАЛЛИФЛИК ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИЛИШИ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИДИР

- ◆ Мазкур мақолада бугунги кундаги Ўзбекистондаги муаллифлик ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик чораси ва таҳлили, хорижий мамлакатлар қонунчилиги асосидаги қиёсий таҳлили ва уни такомиллаштириш масалалари ёритилган.
- ◆ В данной статье описываются проблемы и угрозы авторскому праву в Узбекистане, проводится сравнительный анализ зарубежных стран и их улучшение.
- ◆ This article describes the problems and threats to copyright in Uzbekistan, a comparative analysis of foreign countries and their improvement.

**Калит сўзлар:** муаллифлик ҳуқуқи, маъмурий жавобгарлик, контрафакт, жиноий жавобгарлик, муаллифликни ўзлаштириш.

**Ключевые слова:** авторское право, административная ответственность, контрафакт, уголовная ответственность, присвоение авторства.

**Keywords:** copyright, administrative responsibility, counterfeit, criminal liability, attribution authorship.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан ижодкорларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, муаллифлар ва турдош ҳуқуқ субъектларининг қонуний манфаатларига риоя қилиш долзарб масалалардан биридир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг сайловолди дастури ва 2017 йил август ойида Тошкент шаҳрида ижодкор зиёлилар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам маданиятимиз ва санъатимизни юксалтириш, халқимизнинг руҳий маънавий дунёсини бойитиш, ёшларимизни миллий мумтоз санъатимиз дурдоналари билан яқиндан таништириш ва шу билан бирга интеллектуал мулк муҳофазасини таъминлашга доир бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган эди<sup>1</sup>.

Мамлакатнинг инновацион ва иқтисодий жihatдан тараққий этишида, биринчи навбатда интеллектуал мулк объектларининг қай даражада ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлиги муҳим ўрин тутди.

Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистон томонидан Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мазкур халқаро таш-

килотга аъзо бўлишдаги дастлабки заруриятлардан бири — ташкилотнинг Интеллектуал мулк ҳуқуқий савдо жиҳатлари бўйича битими (ТРИПС)га қўшилиш ҳисобланади. Бу битимнинг энг асосий талабларидан бири интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини қонунчиликда белгиланганлиги, муқаррарлиги ҳамда кучайтирилганлигидир. Бундан ташқари, ҳар йили анъанавий равишда АҚШ Савдо департаменти томонидан чоп этиладиган “301 Махсус маъруза”сида ҳам Ўзбекистон томонидан интеллектуал мулк объектлари етарли даражада ҳимояланмаганлиги, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга нисбатан етарли даражада эътибор қаратилмаётганлиги билан характерланади<sup>2</sup>.

Юқоридагиларга мувофиқ, бугунги кунда Ўзбекистон олдида иккита вазифа, яъни, биринчидан, интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилиши, иккинчидан эса интеллектуал мулк объектларининг ҳимояланганлиги бўйича миллий қонунчиликни халқаро қоида ва нормаларга мослаштирилганлиги масаласи муҳим бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 майдаги ЎРҚ–534-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилашни назарда tutувчи қўшимчалар киритилди. Унга мувофиқ, эндиликда асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлгон ахборотни кўрсатиш, —

асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини, шунингдек уларни такрорлаш ҳамда тарқатиш учун фойдаланиладиган материаллар ва ускуналарни ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга;

худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини, шунингдек уларни такрорлаш ҳамда тарқатиш учун фойдаланиладиган материаллар ва ускуналарни ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишлиги белгиланди<sup>3</sup>.

Муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик чорасини маъмурий жавобгарлик қонунчилигида белгиланишида Швейцария, Нидерландия, Швеция, Дания Қироллиги, Хитой Халқ Республикаси, Эстония, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Украина, Қозғистон каби мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги тажриба ва амалиётлари ўрганиб чиқилган.

Маълумки, жаҳон амалиётида контрафакт маҳсулотларнинг тарқатилиши орқасидан келиб чиқадиган зарар қуйидаги бир неча гуруҳларга бўлинган ҳолда ўрганилади:

— мамлакатнинг ташқи имиджига салбий таъсир ва инвестицион муҳитнинг бузилиши;

— муаллифлик ҳуқуқлари эгаларининг маҳсулотларига етказилган зарар;

— давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларига келиб тушадиган солиқ ва бошқа тўловларнинг келиб тушмаслиги натижасида мамлакат иқтисодиётига етказиладиган зарар;

— уюшган жиноятчиликнинг молиялаштириш манбаси<sup>4</sup>.

Жавобгарликнинг белгиланиши ҳуқуқ эгаларининг интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлоқ ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини мустаҳкамлашда, контрафакт маҳсулотларининг айланиш (тасарруф этиш) ҳолатларини олдини олиш ва чек қўйишда, интеллектуал мулк соҳасидаги қоида ва нормаларни халқаро меъёрий ҳужжатларга мувофиқлаштиришда ҳамда фан, адабиёт ва санъат соҳасини ҳалол рақобат асосида ривожланишида муҳим туртки ролини ўйнайди.

Шу билан бирга, юқоридаги нормаларнинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигида акс эттирилиши фан, адабиёт ва санъат асарларининг муаллифлари меҳнатини рағбатлантириш, муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг ўз меҳнатларига яраша ҳақ олишларини таъминлаш, мамлакатимизда маданият ва санъатни янада кенг тараққий эттиришга ҳамда муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасида муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган, хусусан, тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган<sup>5</sup>.

Россия Федерациясининг Жиноят кодексига муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириш натижасида муаллифга ёки бошқа ҳуқуқ эгасига катта миқдордаги зарар етказиладиган бўлса, икки юз минг рублгача миқдорда жарима ёки 18 ой давомида айбдорнинг ойлик иш ҳақи ёки бошқа даромадларидан ушлаб қолиш ёки 480 соатгача мажбурий ишларга жалб этиш ёки олти ойгача қамок жазоси қўлланилади.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларидан ноқонуний фойдаланиш, хусусан, ўзлаштириш, сақлаш, асарлар ёки фонограммаларнинг контрафакт нусхаларини реализация қилиш мақсадда ташвиш катта миқдорда содир этилган бўлса, икки юз минг рублгача миқдорда жарима ёки 18 ой давомида айбдорнинг ойлик иш ҳақи ёки бошқа даромадларидан ушлаб қолиш ёки 480 соатгача мажбурий ишларга жалб этиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишларига юбориш ёки икки йилгача мажбурий ишларга юбориш ёки олти ойгача қамок жазоси қўлланилади.

Агарда, юқоридаги ноқонуний ҳаракатлар ол-

диндан келишилган ҳолда шахслар гуруҳи ёки уюшган гуруҳ томонидан ёки жуда йирик миқдорда ёки ўзининг хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, беш йилгача мажбурий ишларга юбориш, олти йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва беш юз минг рублгача жарима ёки уч йилгача ойлик иш ҳақи ёки айбланувчининг бошқа даромадларини ушлаб қолиш билан биргаликда ёки уларни қўшмаган ҳолда жазо тайинланади. Россия қонунчилигига кўра, йирик миқдор бу фонограмма ёки асарларнинг нусхалари ёки муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларини фойдаланиш натижасида етказилган зарар юз минг рублгача баҳоланса, жуда йирик миқдор эса бир миллион рублга қадар баҳоланади<sup>6</sup>.

Шунингдек, Беларусь Республикасининг Жиноят кодексига муаллифликка мажбурлаш ёки муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштирганлик учун жамоатчилик ишларига юбориш, жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишларига юбориш жазоси қўлланилади.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларидан ноқонуний фойдаланиш ёки ноқонуний тарқатиш маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ичида такроран айнан ўша ҳаракат содир этилса ёки бу ҳаракатнинг орқасидан йирик миқдордаги даромад олинган бўлса жамоатчилик ишларига юбориш ёки жарима ёки уч йилгача озодликни чеклаш жазоси ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Худди Россия Федерацияси қонунчилиги каби Беларусь Республикасида ҳам ушбу ноқонуний ҳаракатлар олдидан келишилган ҳолда шахслар гуруҳи ёки уюшган гуруҳ томонидан ёки ўзининг хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда катта миқдорда зарар етказиш натижасида содир этилган бўлса, жарима ёки беш йилгача бўлган муддатга қамок, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади<sup>7</sup>.

Мазкур мамлакатларнинг муаллифлик ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарликни белгилаш бўйича тажрибаси ҳамда бугунги кунда телекоммуникация тармоғи орқали содир этилаётган муаллифлик ҳуқуқини бузиш ҳолатлари кенг учраётганлиги бу йўналишдаги амалдаги жиноят қонунчилигимизда назарда тутилган нормаларни қайтадан кўриб чиқиш ва уни жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, мувофиқлаштириш талаб этилади. Хусусан, Жиноят кодексига муаллифликнинг ўзлаштирилгани учун ҳамда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг бузилганлиги учун алоҳида моддаларни киритиш лозим. Шу билан бирга, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини ошириш лозим.

Тўғри, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддаси билан кўрилади-ган жиноят ишлари сони у даражада юқори кўрсаткичга эга эмас.

2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси

Жиноят кодексининг 149-моддаси билан кўрилган жиноят ишлари сони

1-жадвал

Йиллар	Жами кўриб тамомланган		Шундан							
			Ҳукм чиқарилган		Иш тугатилган		Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган		Қўшимча терговга кайтарилган	
			иш	шахс	иш	шахс	иш	шахс	иш	шахс
2014	16	19	11	14	5	5	-	-	-	-
2015	5	9	5	8	-	1	-	-	-	-
2016	3	5	2	4	1	1	-	-	-	-
2017	1	1	1	1	-	-	-	-	-	-
2018	1	4	1	4	-	-	-	-	-	-

Мазкур ҳолатни ҳали жамиятимизда муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси бўйича ҳуқуқий маданият ва онгнинг етарли даражада эмаслиги, соҳага доир маалакали мутахасссларнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларининг йўқ эканлиги билан баҳолаш мумкин.

Юқоридагиларга асосан, муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш бўйича аниқ ўйланган ва мустақкам давлат сиёсатини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги “қароқчилик” жараёни кенг авж олган. Хусусан, контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган бутун бошли ишлаб чиқариш корхоналари ҳам фаолият юритиб келмоқда. Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам бозордаги барча контрафакт маҳсулотларни барчасини йўқотиш бўйича чораларни кўролмади. Бунинг асосий сабабларидан бири юқоридаги таъкидланганидек, суд, прокуратура ва бошқа ваколатли ташкилотлардаги соҳага доир кадрларнинг етишмовчилигидир.

Юқоридаги каби салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида россиялик ҳуқуқшунос тадқиқотчи Ю.В.Толчёнова томонидан қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилган<sup>8</sup>:

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизи-мида интеллектуал мулк бўйича ихтисослаштирилган бўлинмаларни ташкил этиш. Бунинг учун биринчи навбатда ушбу соҳа мутахасссларини ўқитиш ва тайёрлаш бўйича махсус курсларни ташкил этиш;
- тезкор-қидирув фаолиятининг янги метод ва усуллари ривожлантириш ва мавжуд тизимни такомиллаштириш (ҳаридларни текширувдан ўтказиш каби);
- контрафакт маҳсулотларни тайёрлаш ва реализация қилиш фактларини аниқлаш бўйича тизимли равишда текширишлар ўтказиш;
- қароқчилик фаолиятини ташкил этган ва уни бошқарган шахсларни кузатиш ва уларни жавобгарликка тортилишини таъминлаш. Бунинг учун албатта давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фаоллаштириш ҳамда аниқ ва самарали режаларни ишлаб чиқиш;
- интернет тармоғида интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича фаолиятни кучайтириш. Қароқчи сайтлар-

ни аниқлаш бўйича ташкилий-техник чораларни амалга ошириш;

— ноқонуний материалларнинг экспорт ва импортини тўхтатиш, давлат чегарасини кесиб ўтиш жараёнида ва ички ҳудудда контрафакт маҳсулотларнинг кириши ва фуқаролик муомаласига ўтишини олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, халқаро ва минтақавий трансмиллий “канал”лар фаолиятига чек қўйишга қаратилган чораларни кўриш;

— истеъмолга келиб тушаётган контрафакт маҳсулотлар манбасини аниқлаш бўйича мансабдор шахсларнинг, хусусан текширув ўтказувчи, муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни кўрувчи судлар фаолиятини соҳага эътиборини кучайтириш. Айнан йирик ноқонуний маҳсулот ишлаб чиқарувчилар фаолиятига қарши курашишни кучайтириш;

— контрафакт маҳсулот аниқлаш бўйича ягона методика ишлаб чиқиш, контрафакт маҳсулотларни аниқлаш бўйича мутахассислар тайёрлаш, мутахассислар ишини енгиллаштириш мақсадида лицензион ва тегишли гувоҳномага эга бўлган маҳсулотларнинг ягона базасини яратиш;

— контрафакт маҳсулотларни сақлаш ва йўқотиш бўйича доимий равишда ишловчи тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

— ҳудудлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро фаолиятини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш. Интеллектуал фаолият натижалари соҳасидаги қонбузарликларни бартараф этиш бўйича ҳамкорликда тадбирларни амалга оширишни кучайтириш чораларини кўриш. Контрафакт маҳсулотлар тарқалишини бартараф этиш бўйича оператив-профилактик тадбирларни ўтказиш бўйича ҳамкорлик-

даги турли минтақалараро буйруқларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— контрафактнинг ҳисобини камайтириш жараёнида ҳуқуқ эгаси томонидан монополизм юзага келишининг бартараф этиш. Мазкур жараён давлат даражасида қайсидур маънода лицензион маҳсулотларга нархни белгилаш жараёнини назоратини таъминлайди ва контрафакт маҳсулотларга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларга ижобий таъсир кўрсатади;

— муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги қароқчилик, унинг факторлари ва у билан курашишнинг самарали усуллари ҳолатининг комплекс мониторинги тизимини (ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва прогнозлаштириш) кўриб чиқиш. Соҳадаги жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг махсус статистик ҳисобини юритиш шаклини ишлаб чиқиш ва амалиётга кириштириш;

— контрафакт маҳсулотлар яратилиши ва айланиши билан боғлиқ иқтисодий жиноятлардан огоҳлантириш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фаол фойдаланган ҳолда аҳолини ҳуқуқий онгини ошириш тадбирларини амалга ошириш.

Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун долзарб ва ечими кутаётган муҳим аҳамиятга эга масалалардан биридир. Шу нуқтаи-назардан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик чораларининг белгиланиши ва кучайтирилиши ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаат ва ҳуқуқларини муҳофаза қилиниши билан биргаликда жамиятда муаллифлик ҳуқуқига нисбатан ҳурмат руҳини шакллантиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.



<sup>1</sup> [www.wipo.int/wipolex/ru/treaties/text.jsp?file\\_id=379915](http://www.wipo.int/wipolex/ru/treaties/text.jsp?file_id=379915)

<sup>2</sup> [https://ustr.gov/sites/default/files/2019\\_Special\\_301\\_Report.pdf](https://ustr.gov/sites/default/files/2019_Special_301_Report.pdf)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон.

<sup>4</sup> Ю.В.Толчёнова. Уголовная ответственность за нарушение авторских и смежных прав. Дисс. на соискание учёной степени кан.юрид. наук. Москва-2010 г.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.

<sup>6</sup> “Уголовный кодекс Российской Федерации” от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 17.06.2019) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.07.2019)

<sup>7</sup> <http://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275>

<sup>8</sup> Ю.В.Толчёнова. Уголовная ответственность за нарушение авторских и смежных прав. Дисс. на соискание учёной степени кан.юрид. наук. Москва-2010 г.

Мируктамова Феруза Лутфуллаевна,  
соискатель Университета мировой экономики  
и дипломатии МИД Республики Узбекистан

## ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ПРАВОСУДИЯ В ОТНОШЕНИИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

- ◆ В статье проанализированы модели ювенальной юстиции развитых стран. На основе анализа опыта этих стран автором приведены рекомендации по применению восстановительного правосудия в отношении несовершеннолетних.
- ◆ Мақолада ривожланган давлатларда ювенал юстиция моделлари таҳлил қилинган. Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан вояга етмаганларга нисбатан одил судловни қўллаш бўйича тавсиялар келтирилган.
- ◆ The article analyzes the model of juvenile justice in developed countries. Based on the analysis of the experience of these countries, the author provides recommendations on the use of restorative juvenile justice.

**Ключевые слова:** несовершеннолетние, правосудие в отношении несовершеннолетних, восстановительное правосудие.

**Таянч сўзлар:** вояга етмаганлар, вояга етмаганлар одил судлов, одил судловни қўллаш.

**Key words:** juveniles, juvenile justice, restorative justice.

В настоящее время отправление правосудия в отношении несовершеннолетних подлежит осуществлению на основе как внутригосударственных, так и международно-правовых актов, причем в последних содержатся стандарты, которым надлежит следовать и при принятии и реализации внутригосударственных норм.

К настоящему времени в мире сформировалось несколько моделей правосудия в отношении несовершеннолетних, в зарубежной практике известных как системы ювенальной юстиции. Эволюция ювенальной юстиции в США происходит путем совершенствования взаимодействия судебной и попечительской деятельности, вовлечения в эту систему взаимоотношений все большего количества государственных органов и учреждений, а также различных институтов гражданского общества, занимающихся проблемами детей [1].

Современная ситуация в США в сфере ювенальной юстиции свидетельствует о многообразии подходов в разных штатах. В некоторых из них ювенальная юстиция работает самостоятельно, управляется социальной службой (Агентством социальной службы, службой по работе с семьей и детьми), действуют службы пробации. В случае совершения правонарушения подростки попадают в сферу ювенального суда или к ним применяют неформальное рассмотрение обстоятельств, связанных с конкретным правонарушением, исполь-

зуются реабилитационные программы, предусматривающие работу с подростками по месту жительства с целью привить им интерес к какому-либо занятию или хобби. Кроме того, в нескольких штатах встречаются специальные суды с участием присяжных для несовершеннолетних, в которых также предусматривается разработка службой пробации и утверждение судьей индивидуального плана работы с подростком-правонарушителем [2].

Но есть штаты, в которых законодательно закреплены положения о передаче дел несовершеннолетних в определенных случаях в обычный уголовный суд. Но и в такой ситуации, когда дело может быть передано в уголовный суд для взрослых, вначале, как правило, предусматривается неформальное рассмотрение обстоятельств дела, попытки примирения с жертвой, возмещение ущерба (в соответствии с концепцией восстановительного правосудия), а также и коррекционная работа, по результатам которых и принимается решение о возможной передаче такого дела в суд для взрослых.

Практически все исследователи отмечают, что в США особый упор в работе с несовершеннолетними, находящимися в конфликте с законом, делается на специальные программы психосоциальной помощи для подростков [3].

В США примерно с конца 1980-х гг. действует правило, в соответствии с которым значительная

доля дел подростков могла быть передана под юрисдикцию обычных уголовных судов: решение этого вопроса принимается полицией, минуя предварительное изучение специального жюри.

Некоторые исследователи отмечают три основные тенденции, которые определяют будущее ювенальной юстиции в США:

- 1) отмена ювенальной юстиции;
- 2) развитие служб микросообществ как альтернативы институтам уголовного правосудия;
- 3) применение в отношении несовершеннолетних приговоров смешанного типа (одновременное использование норм ювенальной юстиции и «взрослого» правосудия).

Несколько иная модель правосудия в отношении несовершеннолетних сформировалась в Англии и Уэльсе.

Ювенальная юстиция в Англии и Уэльсе длительное время была встроена в общее уголовное правосудие и правовое обеспечение защиты детства. Первый Закон о детях, принятый в 1933 г. (был существенно переработан с принятием поправок 1969 и 1989 гг., последние правки были внесены в 2004 г.) предусматривал защиту прав ребенка посредством изъятия его из семьи и помещения его в закрытые учреждения. Новый Закон о детях, нацеленный на декриминализацию системы ювенальной юстиции, строился на новом понимании источников асоциального поведения и предполагал усиление социальных служб, снижение роли полиции, суда и системы исполнения наказания, но так и не был претворен в жизнь.

К 1980-м гг., времени либерализации социальной сферы и ужесточения системы уголовного правосудия, темнее менее, удалось рестриктивную концепцию правосудия в отношении несовершеннолетних компенсировать активизацией участия социальных работников [4]. В частности, в **Акте о детях 1989 г.** зафиксированы: право социальных работников посещать любые институты, связанные с принятием решений относительно подростков в конфликте с законом; право присутствовать на дознаниях и допросах в качестве представителей ребенка и его окружения (с 1998 г. данная функция в рекомендательном порядке передана представителям локальных центров правовой помощи гражданам).

Однако в 1990-е гг. роль закрытых институтов для несовершеннолетних из-за роста преступности усилилась.

Поворотным моментом развития ювенальной юстиции в Великобритании стало принятие **Закона о правах человека в 1998 г.**, предписавшего судам активно применять нормы Европейской конвенции о правах человека. Закон содействовал обновлению социальных служб. Не менее важным было принятие **Акта о правосудии в отношении молодежи и свидетельства в уголовном**

**судопроизводстве в 1999 г.**, когда в систему служб были введены элементы восстановительного правосудия. В это время на местном уровне были созданы группы для работы с молодыми правонарушителями, которые работают с подростками на всех этапах — от профилактики правонарушений до исполнения наказания и работы после выхода из мест заключения [5].

Во Франции система ювенальной юстиции базируется, прежде всего, на Законе от 2 февраля 1945 г. № 45-174 **«О нарушениях несовершеннолетних»**, и включает все стадии правосудия от следствия до исполнения воспитательной меры и контроля за исполнением мер, принятых в отношении несовершеннолетнего. Французская система ювенальных судов включает ювенального судью (магистрата), ювенальный трибунал, ювенальный суд присяжных. Французская система защиты прав ребенка в системе правосудия включает два компонента:

работа по профилактике в рамках «организационной защиты» (осознавшие возникшие у себя проблемы семьи сами обращаются за помощью в их решении или соглашаются на стороннее вмешательство в ситуацию);

защита прав ребенка в рамках «правовой защиты», если есть свидетельства опасного характера условий и факторов, способных нанести вред ребенку (суд требует от семьи выполнения определенных мер по их преодолению), либо если в отношении ребенка совершено уголовное преступление.

Система довольно сложная. Например, организацией защиты прав ребенка занимается Председатель Генерального совета, в подчинении которого работают такие институты, как Служба социальной помощи детям, Служба по охране материнства и детства, Местная социальная служба, Служба пропаганды здорового образа жизни среди учащихся и школьная социальная служба, Служба психиатрической помощи детям и подросткам.

В случае задержания подростка, т.е. возникновения конфликта подростка с законом или возможности такового, информация об этом сразу передается специальному органу: либо ювенальному прокурору, имеющемуся при больших ювенальных судах, либо обычному прокурору в небольших судах, которые встречаются с ним и связываются с ювенальным судьей, чтобы решить, изъять ли несовершеннолетнего из семьи, поместить под воспитательный надзор или во временное заключение. При этом параллельно подробно выясняют условия жизни подростка в семье, для чего обязательно посещают место его проживания, после чего судьей выносится решение о передаче дела детскому трибуналу. Последний включает в качестве председателя ювенального

судью и «ассессоров» из числа лиц, занимающихся проблемами детства. Таким образом, ювенальный судья сразу же включается в изучение личности ребенка и обстоятельств, приведших его к правонарушению.

Среди стран, в которых успешно применяется ювенальное правосудие, особым образом выделяется ФРГ [6].

Важные сведения о специфике работы с несовершеннолетними правонарушителями содержатся непосредственно в тексте уголовного кодекса ФРГ (JGG от 26.06.1990).

Анализ литературы, в которой отражено современное состояние ювенальной юстиции и социальной работы в Германии [7] показал, что проблеме профилактики молодежной преступности уделяется внимание в национальных масштабах. Ее ключевым элементом является **Закон о суде по делам несовершеннолетних (Jugendgerichtsgesetz)**, в рамках которого в полном объеме реализуется ювенальное правосудие.

В законе (JGG) провозглашен абсолютный приоритет воспитания над наказанием, установлены меры воспитательного воздействия в отношении несовершеннолетних. В соответствии с законом определяются следующие возрастные границы несовершеннолетних:

- дети до 14 лет (Kinder) считаются неспособными и несамостоятельными (unschuldfähig, unselbständig), поскольку не могут нести уголовную ответственность за совершенное деяние;
- подростки 14-18 лет (Jugendliche) несут полную уголовную ответственность;
- взрослые от 18 до 21 года (Heranwachsende) [8].

В отношении данной возрастной группы могут применяться как нормы уголовного кодекса для несовершеннолетних (JGG), так и нормы общего уголовного права ФРГ (Strafgesetzbuch), приговор зависит от степени зрелости и вменяемости юноши, а также соответствия его биологического, психологического и социального возрастов.

Наказание, в виде лишения свободы, является наиболее строгой санкцией в ювенальном уголовном праве Германии и может применяться как последнее средство (letztes Mittel), если воспитательные и принудительные меры оказываются неэффективными и не приносят положительного социального результата [9].

В законе о суде по делам несовершеннолетних разграничиваются юридические, психологические и социально-педагогические сферы деятельности.

В JGG предусматривается что применение уголовного права в отношении несовершеннолетних направлено прежде всего на противодействие новым преступлениям подростка или молодого

человека. Достижение указанной цели в судопроизводстве по делам несовершеннолетних осуществляется на основе реализации государственного права на воспитание (Erziehungsgedanke). Таким образом воспитательная идея является центральным ядром отправления правосудия по делам несовершеннолетних ФРГ, поскольку в течение исправительного периода подросток не только находится под контролем сотрудников социально-педагогических служб, но и подвергается исключительному воспитательному воздействию [10].

Социальные службы, занятые в системе правосудия по делам несовершеннолетних (Soziale Dienste der Justiz) выполняют психологические, юридические и социально-педагогические функции. Эффективность системы исправления несовершеннолетних правонарушителей основывается на взаимодействии различных ведомств, обеспечивающих комплексную социально-педагогическую и правовую поддержку несовершеннолетним и их родственникам [11].

Служба судебной помощи молодежи занимается изучением обстоятельств, способствовавших совершению преступления, несет ответственность за анализ и синтез биографической информации о правонарушителе, составление психологического и социально-педагогического портрета несовершеннолетнего.

Точка зрения сотрудника ССПМ является ключевой при назначении мер воспитательного воздействия. Важным условием в процессе принятия судебного решения являются рекомендованные ССПМ предложения, которые представляют собой педагогическую основу судебного следствия и содержат важные результаты обследования обвиняемого, а также субъекта, против которого было совершено преступление [12].

В соответствии с параграфом 5 абзаца 1 и 2 Закона о суде по делам несовершеннолетних в отношении них могут применяться следующие меры воспитательного воздействия и штрафные санкции:

- 1) амбулаторно-воспитательные;
- 2) исправительные;
- 3) меры наказания.

Амбулаторно-воспитательные меры направлены на замещение санкций, связанных с лишением свободы, например, участие в процедуре примирения с лицом, против которого было совершено преступление, включение в курс социального антиагрессивного тренинга (Anti-Agressions-Training), отработка на общественных работах [13].

Ключевая функция сотрудника социальной службы условного исправления заключается в надзоре и сопровождении несовершеннолетнего в течение всего испытательного срока [14].

Исправление проходит в три этапа: адаптация — терапия — ресоциализация.

Следующим важным звеном в цепочке воспитания и ресоциализации несовершеннолетних правонарушителей является процедура примирения жертвы с преступником (Täter-Opfer-Ausgleich), которая впервые стала применяться в судопроизводстве Германии с конца 80-х гг. XX в.

Изначально процедура примирения применялась в экспериментальном порядке, как общественная инициатива отдельных юристов и педагогов, но впоследствии переросла в легитимную юридическую практику. На сегодняшний день процедура примирения (уравнивания) жертвы с правонарушителем (Täter-Opfer-Ausgleich) является неотъемлемой частью системы мер воспитательного воздействия, применяемых в отношении несовершеннолетних правонарушителей.

Реальный учет преступлений, совершенных несовершеннолетними в Германии осуществляется в условиях системы особой юрисдикции, совмещающей признаки судебных и педагогических органов.

**Проект «Fallschrim»** начал реализовываться с 1998 г. в Германии (Берлин). Проект работает с проживающими детьми, совершившими правонарушения, которые считались бы уголовными преступлениями, если бы такие дети достигли возраста наступления уголовной ответственности (14 лет). Данный проект оказывает поддержку детям в преодолении маргинализации и криминализации. Проект устанавливает регулярное общение с ребенком и его/ее семьей, координируя действия с социальными службами, полицией, школой ребенка и другими проектами для молодежи в районе [15].

Проект обучает детей ответственности, поведению в кризисных ситуациях, а также помогает реинтеграции ребенка в школьную систему (например, сотрудники провожают ребенка в школу на ежедневной основе) и предусматривает участие в мероприятиях досуга, такие как спорт и молодежные клубы. Проект также проводит регулярные образовательные тренинги для родителей таких детей [16].

**Проект «Family Intervention Project» (Проект воздействия в семье)** [17] реализуется в Великобритании с начала 1980-х гг. и предлагает семьям, находящимся в группе высокого риска, интенсивную поддержку на пути позитивных перемен в их жизни.

Широкий ряд агентств оказывает поддержку семьям в переходный период до момента, когда они могут функционировать эффективно без интенсивной поддержки. Учитываются максимальные возможности сохранения семей.

Один центральный орган выступает в роли брокера при определении услуг, необходимых для

той или иной семьи. Они предлагают проведение полной диагностики семьи и составляют план поддержки семьи посредством интенсивного оказания помощи с применением различных моделей и подходов с соблюдением проведения регулярных встреч, текущей оценки состояния и предполагаемого плана завершения работы с семьей. Сотрудник, работающий с какой-либо семьей, олицетворяет открытость, честность, прямоту и требование к отдаче всех сил для разрешения проблем. Такой орган также предлагает отслеживание ситуации и сопровождение семьи и после работы основной программы [18].

Программы **«Victim-Offender Reconciliation Programs (Жертва-Правонарушитель примирительные программы)»**, впервые представленные в Канаде в 1974 и в США в 1977 году, были основаны на «меннонитских» принципах обмена и диалога [19]. Судебные тяжбы, присяга и воинская служба у меннонитов отрицаются. Меннонитство отличается «миролюбивым и умеренным» характером. Никогда не призывает к насилию и злу. Заставляет задуматься о смысле всей жизни вообще, о самосовершенствовании и развитии своей души». Данные программы включали в себя встречи жертв преступлений и правонарушителей, обычно проводившееся перед вынесением приговора, в присутствии нейтральной третьей стороны. Работа сторонников данной программы была тесно связана с религиозными принципами и институтами [20].

**Программы «Victim-Offender Mediation (Посредничество между жертвой и правонарушителем)»** начали осуществляться в Великобритании, Скандинавии и других странах Западной Европы в конце 70-х и 80-х годах, особенно активно они развивались в сфере ювенальной юстиции, когда жертвы преступлений и их защитники стали предпочитать термин «посредничество в разрешении конфликтов» («Mediation») термину «примирение» («Reconciliation») для обозначения программ встреч жертв и правонарушителей. Данная программная модель была схожа с предыдущей программной моделью, хотя во встречах получили возможность участвовать, помимо жертв и правонарушителей, и другие затронутые преступлением люди, особенно когда рассматривались дела о серьезных правонарушениях [21].

**«Family Group Conferences (Семейные конференции)»** — инновационный метод по работе с детьми и семьями появился в Новой Зеландии в 1989 году, при котором введена практика семейных конференций, которые могут применяться практически ко всем преступлениям, совершенным подростками. Семейные конференции отличаются от других программ тем, что они вовлекают в обсуждение преступления большее число членов общества, признают более широ-

кий круг пострадавших от преступления и делают акцент на участии представителей семьи правонарушителей. Семейные конференции были впервые представлены в 1991 году в Австралии как часть инициатив полиции. Проводимые полицией конференции были также учреждены в Австралийской Столичной Территории. В других штатах и Северных Территориях конференции проводились на базе судебной системы. Проведение конференций в области подростковой преступности было законодательно утверждено в 1993-1994 годах в Южной и Западной Австралии. Конференции там созывали и проводили не представляющие полицию профессионалы. Модель семейных конференций получила свое развитие и в других странах, включая Канаду, США и Великобританию [22].

**«Sentencing Circles» — «Круги правосудия»** впервые появились в Канаде в 80-х годах как часть политики индейских общин по отношению к своим преступникам. Исследователи выделяют в качестве их основных целей разрешение конфликтов, восстановление порядка и гармонии и «исцеление» правонарушителя, жертвы и общества. Практика кругов правосудия основана на процессе достижения консенсуса, что подразумевает «обширные рамки деятельности, которые включают в себя участие жертв преступлений, их семей, членов семей и друзей преступника и членов местного сообщества, целью которых является прореагировать на недостойное поведение и наложить соответствующие санкции в интересах всех участвующих сторон». Круги правосудия сейчас получили распространение и среди неиндейского населения Канады и США [23].

**Проект «Snap Outreach»** [24] также появился в Канаде, он ориентирован на детей младше 12 лет, предпринимает мульти-системный подход к детям младше 12 лет, совершившим анти-социальные проступки. Проект является центральным пунктом направления обращений и принятия ответных мер в отношении детей, имеющих антисоциальное поведение в рамках города Торонто [25].

Все задействованные органы, такие как департаменты городской полиции и пожарной охраны, общества оказания помощи детям, школьные советы и другие органы по работе с детьми, работают совместно на основе данного центра. После первоначального осмотра дети обучаются когнитивным навыкам поведения в структурированных группах, в то время как их семьи изучают стратегии эффективной семьи и работы с ребенком. Дети могут также быть закреплены за наставником, получать психологическую помощь, обучение на дому, школьную пропаганду и консультации учителей. Оценочные данные показы-

вают позитивные эффекты данной программы, согласно чему данная программа может получить широкое применение.

Право несовершеннолетних доступа к правосудию следует рассматривать как составную часть права на судебную защиту, реализующуюся на различных стадиях судебного процесса. Право на судебную защиту включает три обязательных элемента:

1) возможность для каждого, чьи права, свободы или законные интересы нарушены либо оспорены, обратиться в суд;

2) справедливое и публичное разбирательство дела в разумный срок независимым и беспристрастным судом, созданным на основании закона, и постановление законного и обоснованного решения;

3) исполнение судебного решения.

Идеи ювенального восстановительного правосудия стали формироваться относительно недавно. Впервые специализированные программы восстановительного правосудия были апробированы в 70-80гг. прошлого века в Канаде, США, Великобритании и Новой Зеландии.

Анализ применения систем ювенального восстановительного правосудия показал, что при их внедрении необходимо:

во-первых, решить вопрос в отношении принятия новой редакции Уголовного кодекса, в котором были бы имплементированы базовые требования международных стандартов в сфере правосудия в отношении несовершеннолетних (минимальный возраст привлечения к уголовной ответственности, возможность применения альтернативных наказаний и др.);

во-вторых, следует создать специализированные (вспомогательные) социально-педагогические учреждения, финансируемые из бюджета министерства юстиции, подготовить специалистов, обладающих навыками работы в сфере ювенального правосудия;

в-третьих, развивать институт примирения жертвы с правонарушителем (медиации) в соответствии с принципом адекватности наказания и тяжести преступления, позволяющей нести персональную ответственность перед потерпевшим.

Межведомственная кооперация, задаваемая противоречиями: судья-социальный педагог; жертва-преступник; наказание-воспитание; может стать реальной основой для создания инновационных социально-педагогических проектов. С целью разрешения указанных противоречий необходимо стимулировать соответствующие научные исследования и расширять международные контакты.

При осуществлении правосудия в отношении несовершеннолетних необходим учёт особых потребностей женщин, детей, молодёжи, иностран-

цев, мигрантов, представителей меньшинств, коренных народов, беженцев, жертв преступлений, умственно отсталых, пожилых людей и др.

Принимая во внимание тот факт, что в современном обществе происходят важные изменения, связанные, в частности, с технологическим прогрессом, урбанизацией и развитием средств массовой информации, а также тот факт, что эти из-

менения оказывают влияние на межличностные отношения, особенно внутри семей, и иногда оказывают пагубное влияние на личное и социальное развитие молодых людей необходимо внедрение современных технологий ранней превенции правонарушений среди несовершеннолетних с использованием современных информационных и социальных технологий.



1. Adapted from Stephenson et al., *Effective Practice in Youth Justice*, 2011.
2. Автономов А.С. Ювенальная юстиция: Уч. пособие М., 2009.
3. Шмидт В.Р. Интеграция подростков в конфликте с законом: зарубежный опыт. М., 2007.
4. Bishop, D. M. (2012). Evidence-based practice and juvenile justice. *Criminology and Public Policy* 11(3):483–489
5. Ярмац, Е. Н. Судебные формы организации ювенальной юстиции: зарубежный и национальный опыт / Е. Н. Ярмац // Специализация в судебной системе Республики Беларусь: учеб.-метод. пособие. В 2 кн. Кн. 1. Специализация в общих судах Республики Беларусь / редкол.: В.П.Мороз (гл. ред.) [и др.]. — Минск : Издательство «Четыре четверти», 2013. — С. 78.
6. См.: научные публикации немецких педагогов и криминологов Ф.Дюнкеля, В.Крумма, Р.Райндла, Т.Краппмайна, Ш.Квензеля, Б.Р.Зоннена, Д.Манзеля, Г.Кавамуры-Райндл, Б.Краака и др.
7. Стратегия и тактика социально-педагогической превенции и социальной работы с подростками и молодежью, раскрываются в исследованиях: К.Акерманна, Д.Валькер, В.Мельцера, К.Спауна, Ф.Петерманна, К.Пфайфера; монографиях: Т.Гордона, Г.Милковской-Олейничак, Д.Олвеуса, В.Хайтмайера, К.Хурельманна, В.Шубарта и др.
8. Библик О.Н. Введение в ювенальное уголовное право Германии [Текст]: учебное пособие. - Омск: Омский государственный университет им. Ф.М.Достоевского, 2009. - 83 с.
9. Grundsätze für die Mitwirkung der Jugendhilfe in Verfahren nach dem Jugendgerichtsgesetz - S. (2010) Fachdienst „Jugendhilfe im Strafverfahren“ BAG-Jugendgerichtshilfe in der DVJJ (Hrsg.), - 165 s.
10. Buck T. *International Child Law: Third Edition* //New York, Routledge New York, -509p.
11. «Отправление правосудия по делам несовершеннолетних в ФРГ: баланс воспитания и права»// - Астана.НОРД.2018г.-45с.
12. Handbuch für die Praxis Klier, R. / Brehmer, M./ Zinke, S. (2002): Jugendhilfe in Strafverfahren, Jugendgerichtshilfe. Walhalla Fachverlag, - 240 s.
13. Lin, W. H., J. K. Cochran, and T. Mieczkowski. (2011). Direct and vicarious violent victimization and juvenile delinquency: An application of general strain theory. *Sociological Inquiry* 81(2):195–222.
14. Резолюция (78) 62 Комитета Министров Совета Европы «О ювенальной преступности и социальных изменениях» от 29 ноября 1978 г.
15. Liles, A. and S. Moak. (2011). Evolving standards of decency involving juvenile offenders: A review of *Graham v. Florida*. *ACJS Today* 35(3):4–11.
16. European Crime Prevention Network, *A Review of good practices in Preventing Juvenile Crime in the European Union*, 2006.
17. UK Department for Education, *Family Intervention Projects: An Evaluation of their Design, Set-up and Early Outcomes — Brief*, 2008.
18. Knoll, C. and M. Sickmund. (2012). *Delinquency cases in juvenile court, 2009*. Washington, DC:Office of Juvenile Justice and Delinquency Prevention.
19. «Меннонимты — одна из протестантских деноминаций, получившая название от своего основателя, Менно Симонса (1496—1561), голландца по происхождению.
20. Latessa, E. J., F. T. Cullen, and P. Gendreau. (2002). Beyond correctional quackery: Professionalism and the possibility of effective treatment. *Federal Probation* 66(2):43–49.
21. Brown, S. A. (2012). *Trends in Juvenile State Legislation: 2001–2010*. Washington, DC: National Conference of State Legislatures.
22. Center for Nonviolence and Social Justice. (n.d.). The Sanctuary Model. <http://www.sanctuaryweb.com/center.php> (accessed May 7, 2013)
23. Juvenile Law Center. (2013). *Juvenile Life without Parole in Pennsylvania*. <http://jlc.org/current-initiatives/promoting-fairness-courts/juvenile-life-without-parole/jlwop-pennsylvania> (June 22, 2013).
24. European Crime Prevention Network, *A Review of good practices in Preventing Juvenile Crime in the European Union*, 2006.
25. Kempf-Leonard, K. (2010). Does having an attorney provide a better outcome? The right to counsel does not mean attorneys help youths. *Criminology and Public Policy* 9(2):357–363.

Хомидов Элдор Олимович,  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти ўқитувчиси

## ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ДАРОМАДЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

◆ Мақолада давлат олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари даромад келтирувчи фаолияти фуқаролик-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Шунингдек, олий таълим муассасаларини тадбиркорлик фаолиятига доир хорижий тажрибалар ўрганилган. Олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунлар ўрганилиб, такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган.

◆ В статье проанализированы гражданско-правовые проблемы деятельности внебюджетных средств государственных высших учебных заведений. В том числе, изучен зарубежный опыт по предпринимательской деятельности государственных высших учебных заведений. Даны рекомендации по совершенствованию законов, регулирующие предпринимательскую деятельность ВУЗов.

◆ The article deals with the civilian legal analysis of extra budgetary income generating activities of high education institutions. Foreign experiences in the field of business activities of high education institutions have been investigated as well. In the article, laws relating to the business activities of high education institutions have been studied thoroughly and give some recommendations on improving those activities.

**Таянч сўзлар:** инновацион марказлар, ноу-хаулар, иқтисодий тараққиёт, тузилмавий интерфейс, бизнес инкубаторлари, ресурс капитали, пуллик таълим хизматлар, бюджетдан ташқари даромадлар, тадбиркор университетлар.

**Ключевые слова:** Инновационные центры, ноу-хау, экономическое развитие, структурный интерфейс, бизнес-инкубаторы, ресурсный капитал, услуги платного обучения, внебюджетная прибыль, предпринимательские университеты.

**Key words:** Innovation center, economic development, structural interface, business incubator, resource-capital, paid education services, non-budget profits, entrepreneurial universities.

Олий таълим муассасалари юридик шахс бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Давлат олий таълим муассасаларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда, олий таълим муассасаларига тадбиркорлик фаолиятидаги муваффақиятли ютуқлардан фойдаланиш йўллари ни жорий қилиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш — энг муҳим масалалардан биридир. Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюrolари, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқ-

ларига эмас, балки илмий ишланмалар “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак” [1] деб алоҳида таъкидлади.

Демак, олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш ва шу орқали муассасаларнинг ўз-ўзини молиявий таъминлаш тизимини яратиш ҳамда қонунчилигимизда соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни талаб этади.

Шу ўринда Фарбнинг иқтисодчи олимларининг “Иқтисодий тараққиёт — бу тадбиркор университетни муваффақиятли фаолиятининг натижасидир [2]” деган фикрига қўшиламыз. Бугунги кунга келиб дунёнинг етакчи ва нуфузли олий таълим муассасалари, ўқув жараёнида таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг фаолиятини самарали амалга оширишлари учун тадбиркорлик инфратузилмани барпо этишга этиборларини қаратишган.

Масалан, Америкалик иқтисодчи Ж.Ропке, тадбиркорликнинг олий таълим муассасаси каби

турини, тадбиркорлик муносабатларида ташкилот сифатида кўрсатиш кераклигини ва олий таълим муассасаси ва унинг ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигини олий таълим муассасаси ва минтақа ўртасида “тузилмавий интерфейс” га олиб келишини таъкидлайди[3].

Тадқиқотчи Р.Т.Набиулиннинг фикрича, олий таълим муассасаларида тадбиркорликни олиб боришнинг бир тури — олий таълим тузилмасига ёки бошқа компаниялар томонидан бошқариладиган тадбиркорлик марказлари, лойиҳаларни ишлаб чиқиш марказлари, бизнес инкубаторларни яратиш[4] лозим деб ҳисоблайди.

Ушбу марказлар талабаларнинг тадбиркорлик алоқаларини, тадбиркорлик маданияти ривожлантириш, ижодий ғояларини амалга ошириш мақсадида яратилади. Бундай ҳолатларда тадбиркорлик марказлари доирасида олий таълим соҳасидаги аниқ лойиҳани амалга ошириш учун талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг жамоаси тузилиши лозим бўлади. Шунингдек, талабаларнинг ижод маҳсулоти олий таълим муассасалари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилар томонидан қўллаб-қувватланиши керак. Шу йўл билан яратилган маҳсулот ёки хизмат харидорга, миқозга ёки истеъмолчига етказилади.

Ҳозирги кунда ушбу фаолият тури дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларида кенг тарқалган, масалан, Оксфорд Университетида умумий йиллик айланмаси 4 миллиард АҚШ долларига тенг 300 та корхона билан шартнома имзоланган бўлиб, улардан учдан бир қисми университет ғоялари орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади.

Гарвард университетида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ресурс капитали кўрсаткичи тахминан 15 миллиард долларни ташкил этади, Жорж Вашингтон Университетига тадбиркорлар 500 миллион доллар ажратади[5].

Хорижий тажрибага эътиборни қаратадиган бўлсак, бюджет маблағлари ҳаддан зиёд тежаладиган Японияда мамлакат умумбюджети учун нисбатан анча арзон тушади. Япония ҳукуматининг таълимга қиладиган сарфи 2002 йилларда ялпи миллий маҳсулотнинг 5,5-6% ни, АҚШда бу кўрсаткич 7,1% ни, Буюк Британияда эса 7,7% ни ташкил этган. Шунга қарамай япон ўқувчилари ва талабалари кўпгина кўрсаткичлар бўйича бошқа мамлакатлардаги тенгдошларидан ўзиб кетган[6].

Япон тажрибасидан кўриниб турибдики, таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти, таълим муассасаларини асосий фаолият туридан чалғитмайди, балки давлат бюджетини тежайди ва олий таълим муассасаларига қўшимча

молиявий ресурслар оқиб келишини таъминлайди.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш ва муассасаси ўзининг таълим хизматларини, бизнес режалари ҳамда ғояларини истеъмолчиларга етказиб бериши учун қонун нормаларини такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида давлат олий таълим муассасалари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари учун ҳуқуқий асос яратилган бўлсада, олий таълим муассасаларида лойиҳа ишларини амалга ошириш, бизнес инкубатори ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича ишлар етарли ташкил этилмаган.

Олий таълим муассасаси бозор иқтисодиётида талаб ва таклифнинг ўзгариши ёки бошқа омиллар натижасида унинг таълим хизматларига ёхуд бошқа кўринишдаги тадбиркорлик фаолиятига таъсир қилмаслиги керак.

Агар олий таълим муассасаси ўзи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларини (таълим хизматлари, ғоялари, бизнес инкубаторлиги, бизнес режаларини) харидорларга самарали етказиб берадиган бўлса, унда олий таълим муассасасининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига бўлган ҳуқуқий белгиларни ўзгартиришга тўғри келади ва ишлаб чиқариш корхонаси деган хулосага келишимиз мумкин бўлади.

Қонунчилигимизда, давлат олий таълим муассасаларини тижоратчи ташкилотлардан ажратиб турадиган тадбиркорлик фаолияти хусусиятлари белгилаб қўйилган. Жумладан:

— олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти фақат олий ўқув юртини ташкил этиш мақсадларига мувофиқ амалга оширилиши лозимлиги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси 6-банди ва “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 31-моддаси [7] да;

— пуллик таълим хизматларини кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақлилиги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси 6-бандида белгиланган.

Муассасалар ўз уставида белгиланган ҳуқуқ лаёқати доирасида қўшимча даромад келтирадиган тадбиркорлик фаолиятининг баъзи турлари билан шуғулланишлари мумкин. Бундай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи ФКнинг 180-моддасига мувофиқ унинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бўлиши лозим. Улар ўзларининг асосий фаолияти доирасида ҳақ эвазига хизматлар кўрсатишлари мумкин. Муассасаси

мустақил равишда бошқа юридик шахс ташкил қилиш ҳуқуқига эга эмас, чунки унинг бундай ҳаракати мулкдорнинг мол-мулкини ғайриқонуний равишда тасарруф этиш деб қабул қилиниши мумкин. Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади (ФКнинг 180-моддаси 2-қисми).

Лекин, олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти борасидаги масала қонунчилигимизда мавҳум бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси 6-бандида назарда тутилган пуллик таълим хизматлари ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари ўртасида фарқ мавжуд. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида тадбиркорлик фаолиятининг тушунчаси келтирилган бўлиб, моддага кўра “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулквий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”[8] деб белгиланган.

Олий таълим муассасаларининг таълим хизматларини кўрсатиши тадбиркорлик фаолияти эмас, балки бюджетдан ташқари даромадларининг бир тури ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятида таваккал қилиш элементи мавжуд бўлса, таълим хизматларида таваккалчилик ҳолати мавжуд бўлмайди. Шунингдек, олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини субъекти сифатида эътироф этишимиз учун мустақиллик принципи мавжуд бўлиши керак.

Олий таълим муассасаларининг даромад келтирувчи фаолияти уларнинг асосий фаолиятининг мақсадига боғлиқ бўлади. Чунки олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари даромад келтирувчи фаолияти, уларга доимий равишда фойда келтириши мумкин. Олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятида, доимий фойда олиш мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин. Шу боис олий таълим муассасаларининг даромад келтирувчи фаолияти, тадбиркорлик фаолиятдан кенг тушунча саналади.

Давлат олий таълим муассасаларининг пуллик таълим хизматларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— хорижий тилларни ўқитиш бўйича курслар ташкил этиш;

— абитуриентларни ўқишга кириш учун тайёрлаш;

— малака ошириш ёки қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш;

— талабаларни тўлов шартнома асосида ўқитиш;

— фуқаролар учун маслаҳат клубларини ташкил қилиш;

— олий маълумот олишни хоҳловчилар учун сиртдан ўқитишни ташкил қилиш кабилар.

Давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятига қуйидагиларни киритиш мумкин бўлади:

— олий таълим муассасасига қарашли бўш турган бино ва иншоотларни ижарага бериш;

— босмаҳоналар ташкил этган ҳолда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни чоп этиш;

— умумий овқатланиш учун ошхоналар ташкил этиш;

— маиший хизмат кўрсатиш хоналарини очиш;

— ходимлар ва оилалик талабаларнинг болалари учун болалар боғчаларини ташкил этиш;

— тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро шартномалар асосида илмий-инновацион ишларни амалга ошириш;

— автотранспорт воситаларини сақлаш учун парklar ташкил этиш;

— чет эл сармоядорлари билан биргаликда қўшма лойиҳалар тузиш;

— илмий ғояларни истеъмолчиларга етказиш учун таълим инкубаторларини ташкил қилиш кабилар қиради.

Олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятининг шакли унинг низомида белгиланади. Давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини унинг уставида эмас, балки таълим соҳасида махсус қонун ҳисобланган “Таълим тўғрисида”ги қонунда аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти муассасага муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни юклайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига кўра, ушбу Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир[9] деб белгилаб қўйилган.

Шундай экан, олий таълим муассасаларининг асосий фаолият туридан ташқари фаолияти унинг уставида эмас, қонунчиликда кўрсатилиши мақсадга мувофиқ саналади.

Давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти — бу ўзига хос хусусиятлари туфайли тижорат корхоналарининг тадбир-

корлик фаолиятдан сезиларли даражада фарк қилувчи олий таълим муассасаларига нисбатан янги фаолият тури ҳисобланади.

Шу муносабат билан олий таълим муассасаларнинг ушбу соҳасини ривожлантириш, уни таълим ва тадқиқот жараёнлари билан боғлаш, янги жараёнларнинг пайдо бўлиши ва олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик субъектлари инфратузилмасининг янги таркибий қисмлари ҳозирги кунда ҳар бир ОТМлар учун ҳам, умуман Ўзбекистон Республикаси учун ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, таълим инсон омилига инвестиция саналади. Бундай инвестициядан давлат ҳам, фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектлари ҳам манфаатдор ҳисобланиб, биринчидан, олий таълим соҳасида муассасаларнинг даражаси ошади, иккинчидан, олий таълим муассасаларнинг иқтисодий жиҳатдан ўз-ўзини таъминлаш қобилияти вужудга келади, учинчидан, талабалар орасида ҳам, профессор-ўқитувчиларда ҳам иш унумдорлиги янада фаоллашади, қолаверса олий таълим муассасаларида ижтимоий муаммолар бартараф этилади.



1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 йил. [www.Lex.Uz](http://www.Lex.Uz).
2. Ropke J. "The Entrepreneurial University: Innovation, academic knowledge creation and regional development in a globalized economy", N.Y., 1998. 11p.
3. Қаранг. Юқоридаги манба.
4. Набиуллин Т.Р. "Особенности развития вуза как субъекта предпринимательской деятельности" <https://cyberleninka.ru/journal> 2013г. 387с.
5. Қаранг. Юқоридаги манба.
6. Саидов М.Х. Олий таълим муассасаларини молиялаш. Ўқув қўлланма. Тошкент-Молия 2002 йил. 36 бет.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда ва Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда;
8. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда.

Сабилов Эркинжон Кучкарбаевич,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академиясининг мустақил изланувчиси

## СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ТААЛЛУҚЛИЛИК ИНСТИТУТИ: УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

◆ Мақолада мамлакатимизда судлар фаолиятидаги тааллуқлилик институтини ҳуқуқий табиатини аниқлаш, унинг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларда акс этиши, ишларни судларга ёки бошқа органларга тааллуқлилиги ўртасидаги ҳуқуқий чегарани аниқлаш масаласи баён этилган. Судлар фаолиятидаги тааллуқлилик институтининг АҚШ, Япония ва Хитой тажрибаси ўрганилди.

◆ В статье освещаются определение правовой природы подведомственности в судебной деятельности, обозначение его в нормах материального и процессуального права, выявление правового разграничения подведомственности между судами и другими органами. Изучен зарубежный опыт подведомственности в судебной деятельности США, Японии и Китая.

◆ The article highlights determining of legal nature of jurisdiction matters of judicial activities, indicating of jurisdiction within the material and procedural norms, differentiating jurisdiction of courts and other authorities/ The author studied experience of the USA, Japan and China concerning jurisdiction of courts.

**Таянч сўзлар:** тааллуқлилик, судлар фаолияти, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

**Ключевые слова:** подведомственность, деятельность судов, защита законных прав и интересов, зарубежный опыт, усовершенствование.

**Key words:** jurisdiction, judicial activities, protection of rights and interests, foreign experience, improvement.

Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари қаторида унинг Конституция ва қонунлар билан белгиланган ҳуқуқларини бузилишини ваколатли миллий судлар томонидан самарали ҳимояланиш ҳуқуқи ҳам киритилган.<sup>1</sup>

Ўз навбатида Конституциямизнинг 44-моддасида ҳам “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.”<sup>2</sup> деб белгиланган.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи қонуний мустаҳкамланиб, унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай гайриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимояси-

да бўлиш ҳуқуқига эгаллиги, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган<sup>3</sup>.

Конституция ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ушбу ҳуқуқдан фойдаланишда тааллуқлилик институти муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳуқуқлари бузилган ёки низолашилаётган шахс айнан қайси органга мурожаат қилиши мумкинлиги масаласи келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасида бузилган ёки низолашилаётган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бир неча шакллари мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 10-моддасига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб кўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, иқтисодий суд ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилинади. Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин<sup>4</sup>.

Ҳуқуқ ҳақидаги низолар муайян ваколатларга эга бўлган бошқа органлар томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Хусусан, фуқаролик ҳуқуқлари-

ни ҳимоя қилишнинг нотариал шакли мавжуд. Ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари меҳнат низолари комиссияси томонидан ҳимоя қилиниши мумкин. Айрим ҳуқуқий масалалар акциядорларнинг умумий йиғилиши ва бошқа жамоавий тартибда ҳал қилиниши мумкин.

Судга тааллуқли ишлар деганда бу судлар томонидан кўрилиб, мазмунан ҳал этиладиган ишларни тушуниш лозим.

Суд ҳар бир ҳолатда муайян ишни ўз иш юритувига қабул қилиш жараёнида мазкур иш суд тартибда кўриб чиқилиши мумкин ёки мумкин эмаслигини, ушбу ишни кўриш бошқа орган ваколатига тегишли ёки тегишли эмаслигини текшириши шарт.

Шундай қилиб, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларини судга тааллуқли эканлигини аниқлаш бу ишларнинг қайси тоифаси амалдаги қонунчиликка биноан муайян судда ишларни юритиш тартибда кўриб чиқилишига тегишли эканлигини белгилаш демакдир.

Ишларни тааллуқлилиги иш юритувига ушбу ишлар келиб тушган суд томонидан аниқланади.

Муайян ишни айнан қайси органга тааллуқлилигини тўғри аниқлаб олиш - фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни кафолатли ҳимоя қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Тааллуқлилиқ соҳасидаги айрим хатолар фуқаролар томонидан ортиқча вақт ва маблағ сарфланишига сабаб бўлиб, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига путур етказиши мумкин. Шу боис тааллуқлилиқ қоидаларини аниқ белгилаб олиш, ишларни органлар ўртасида аниқ тақсимланишини таъминлаш фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Тааллуқлилиқ институтини янада ривожлантириш, бу соҳани тадқиқ қилиш ўз олдида қуйидаги вазифаларни белгилайди:

тааллуқлилиқ институтининг ҳуқуқий табиатини аниқлаш, унинг вужудга келиш ва ривожланиш механизмларини ўрганиш;

тааллуқлилиқ ва уни миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

ишларни судларга ёки бошқа органларга тааллуқлилиги ўртасидаги ҳуқуқий чегарани аниқлаш; миллий қонунчилигимиздаги тааллуқлилиқка оид зиддиятларни кўрсатиш, уларни бартараф этишнинг хорижий тажриба ва мамлакатимизда мавжуд усулларни таҳлил қилиш, бу борада амалий тусга эга бўлган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Судлар фаолиятида тааллуқлилиқ институти мазмунини ёритишдан аввал тааллуқлилиқ терминига тушунча бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Тааллуқлилиқ бу муайян юридик ишни у ёки бу орган томонидан кўрилиши ва ҳал қилиниши-

га бўлган алоқадорликни белгилайди. Тааллуқлилиқ қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Тааллуқлилиқ ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра тармоқлараро ҳуқуқ институти сифатида гавдаланади. Тааллуқлилиқ бу ҳуқуқий шарт-шароит бўлиб, шахсни ўзининг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун айнан қайси органга мурожаат қилиш ҳуқуқини белгилайди. Яъни, тааллуқлилиқ маълум бир масалани ҳал қилиш муайян бир идоранинг иш юритувига тегишлилигини кўрсатиб беради.

Юридик жиҳатдан таърифланганда тааллуқлилиқ бу мустақил процессуал институт бўлиб, унинг мазмунини қайси қонунда назарда тутилганидан қатъи назар, процессуал нормалар йиғиндиси ташкил қилади.

Тааллуқлилиқ нормалари асосан процессуал қонунларда акс этган бўлса-да, бир қатор ҳолатларда уларни моддий ҳуқуқ нормаларида ҳам кузатиш мумкин.

Масалан, Оила кодексининг 24-моддасида, "...эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир."<sup>5</sup>-деб белгиланган.

Ёки, Меҳнат кодексининг 207-моддасида зарарни ундириш тартиби кўрсатилган бўлиб, унга кўра "ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар суммаси айбдор ходимдан иш берувчининг фармойишига мувофиқ ундирилади. Фармойиш зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши мумкин. Етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши лозим бўлган суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибда ундирилади."<sup>6</sup>-деб моддий ҳуқуқ нормаси билан мазкур ишларни судга тааллуқлилиги алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган.

Тааллуқлилиқ институти объектив жиҳатдан ҳуқуқда муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролик кодексининг 10-моддасига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, иқтисодий суд ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилиниши, қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқари маъмурий тартибда ҳимоя қилиниши белгиланган.<sup>7</sup> Фуқаролик кодексига ҳарбий ва Конституциявий судлар назарда тутилмаган. Бироқ, ушбу судлар

хам фуқаролар ва юридик шахсларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилишда иштирок этишади.

Фуқаролик кодексининг 12-моддасида кўра, давлат органининг ёки фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги. Бу масаладаги ҳуқуқлар асосан оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиб, маъмурий суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилади.

Бундан кўриниб турибдики, субъектив ҳуқуқлар ҳимояси институтини ҳам юридик жиҳатдан тартибга солиш тааллуқлиликини четлаб ўтмайди.

Демак, тааллуқлилиқ — у ёки бу ишни қонун ҳужжатлари билан иш юритувига қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ваколати берилган муайян органга тегишлилигини белгилловчи хусусиятдан иборат.

Ҳуқуқ тўғрисидаги низони вужудга келиши ва ривожланишидаги ҳуқуқий муносабатлар, манфаатдор шахсларнинг характеристикаси тааллуқлиликини аниқлашдаги ҳуқуқий мазмун-моҳиятни ташкил қилади. Тааллуқлилиқ ёрдамида судларнинг у ёки бу тоифадаги ишлар юзасидан одил судловни амалга оширишга оид ваколати белгиланади.

Судлар фаолиятида тааллуқлилиқ турларини бир нечтасини кузатиш мумкин.

1) Истисно (махсус) тааллуқлилиқ — муайян тоифадаги ишларни маълум бир (қонунда белгиланган ҳолда) орган томонидан кўриб чиқилиши мумкинлигини англатади. Бу ишлар бошқа органлар томонидан ҳал этилиши мумкин эмас. Истисно тааллуқлилиқка, масалан, ишга тиклаш, отоналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби ишлар киритилиши мумкин.

Истисно тааллуқлилиқнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда низони судда кўриб чиқилиши учун бошқа орган томонидан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилганлиги талаб қилинмайди.

2) Муқобил тааллуқлилиқ — маълум тоифадаги ишларни нафақат судда, балки бошқа ваколатли органда ҳам кўриб чиқилиши мумкинлигини белгилайди. Бунда айнан қайси органга мурожаат қилиш даъвогар (аризачи) ихтиёрига ҳавола этилади. Муқобил тааллуқлилиқка ишларни ҳакамлик судларида кўриб чиқилишини киритиш мумкин. Фуқаролар вужудга келган (меҳнат ва оилавий муносабатлардан ташқари) низолар хусусида ўзлари хоҳлаган ҳакамлик судига мурожаат қилишлари мумкин.

3) Шартли тааллуқлилиқ — бунда муайян тоифадаги ишлар судга тааллуқли бўлиши учун ушбу низоларни судгача кўриб чиқиш тартибига риоя этилганлиги талаб этилади. Тааллуқлилиқни бу

турини ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ҳуқуқ тўғрисидаги низо судгача бошқа органнинг кўриб чиқиш предмети (низони судгача кўриб чиқиш босқичи) бўлган бўлиши керак. Аксарият меҳнат низолари дастлаб меҳнат низолари комиссиялари томонидан, кейин эса судлар томонидан кўрилади.

Судлар фаолиятида тааллуқлилиқ институти масалалари бўйича хорижий тажрибани ўрганиш натижалари миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришда чет эл нормаларининг айрим жиҳатларига эътибор қаратишда муҳим аҳамият касб этади.

Япония Конституциясига кўра суд ҳокимиятини Олий суд амалга ошириб, бутун давлатда суд назоратини амалга оширади.

Олий суддан ташқари, 16.04.1947 йилдаги “Судлар тўғрисида”ги қонунга кўра, Японияда судлар 4 тоифага бўлинган. Булар: Юқори судлар, Округ судлари, Оилавий ишлар бўйича судлар, Миқдорий (суммарный) судлардир.

Олий суд Япония давлатида судларнинг олий органи бўлиб, уни муайян ишни кўриш, яъни қуйи судлар ишларини апелляция шикоятларига асосан Фуқаролик процессуал ва Жиноят процессуал қонунлари тартибида кўриб ҳал қилиш ваколати тааллуқлидир. Апелляция шикоятларига асос сифатида суд қарорининг Конституцияга зидлиги ёки қонун ҳужжатларини нотўғри талқин этилиши, шунингдек, суд қарорини суд прецедентига зид равишда чиқарилганлиги бўлиши мумкин.

Юқори судлар Япониянинг 8 та йирик шаҳарларида жойлашган: Токио, Осака, Нагоя, Хиросима, Фукуока, Сендай, Саппоро ва Такамацу. Бундан ташқари, 2005 йил апрель ойида Токиода интеллектуал ҳуқуқлар бўйича юқори суд ташкил қилинган.

Агарда Япония процессуал қонунчилигида ушбу шикоятларни кўриб чиқиш Олий судга тааллуқлилиги махсус белгилаб қўйилган бўлмаса, Юқори судлар Округ судлари, Оилавий ишлар бўйича судлар, Миқдорий судларнинг қарорларига нисбатан берилган барча шикоятлар бўйича иш кўради.

Жиноят ва фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриб чиқиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, миқдорий суднинг жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судининг қарори юзасидан аризаси шикоятни бевосита Олий судга бериши мумкин бўлса, миқдорий суднинг фуқаролик ишлари бўйича қарори устидан шикоят дастлаб Округ судига, кейинчалик эса Юқори судга берилади. Шунингдек, Юқори судлар айрим масалаларда махсус ваколатга эга бўлиб, сайлов қонунчилиги билан боғлиқ маъмурий ишлар, жамоат тартибининг бузилиши билан боғлиқ жиноят ишларини биринчи инстанция суди сифатида кўриши мумкин.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган интеллектуал ҳуқуқлар бўйича Юқори судлар патент ҳуқуқларига оид Оқруғ судлари ва Япония Патент бюроси қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқиш бўйича мутлақ ваколатга эгадир.

Оқруғ судлари, Япония қонунчилигига кўра фуқаролик ва жиноят ишларини биринчи инстанция суди сифатида кўрадилар. Оқруғ судлари шунингдек, миқдорий судларнинг фуқаролик ишлари бўйича қарорлари бўйича шикоятларни ҳам кўриб чиқади.

Оилавий ишлар бўйича судлар оила ичидаги низолар ва вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан ишларни кўради. Хусусан, вояга етган шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгилаш масалалари, фарзандликка олиш, алимент ундириш, никоҳдан ажратиш ва эр-хотин ўртасидаги умумий мулкни бўлиш, болани ўз қарамоғига қайтариш ҳақидаги ишлардир. Никоҳдан ажратиш ва бошқа ишларни кўришда суд асосий эътиборни яраштиришга қаратиши лозимлиги Япония қонунчилиги билан белгилаб қўйилган. Бу судлар вояга етмаганлар (14-19 ёш) томонидан содир этилган жиноятларни ҳам кўриб чиқадилар. 14 ёшгача бўлган шахсларнинг жинойи ҳаракатлари бўйича асосий эътибор жазолашга эмас, балки, уларни ҳимоя қилиш ва таълим тарбия беришга қаратилади.

Миқдорий суд аҳоли учун энг қулай суд бўлиб, бу судларга низо қиймати 1.400.000 иендан ошмаган миқдордаги фуқаролик ишлари, қонун нормалари санкциясида жарима ва бошқа енгил турдаги жазолар кўрсатилган жинойи ишлар (ўғирлик, ўзлаштириш) тааллуқлидир. Ушбу судларга жиноят ишларини кўришда озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш ваколати берилмаган. Агар бу суд жиноят содир этган шахсга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, иш кўриб чиқиш учун Оқруғ судига ўтказилади<sup>8</sup>.

АҚШда ишларнинг судларга тааллуқлиги ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, федерал судлар ва штат судлари ўртасида ишларни тааллуқлиги Конституция билан чегаралаб қўйилган.

Хусусан, федерал судлар чекланган юрисдикцияга эга бўлиб, Конституцияда белгиланган ишлардан ташқари барча ишлар штат судларига тааллуқли ҳисобланади.

АҚШ Конституциясига мувофиқ Конституция билан тартибга солинувчи муносабатлардан, АҚШ давлати билан тузилган шартномалардан ва федерал ҳуқуқдан вужудга келувчи муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар, элчилар, консуллар, турли штатларда яшовчи шахслар ўртасидаги ишлар федерал судлар ваколатига тааллуқлидир.

